



Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий

Форс тилидан А. РАСУЛЕВ таржимаси  
Масъул мухаррир А. ЎРИНБОЕВ

## МУХАРРИРДАН

Кўлингиздаги «Бухоро тарихини Ўрта Осиёning ерли халклари томонидан качонлардир ёзилиб, энди ўтмиш асрлар сахифаларини ёритиш учун хизмат килиб келаётган нодир ёзма ёдгорликларнинг энг кадимийларидан биридир дейилса, хато килинмаган бўлади. Дарҳакикат, бундан 1000 йил мukаддам Ўрта Осиёning ўзида, ўз фарзанди кўли билан ёзилиб, тугал бир асар холида бизнинг кунларгача етиб келган бошка тарихий манба хозир бизга маълум эмас. Шунинг учун хам «Бухоро тарихи»ни Ўрта Осиё халклари тарихнавислик фанидаги энг дастлабки асарлардан бири деб хисоблайдилар.

Бу асар, асосан, Ўрта Осиёда араблар истилоси натижасида ислом динининг тарқатилиши (VIII аср) ва ундан бевосита олдинги даврлар хамда IX—XII асрлардаги Бухоро ва унга якин шахар-кишлоклар халкларининг иктиносидий, маданий, ижтимоний, сиёсий тарихига оид мухим маълумотларни ўз ичига олган ва бу хол «Бухоро тарихи»нинг кимматли бош манба сифатида тарих фанида зўр шуҳрат топишига асос солган.

Асарнинг хозирги давргача етиб келиш тарихи бошка кўлёзма манбалардан кўра бошкачарок бўлиб, уни ўрганшидан аввал бу хакда кискача маълумотга эга бўлиб олиш унда келтирилган маълумотлардан тўгри фойдаланиш учун албатта зарурийдир. «Бухоро тарихи»нинг бош сўзида айтилганидек, уни даставвал Бухоронинг Наршах кишлогидан бўлган Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий 943—944 йилларда араб тилида ёзган. Хозирда Наршахийнинг номи Ўрта Осиёning VIII—XII асрлар тарихига оид деярли барча илмий тадқикот ишларида тилга олинади-ю, аммо унинг хаётига оид бирор тўлик маълумот келтирилмайди. Бунга сабаб, унинг ўз асарида хам ва унга якин даврларда яшаган бошка муаллифлар асарларида хам шундай маълумотларнинг кглтирилмаганлигидир. Факат Самъонийнинг «Китоб ул-ансаб» асарида унинг тўла номи Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн

Шарик эканлиги ва у Бухоро ахлидан бўлиб, 286 (899) йили тугилган ва 348 (959—960) йили вафот этганлиги эслатилади . «Бухоро тарихишинг эса араб тилидаги асл нусхаси бизгача етиб келган эмас, тўгрироги, хали шу вактгача унинг мавжудлиги хакида бирор маълумот йўк.

Гап шундаки, асарнинг бизгача етиб келган нусхасининг бош сўзида айтилишича, 1128 йилн асли хозирги Куба шахаридан бўлган Абу Наср Ахмад ибн Наср ал-Кубовий Наршахийнинг китобини «кўпчилик кишилар араб тилида ёзилган китобни ўкишга рагбат кўргазмаганликлари» сабабли ўз дўстларининг илтимосига биноан арабчадан форс тилига таржима килган.

У «араб тилидаги нусхада сўзланган кераксиз ва бунинг устига ўкигандан (киши) табиатида малоллик орттирадиган нарсалар»ни таржимага киритмай кискартириб юборган. Ундан ярим аср ўтгандан кейин асар яна кайтадан таҳрирга учраган: 1178—1179 йиллар мобайнида Мухаммад ибн Зуфар ибн Умар форс тилидаги таржимани иккинчи марта кискартириб баён килган. Аммо асарни ўкир эканмиз, биз унда, баъзан, мазкур 1178-1179 йилдан кейинги то 1220 йилгача бўлиб ўтган тарихий воеалар хакида хам, киска-киска маълумотлар учратамиз. Бу шуни кўрсатадики, Мухаммад ибн Зуфардан кейин хам бир ёки бир неча бизга номаълум кишилар асарни таҳрир килганлар. Улар хам асарни кискартирганлар дейишга асос бўлмаса-да, лекин кўшимчалар киритганликлари воеалар мазмунидан аник англашилиб туриди.

«Бухоро» тарихи» нинг биз танишишга мұяссар бўла олганимиз барча кўлёзма нусхалари, улар орасидаги баъзи фарклардан катъи назар, ана шу 1220 йилгача давом эттирилган матнни ўз ичига олади. Наршахийнинг хамда унинг асарини бевосита кайта ишлаб арабчадан форс тилига таржима килган Абу Наср Ахмад ва бу таржимани киркартириб баён этган Мухаммад ибн Зуфарларнинг асл нусхалари эса хозиргача хам манбашунослик фани учун номаълумлигича колиб келмоқда. Лекин бизгача етиб келган асар нусхасининг мазмунига караганда, шуни айтиш мүмкінки, таржимон Абу Наср Ахмад хам, кискартирувчи мухаррир Мухаммад Ибн Зуфар хам ўз ишларига оддий таржима ёки таҳрир тарзида караган эмаслар. Асарнинг кўп ерларида унинг муаллифи Абу Бақр Мухаммад ибн Жаъфарга хамда таржимон Абу Наср Ахмадга илова килиб сўзланган жумлалар шуни кўрсатадики, таржимон Абд Наср Ахмад хам, кискартирувчи мухаррир Мухаммад ибн Зуфар хам ўз ишларига мустакил бир тус берганлар.

Таржимон Абу Наср Ахмад Наршахийнинг араб тилидаги нусхасида мавжуд бўлган баъзи мавзуларни ташлаб кетиш билан бир каторда асарга катта тарихий кимматга эга бўлган кўпгина маълумотларни кўшган ва бунда у ўз давридан илгариги воеаларни ёритиш учун бошка тарихий манбалардан фойдаланган. Бу манбалардан бири Абу Наср Ахмаднинг ўзи кўрсатиб ўтгани Абу-л-Хасан Абдурахмон (ибн) Мухаммад Нишопурининг «Хазоин ул-улум» номли асаридир. Бу асарнинг бизнинг давримизгача етиб келган-келмаганлиги хозирча маълум эмас. Аммо ундан келтирилган «Бухоро тарихи»даги айrim сатрларнинг ўзи хам Абу-л-Хасан Абдурахмоннинг китоби накадар мухим бир тарихий манба бўлганлигини кўрсатади. «Хазоин ул-улум»дан маълумотлар келтирилиши хакикатан хам Абу Наср Ахмад ибн Мухаммад томонидан бажарилганлигига эса кискартирувчи мухаррир Мухаммад ибн Зуфалнинг ўз номидан келтириб: «Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср... шундай дейди. Абулхасан Нишопурий «Хазоин ул-улум»да айтишича...» деган сўzlари шубҳасиз далилдир.

Ана шу мазмундаги кўп жумлалар яна шуни кўрсатадики, Наршахийншг асарига

кўшимчалар киритган киши асосаи таржимон Абу Наср Ахмад бў либ, Мухаммад ибн Зуфарнинг иши, катъий килиб айта олмасак хам, форс тилидаги таржимани «кискартириб баён килиш»дан иборат бўлган.

Таржимон Абу Наср Ахмад ва ундан кейинги мухаррирлар асар матнига анчагина ўзгартишлар киритган бўлсалар хам, лекин Наршахий номини мусанниф-муаллиф сифатида саклаб колганлар: масалан, асардаги: «Бу китобнинг мусаннифи айтади» деган сўзлар буни яккол исботлай олади. Лекин, шунга карамай, асардаги бир канча маълумотлар Наршахий ўз китобини ёзиб тугаллагандан (944) кейинги таржимонга якин (1128) даврларга оид эканлигига кўра, биз бу маълумотлар муаллифи деб Абу Наср Ахмадни ёки ундан кейин китобни кискартириб таҳрир килган Мухаммад ибн Зуфар ва бошка хозирча номлари аникланмаган шахсларни танишимиз лозимлигини такозо этади. Наршахий аслида ўз асарига кандай ном берганлиги маълум эмас. Шу сабабли асар кўлёзма нусхаларда ва хозирги замон илмий-тарихий адабиётида хам «Тарихи Наршахий» («Наршахий тарихи»), «Тарихи Бухоро» («Бухоро тарихи»). «Таҳқик ул-вилоят» («Вилоят хакикатини аниклаш»), «Ахбори Бухоро» («Бухоро хакида хабарлар») каби хар хил номлар билан юритилиб келган. Бу номлардан кейинги учтаси асар мазмуни бўйича тўгри бўлиб, улардан энг аниги — «Тарихи Бухоро» хозирда тарихий адабиётда катъий ўрнашиб колди. «Тарихи Наршахий» деб аталиши эса юкорида эслатиб ўтганимиздек, асарнинг бизгача етиб келган нусхаси Наршахийдан бошка кишиларнинг хам кўшимча ва таҳrirлари, кискартиришларига учраганлиги туфайли тобора камрок ишлатилиб келмоқда. Шунга биноан, ушбу нашрда хам асарнинг номи «Бухоро тарихи» деб кабул килинди.

«Бухоро тарихи»ни бош манба сифатида ўрганиб, ундаги кимматли маълумотларни илмий тадқикотларга жалб килиш ишлари кўп вактлардан бери давом этиб келмоқда. Бухоронинг VIII—XII асрлардаги тарихидан баҳс этувчи хозирги замон йирик илмий тадқикот ишларининг хаммасида хам «Бухора тарихи»дан олинган маълумотларни учратамиз десак, муболага килмаган бўламиз. Шу билан баробар асарнинг бир ёки бир канча кўлёзма нусхалари асосида тайёрланган матни хам бир неча бор — 1892 йили Ч. Шефер томонидан Парижда, 1904 йили Мулло Султон томонидан Бухорода, 1939 йили Мударрис Ризавий томонидан Техронда нашр килинган. Шунингдек, «Бухоро тарихини»нинг Н. Лиқошин томонидан бажарилган изоҳли русча таржимаси 1897 йили Тошкентда ва Р. Фрайнинг изоҳлар илова этилган инглизча таржимаси 1954 йили Кембрижда босилиб чиқди.

«Бухоро тарихи»нинг кенг ўкувчилар оммаси диккатига тавсия этилаётган ушбу ўзбекча таржимаси А. Расулов томонидан бундан бир неча йил бурун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шаркшунослик институтида асарнинг Париж ва Бухоро нашрлари хамда мазкур институтнинг кўлёзёмалар фондида сакланаётган 5388—11 раками 1235 (1819—1820) йили кўчирилган кўлёзма нусхаси асосида бажарилган эди. Сўнгрок, ушбу сатрлар муаллифи томонидан таржимани таҳрир килиб, нашрга тайёрлаш асносида босма ва кўлёзма нусхалар сони яна кўпайтирилиб, таржима кайтадан кўриб чиқилди ва баъзи текстологик изоҳлар тузилди. Чунончи, бу ишга «Бухоро тарихи» нинг Техронда Мударрис Ризавий томонидан нашр килинган форс тилидаги киёсий нашри ва СССР Фанлар академияси Осиё халклари институтининг Ленинград бўлимида сакланаётган 1008 (1599—1600) йилда кўчирилган 675 раками хамда Тожикистон ССР Фанлар

академиясининг Шарк кўлёзмалари фондидаги 1060 (1650) йилда кўчирилган 513/11 ракамли кўлёзма нусхалар жалб килинди. Бу кўлёзма ва босма нусхаларни бир-бирига таккослаш натижасида Техрон нашрини асос килиб олиш мувофик топилди. Чунки гарчи бу нусха хам айрим камчиликлардан холи бўлмаса-да, умуман олганда бошка кўлёзма ва босма нусхаларни назарда тутиб нашрга тайёрланганлиги билан эътиборга сазовордир. Бу босма нусханинг камчиликларини текшириб бориш учун эса асосан Париж босмаси, Бухоро босмаси, Ленинград кўлёзмаси ва Душанба (Тожикистон ССР) кўлёзмаси матнларидан фойдаланилди. Зарурат тугилган айрим холларда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шаркшунослик институтининг XIX асрда кўчирилган 2212/1 ва 4355/111 ракамли кўлёзмалари хам жалб килинди.

Жуғрофий ва шахсий номларга берилган кискача изохлар Д. Ю. Юсупова томонидан бажарилган.

Маълумки, «Бухоро тарихи»ни дастлаб ёзган Мухаммад ибн Жаъфар хам, сўнг асарни кискартириб ва кўшимчалар кўшиб арабчадан форс-тоҷик тилига таржима килган Аҳмад ибн Мухаммад ва бу таржимани кискартириб баён килган Мухаммад ибн Зуфарлар хам X-ХП асрлар шароитида, ўз даврларида мавжуд бўлган иктисадий, маънавий хаёт таъсирида иш олиб борганлар. Шунинг учун хам «Бухоро тарихи» X-ХП асрлар ижтимоий мухити такозосича ислом динига хамда ўша даврда хукмрон бўлган тузумга карши харакатлар (масалан, Муқанна кўзголони) ни коралаш позициясидан туриб ёзилган. Бирок шунга карамай, асарда катта тарихий кимматга эга бўлган маълумотлар келтирилган ва уларни илмий объектив равишда таҳлил килиш тарих фани учун фойдадан холи эмас. Бу хол «Бухоро тарихи» маълумотлари Ўрта Осиёнининг VII-XII асрлар тарихидан бахс этувчи илмий-тарихий асарларнинг аксариидш кўп вактлардан бери фойдаланиб келинаётганлиги билан шак-шубҳасиз исботланган. Бу кимматли ва ноёб асарнинг ушбу ўзбекча нашри хам тарихчи-тадқикотчилар, кенг ўкувчилар оммаси диккатига бош манба хамда X-XII асрлар тарихий адабиётидан намуна сифатида тақдим этилади.

## БИСМИЛЛОХИР РОХМАНИР РОХИМ

Шукр ва мактовлар жаҳонни яратувчи, яширин (нарсалар)ни хам билувчи жониворларга ризқ берувчи ва еру осмонни тутиб турувчи улуг тангрига бўлсин! Унинг шаъни улгайсин! (Худонинг) марҳамати ва саломлари одамларнинг сараси, пайгамбарларнинг сўнггиси Мухаммад мустафога,— худо унга раҳмат ва саломини йўлласин,— унинг хонадони, ёр-дўстлари ва тобеларига бўлсин! Уларнинг барчасидан оллоҳ рози бўлсин!

Абу Наср Аҳмад ибн Мухаммад ибн Наср ал-Кубовий шундай дейди: «Абу Бакр Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий Бухоро (шахари), унинг хусусият ва фазилатлари. шахарнинг ўзида ва кишлокларида мавжуд бўлган кулай шароитли ва фойда етказувчи нарсалар, шахарга алокадор бўлган нарсалар хакида хамда пайгамбар,— аллоҳ унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин,— унинг сухбатдошлари, тобелари ва дин олимлари,— уларнинг барчасидан аллоҳ рози бўлсин,— томонидан Бухоронинг фазилати борасида айтилган хадислар хакида бир китоб ёзган ва уни мархум Амири хамид Абу Мухаммад Нуҳ ибн

Наср ибн Ахмад ибн Исмоил ас-Сомоний номига багишлагай. Бу китоб араб тилида, гўзал иборалар билан уч юз ўттиз иккинчи йил ойларида (4 сентябрь 943—23 август 944) ёзилган эди. (Аммо) кўпчилик кишилар араб тилида ёзилган китобни ўкишга рагбат кўргазмаганликлари сабабли, дўстларим мендан у китобни форс тилига таржима килишни илтимос килдилар. Мен илтимосни кабул килдим ва беш юз йигирма иккинчи йилнинг жумод ал-аввал ойида (май, 1128) китрбни форс тилига таржима килдим. Бирок, араб тилидаги нусхада кераксиз ва бунинг устига ўкигандаги (киши) табиатига малоллик орттирадиган нарсалар (хакида хам) сўзланган экан. У нарсаларнинг баёни (таржимага) киритилмади».

Беш юз етмиш тўртинчи йил ойларида (19 июнь 1178—7 июнь 1179) эса бандаларнинг камтарини Мухаммад ибн Зуфар ибн Умар бу таржиманн жаҳон садрларининг садри, хожа имом, энг улуг, энг иззатли, дин ва шариатнинг далили, ислом дини ва мусулмонлар киличи, бутун олам пешволари шамшири, шариат сultonни, халифалик таянчи, икки харам имоми, кун чикиш ва ботиш муфтиси, икки томони обрўлик, мактовлар ва фахрлар эгаси Абдулазиз ибн ас-садр ал-имом ал-хамид Бурхонуддин Абдулазизиинг,— худо унинг ота-боболари руҳларини пок этсин ва болаларига иззат ва баланд мартаба билан баракатли умр берсин,— олий мажлиси учун кискартириб баён килди.

---

## II. БУХОРОДА КОЗИЛИК КИЛГАН КИШИЛАР ХАКИДА

Себавайх ибн Абдулазиз ал-Бухорий ан-Нахвий шулар жумласидандир. «Мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки,—дейди Мухаммад ибн Аъян,—Себавайх Бухорода козилик килганида (халкнинг) икки дирхамига хам адолатсизлик килмади»; сўнг у яна: «Икки дирхам кўплик килади, у тарикча хам жавр ўтказмади»,— дейди.

Яна Мухаллад ибн Умар хам йиллар давомида, токи шахид бўлгунинг кадар козилик килди. Абу Дайм Хозим Садусий (хам кози бўлди) ва унга халифадан козилик фармони келди. Ганжор деб машхур бўлган раҳматли Исо ибн Мусо ат-Таймийга козиликни берган эдилар, у кабул килмади. Султон унга агар козилик килмасанг бирор кишини танлагин, биз ўшанга берайлик деган эди, буни хам кабул килмади. Султон козиликка лойик кишилар номини унинг олдида бир-бир айтинглар деб буюрди; шундай килдилар, аммо унинг олдида кимнинг номини атамасинлар, у «войик эмас» дея берди ва, нихоят, Хасан ибн Усмон Хамадонийнинг номини тилга олганларида сукут килди. Унинг сукути розилигидир дедилар-да, козиликни Хасан ибн Усмон Хамадонийга бердилар. Бунинг замонида Хурросон шахарларида илмда ва такводорликда унга тенглашадиган хеч бир кишини кўрсата олмаганлар.

Яна Омир ибн Умар ибн Имрон кози бўлди. Исҳок ибн Иброҳим ибн ал-Хитий хам козилик килди. Бу киши козиликдан бўшатилганидан кейин икки юз саккизинчي йили (16 май 823—3 май 824) Тусда вафот топди.

Яна Саъид ибн Халаф ал-Балхийни икки юз ўн учинчи йил жумод ал-аввал ойининг охирида (16 август 828) козиликка танинладилар. Бу киши козиликни шундай олиб бордики, худойи таолонинг яратган бандаларигаadolat, инсоф ва шафкат килиш борасида уни мисол килиб кўрсатар эдилар. У яхши конун-коидалар ўрнатди. Жумладан, токи кучлик киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун бу тўғонларни курдириб Бухоро сувиниadolat ва инсоф юзасидан таксим килишни у киши асослаган.

Яна рахматли Абдулмажид ибн Иброхим ан-Наршахий (кози бўлди). Бу кишини хушхулк-такводор бандалар жумласидан хисоблар эдилар. Яна Султон Ахмад ибн Исмоил ас-Сомонийнинг даврида (рахматли) Ахмад ибн Иброхим ал-Баркадий козилик килди. У хам зоҳид хам факих эди. Яна (козилардан бири) Абу Зар Мухаммад ибн Юсуф ал-Бухорий бўлиб, у рахматлл Имом Шофеийнинг сұхбатдошлари жумласидан хамда олим ва зоҳид эди; уни (барча) Бухоро олимлари орасида юкори кўяр эдилар. У кишини яширнн пора бериш ва бошка ҳар хил йўллар билан синаб кўрдилар, аммо у бирор нарса билан хам ўзини булгатмади, балки кундан-кунга унданadolat ва инсоф равшанрок содир бўлди. У кексайган пайтида козиликдан бўшати лишини илтимос килди ва хажга кетиб, хаж маросимини адо этди; кейин бир муддат Ирокда туриб, пайгамбарнинг,— худо унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин,— хадисини ўрганиш талабида шогирдлик килди. Сўнг кайтиб Бухорога келгач, то умрининг охиригача узлатда яашни ихтиёр этди; худо уни раҳмаг килсин.

«Муҳтасари Кофий»нинг муаллифи мархум Абу-л-Фазл ибй Мухаммад ибн Ахмад ал-Марвазий ас-Суламий кўп йиллар давомида Бухорода козилик килди ва заррача хам ўзига айб юқтирумади; у барчага (баробар)adolat ва инсоф юзасидан иш кўрар хамда унинг даврида олимлик ва зоҳидликда бутун дунёда хам унга тенг келадиган киши йўқ эди. Шундан кейин у султонга вазир бўлди ва шахид бўлиб ўлди.

Бу китобнинг мусаннифи айтади: Агар Бухоро олимларининг хаммасини зикр килсак, бир нечта дафтарни ташкил этади. Биз баён этиб ўтганларнинг хаммаси пайгамбарнинг,— худо унга раҳмат ва саломини йўлласин,— (хадисидаги) «менинг умматим (ичидан чиккан) олимлар Баний Исройл пайгамбарлари кабидирлар» деган (киши)лари жумласидандирлар.

Фасл. Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий бу фаслни ўз китобида келтирмаган. Аммо Абу-л-Хасан Абдураҳмон (ибн) Мухаммад ан-Нишопурӣ «Ҳазоин ул-улум» китобидаг шундан келтирган: хозирда Бухоро (ўрнашган) бу мавзе, (илгари) боткоклик бўлиб, унинг баъзи ерларини тўқайзор, дараҳтзор ва кўкаламзорлар ташкил этган, айрим жойлари эса шундай бўлганки, бирон хайвон хам оёқ кўйишга жой топа олмаган. Бунинг габаби шуки, Самарканд томонидаги вилоятларда тогларда корриб, суви (окиб келиб) ўша жойга йигилиб ётар эди.

Самарканд томонида бир катта дарё борки, уни «Руди Мосаф»— «Мосаф дарёси» деб атайдилар. Бу дарёга кўп сув йигилган, у бир талай ерларни ювиб-ўпириб, кўп лойкаларни суриб келган ва, натижада, бу боткокликлар тўлиб колган. Сув кўп окиб кела берди, лойкаларни то Битик ва Фарабгача суриб келтира берди. Сўнг сув (тошиб келиши) тўхтади, Бухоро ўрнашган жой (аста-секин) тўлиб текис ерга айланди ва, шундай килиб, у катта дарё Сўгд ва бу (loykalар билан) тўлган мавзе Бухоро бўлнб колди; ҳар томондан одамлар йигилиб, у жой обод бўлди. Одамлар Туркистон томонидан келар эдилар. Бу вилоятда сув ва дараҳтлар, ов килинадиган (жониворлар) кўп бўлганидан кишиларга бу вилоят хуш келиб, шу ерга жойлашдилар. Аввал улар чодир ва ўтовларда турадар эдилар, сўнг вакғ ўтиши билан одамлар йигилишиб имаратлар курдилар. Халк кўпайгач, бир кишини сайлаб амир килдилар: унинг номи Аброй эди. Хали Бухоро шахри вужудга келмаган, лекин кишлокларда баъзилари пайдо бўлган эди. Нур, Харконруд, Вардона, Таровча, Сафна ва Исконалар ўша кишлоклар жумласидандир. Подшоҳ турадиган катта кишлок Байканд (Пойканд) эди. Шахар «Калъайи Дабусий»— «Дабусий калъаси» бўлиб, шахар деб шуни атар эдилар. Бир канча муддат ўтгандан

кейин Аброй (хукмдорликда) улгайиб, шу вилоят (халки)га зулм килишга тутунди; халк ортик чидай олмади, дехконлар ва бойлар бу вилоятдан кочдилар хамда Туркистон ва Тароз (якинида) бир шахар бино килиб уни Хамукет деб атадилар, чунки Бухородан кочиб кетган тоифанинг раиси бўлмиш бир катта дехконнинг номи Хамук эди; «Хамук» деб, Бухоро тилида гавхарга айтилади, «кет» эса — шахар, яъни Хамукет «Хамук — гавхарнинг шахари» демакдир. Бухоро тилида катта одамни «хамук», яъни фалончи гавхар дейдилар.

Сўнгра Бухорода колган кишилар ўзларининг (кочиб кетган) саркардаларига одам юбориб, Абройнинг жабр-зулмидан куткаришни сўрадилар. Шунда саркардалар ва дехконлар турклар подшохининг олдига бордилар,— у подшохнинг номи Карожурин турк бўлиб, улуглиги сабабли унга Биёгу деб лакаб берган эдилар—ва Биёгудан арз-додларига етишии илтимос килдилар. Биёгу Шери Кишвар номли ўз ўглини кўп лашкар билан юборди. Шери Кишвар Бухорога келгач, Байкандда Абройни тутиб банд килди. Унинг фармони билан бир катта копни ковок арига тўлгизиб Абройни шу копга солдилар ва у коп ичидаги ўлди. Шеря Кишварга бу вилоят ёкиб колиб, отасига хат юборди ва ундаа бу вилоятни талаб килиб, Бухорода туриши учун рухсат беришини илтимос килди. Биёгудан: «у вилоятни сенга багишладим», деган жавоб келгач, Шери Кишвар Хамукетга одам юбориб, Бухородан кочиб кетган кишиларни хотин ва бола-чакалари билая Бухорога олдириб келди ва ўша вактдаёк яна.: «Хамукетдач келган хар бир киши (амирнинг) якин кишиларидин бўлади» деган буйрук бўлди. Бунинг сабаби, кимки бой ва катта дехкон бўлган бўлса Бухородан кочиб кетган, камбагал ва бечоралар эса Бухорода колган эдилар. Кочиб кетган кишилар кайтиб келгач, чорасиз (Бухорода) колган (камбагал)лар уларга хизматкор бўлдилар.

Бухорога кайтиб келган гурух орасида бир катта дехкон бор эди, у кадимий дехконзода ва кўпроқ даромадли ерлар уники бўлганлигидан уни «Бухорхудот» дер эдилар ва (Бухорода колганларнинг) кўплари унинг кадиварлари ва хизматкорлари эдилар.

Шери Кишвар Бухоро шахристонини курди хамда Мамостин, Сакматин Самтин ва Фараб кишлокларини бино килди. У йигирма йил подшох бўлиб турди. Ундан кейин бўлган бошка подшох Искажжат, Шарг ва Ромтин кишлокларини бино килди, сўнгра Фарахший кишлогига асос солди. Хитой подшохининг кизини келин килиб Бухорога олиб келганларида унинг жихозлари орасида Хитойдан бир бутхона хам олиб келдилар ва уни Ромтинга ўрнатдилар.

Амир ул-муъминни Абу Бакр Сиддикнинг,— худо ундан рози бўлсин,— халифалиги даврида Бухорода соф кумушдан танга пул зарб килдилар, бундан илгари Бухорода танга пул йўқ эди.

Муовиянинг даврида Кутайба ибн Муслим томонидан Бухоро фатх килинди ва Тагшода Кутайба ибн Муслим томонидая подшох бўлиб, ўттиз икки йил хукмронлик килди. Абу Муслим уни Хурсон амири бўлган Наср (ибн) Сайёр даврида Самаркандда ўлдирди. У, то ўлдирилгунигача, Кутайбадан кейин ўн йил хукмронлик килган эди. (Шундан кейин) уни худо рахмат килгур Абу Муслим ўлдирди. Ундан сўнг унинг биродари Суқон ибн Тагшода етти йил подшохлик килди ва халифанинг фармони билан Фарахший (Варахша) касрида ўлдирилди, тўполон кўтарилди; у рамазон ойида ўз кўшкида олдига куръон кўйиб ўкиб ўтирган эди, уни шу холатда ўлдирилар ва шу кўшкка кўмдилар. Суқон ибн Тагшодадан кейин биродари Бунёт ибн Тагшода етти йил хукмронлик килди. У халифанинг фармони билан Фарахший касрида ўлдирилди; бунинг сабаби кейин сўзланади.

Шундан кейин Бухоро токи худо раҳмат килгур амир Исмоил Сомоний давригача Тагшоданинг фарзандлари, хизматчилари ва набиралари кўлида бўлди. Сўнг подшохлик Бухорхудот болаларининг кўлидан кетди. Бу хакда куйида айтилади.

---

### **III. БУХОРОГА ПОДШОХ БУЛГАН ХОТИН ВА УНДАН КЕЙИН ПОДШОХ БҮЛГАН УНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ХАКИДА**

Мухаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий) айтади: Бидун Бухорхудот ўлган вактда ундан бир эмадиган ўғил бола колди; уининг номи Тагшода эди. Боланинг онаси бўлган хотин таҳтга ўтириди ва ўн беш йил хукмронлик килди, Унинг даврида араблар Бухорога кела бошладилар; хар гал келганларида хотин улар билан сулҳ тузар ва мол берар эди.

Айтишларича, унинг даврида ундан кўра донорок биронта хам киши бўлмаган; у донолик билан хукмронлик килар ва халк унга итоатда эди. Унинг одати шундай эдик, у хар куни отга миниб Бухоро хисори дарвозасидан ташкари чикар ва «Алаффурушлар дарвозаси» деб аталган Регистон дарвозасига келиб таҳтга ўтирас, унинг олдида эса гуломлар, хожа саролар, яъни бичилган куллар ва улуг кишилар турас, эдилар. У кишлок ахолиси учун шундай коида ўрнатган эдик, хар куни дехконлар ва маликзодалардан икки юз нафар йигит заррин камар бoggлаб, киличларини осиб хизматга хозир бўлиб, узокрокда туришар, хотин ташкарига чиккач, хаммалари уни олкишлар ва икки сафга тизилишар эди; хотин эса подшохлик ишлари билан машгул бўлар, яхшиликка даъват килиб ёмонликдан кайтарар, истаган кишисига сарпо кийгизиб, истаган кишисига жазо берар эди. Шу тарзда эрталабдан то тушгача ўтириб, сўнг хисорга кайтиб кирав, дастурхонлар чикариб хамма хизматкорларига таом берар эди. Кечга якин хам хотин шу йўсунда ташкари чикиб таҳтга ўтирас, (халиги) дехконлар ва маликзодалар икки саф бўлиб унинг хизматида туришар эди; куёш ботгач, хотин таҳтдан туриб отга минар ва касрга караб, йўл олар, йигитлар эса ўз ватанларига — кишлокка кайтар эдилар. Эртаси куни бошка жамоа келиб шу сифатда хизматда бўлар ва нихоят, навбат яна ўша (аввалги) жамоага келиб етар эди. Шу тарзда хар бир жамоа бир йилда тўрт маротаба (хизматга) келиши лозим эди.

Бу хотин ўлганида унинг ўгли Тагшода подшохликка муносиб келадиган даражада катта бўлиб колган хамда хар ким бу мамлакатни эгаллашни тана килаётган эди. Бир вазир Туркистондан келган эди: номи Вардонхудот: Вардона ерлари унга тегишли эди.

Кутайбага у билан кўп уруш килишга тўғри келган эди. Шу Вардонхудот ўлди ва Кутайба Бухорони олди. Кутайба Вардонхудотни бир неча марта бу вилоятдан кувиб ташкари чикарди ва у кочиб Туркистонга кетди. Кутайба Бухорони яна Тагшодага топшириди ва уни подшохликка ўтказди; мамлакатни (тамагарлардан) тозалаб Тагшодага топшириди ва унинг барча душманларининг кўлини кискартириди. Тагшода Кутайбанинг кўлида имон келтириб мусулмон бўлган эди. У Кутайба тириклигига ва ундан кейин Наср (ибн) Сайёр даврида Бухоро мулкини сўраб турди; жами ўттиз икки йил давомида Бухоро унинг кўлида бўлди. Тагшода ислом динига киргандан кейин ундан бир ўғил дунёга келди.

Тагшода Кутайба билан бўлган дўстлиги хурматига ўглини Кутайба деб атади.

Тагшода ўлгандан кейин унинг ўгли Кутайба таҳтга ўтириди, бир оз вакт мусулмонликда турдида, сўнгра мархум Абу Муслим даврида диндан кайтди. Абу Муслим бундан хабардор бўлиб уни ўлдирди, унинг биродарини хам (тарафдор) одамлари билан кўшиб

халок этди.

Ундан кейин Бунёт ибн Тагшода Бухорога подшох бўлди. У отаси ислом динида эканлигида тугилган эди. Бир канча вакт мусулмон бўлиб турди. Муканна пайдо бўлиб «Оккийимликлар» кўзголони Бухоро кишлокларига таркалгач, Бунёт уларга мойил бўлиб ёрдам берди ва натижада «Ок кийимликлар»нинг кўллари узайиб, улар галаба козондилар. Алока (хат-хабар) ишлари бошлигига бу хакда халифага хабар юборди, халифа Маҳдий эдид. Маҳдий Муканна ва «Ок кийимликлар» ишларидан хотиржам бўлганидан кейин (Бухорога) отлик аскарлар юборди. Бунёт Фарахший касрида мажлис (тузиб) шароб ичар ва дарчадан караб ўтирада эди. У узокдан шошилинч билан келаётган отликларни кўрди ва улар халифа томонидан эканликларини фаросат билан англаб, карши чора кўришга киришар-киришмас отликлар етиб келдилар ва хеч бир сўз айтмасдан киличларини киндан сугуриб унинг бошини кесдилар. Бу воеа бир юз олтмиш олтинчи йилда (15 август 782—4 август 783) бўлган эди. Унинг барча одамлари кочиб кетди, (халифа юборган) отликлар хам кайтди.

Шундай килиб, Кутайба ибн Тагшода диндан кайтганлиги сабабли Абу Муслим уни, биродарини ва хонадон ахлини ўлдирди хамда Кутайбанинг даромадли ва галлакорлик ерларини унинг биродари Бунёт ибн Тагшодага берди; амир Исмоил Сомоний давригача (бу ерлар) Бунётнинг кўлида бўлди. Бунёт (хам) диндан кайтиб ўлдирилганидан кейинн эса бу мол-мулк Бухорхудот фарзандларининг кўлида турди. Бу мамлакат кўладан кетган охирги киши Абу Исҳок Иброҳим ибн Холид ибн Бунёт бўлди.

Иброҳим Бухорода тураг ва мамлакат унинг кўлида эди. У хар йили ўзининг биродари Насрга Амир ул-мўъминин Муктадирга<sup>9</sup> етказсин учун Мовароуннахрдан олинадиган хосил вл галлалардан юбориб тураг эди. Амир Исмоил Сомоний бу даромадли ва галлакорлик ерларни унинг кўлидан чикарли. Буничг сабаби, ўша вактда сокчилар бошлиги бўлиб турган Ахмад ибн Мухаммад Лайс бир куни амир (Исмоил Сомоний)дан: «Эй амир! Шу кадар кўп галла битадиган серхосил яхши ерлар Абу Исҳокка кимдан колган?»—деб сўради. Амир Исмоил Сомоний унга жавобан: «Бу даромадли ерлар улар (Бухорхудотлар)нинг мулки эмас, сultonлик мулкидир»,— дели. Ахмад ибн Мухаммад Лайс яна: «Уларнинг мулкию, аммо уларнинг отаси диндан кайтгани сабабли халифа уларнинг кўлларидан чикариб байт ул-мол мулкига<sup>10</sup> айлантирган ва яна хизмат хаки (сифатида) ва таъминот ўтказншлари учун уларга бериб кўйган эди. Абу Исҳок эса хизматни керагича адо этмайди ва у ерларни ўз мулки деб билади,— деди. Улар шундай сўзлашиб турганларида, Абу Исҳок Иброҳим кириб келди. Амир Исмоил Сомоний ундан: «Эй Абу Исҳок! Бу даромадли ерлардан сен хар йили канча галла хосили оласан?»— деб сўради. Абу Исҳок: «Кўп машаккат ва уринишлардан кейин бир йилда йигирма минг дирхам хосил бўлади,— деб жавоб берди. Амир Исмоил Ахмад ибн Мухаммад Лайсга: «Бу мавзени сен олгин. Абу-л-Хасан оризга айт, у хар йили Абу Исҳокка йигирма минг дирхам бериб турсин,— деб буйруқ берди. Ана шу сабабдан у даромадли ерлар Абу Исҳокнинг кўлидан кетди ва кайтиб (хеч) унинг кўлига кирмади. Абу Исҳок уч юз биринчи йили (7 август 913-26 июль 914) дунёдан ўтди, унинг авлодлари Сафна ва Севанж кишлогида колдилар.

---

#### IV. БУХОРО ВА УНГА КЎШИЛАДИГАН ЖОЙЛАР

Абу-л-Хасан Нишопурний «Хазоин ул-улум» китобида келтирганки, Бухоро шаҳри, гарчи орадан Жайхун дарёси ўтган бўлса хам Хуросон шахарларидан хисобланади.

Кармина Бухоро кишлоклари жумласидан бўлиб, унинг суви Бухоро сувидан келади; хирожи Бухоро хирожига кўшилади. Унинг ўзига тегишли алоҳида бир кишлок хам бор; унда масжиди жоме барпо этилган. Карминада адаб ва шоирлар кўп бўлганлар. Масалда айтилишича, кадим вактларда Карминани «Бодяйн хурдак» («Кўзача») деб атаганлар. Бухородан то Карминагача ўн тўрт фарсангдир.

Нур катта жой. Унда масжиди жоме бор; У кўпгина работларга эга. Бухоро ва бошка жойларнинг одамлари хар йили зиёрат учун у ерга борадилар. Бухоро ахолиси бу ишда кўп муболага киладилар; Нур зиёратига борган киши хаж килган (кишининг) фазилатига эга бўлади; у зиёратдан кайтиб келганида табаррук жойдан келганлиги сабабли шахарни хавоза банд килиб безатадилар. Бу Нурни бошка вилоятларда Нури Бухоро деб атайдилар. Тобеинлардан кўп кишилар у ерга дафн этилганлар, худо уларнинг хаммаларидан то киёматгача рози бўлсин!

Яна Тавоис. Бу Бухоро вилоятларидан бўлиб, (асл) номи Аркуддир. Унда бой ва зебу зийнатни севувчи кишилар яшаганлар. Зебу зийнатга берилганлигидан хар бир киши зийнат учун уйида битта ёки иккита товус саклаган. Араблар (бу ерга келишдан) илгари товусни кўрмаган эканлар, бу ерда кўп товусларни кўриб, у кишлокни «Зот ут-тавоис»— «Товуслар эгаси» деб атаганлар, унинг асл номи эса унутилган; ундан кейинрок «зот» сўзини ташлаб Тавоис деб кўя колганлар. Унда масжиди жоме бор, у катта бир шористонга эга, кадимги вактларда (хар) куз фаслида у жойда ўн кун бозор бўлар эди. У бозорда шундай расм бор эди-ки, (бошка бозорлардан сурилиб колган) хар кандай нуксонли куллар, чорва моллари ва бошка айбли колдик нарсалар бўлса хаммаси бу бозорда сотила берар ва уларни кайтариб беришнинг хеч илож-имкони бўлмас эди; на сотувчи ва на олувчининг хеч бир шарти кабул килинмас эди. Хар йили (шу ўн кунда) бу бозорга масалан, Фаргона, Чоч ва бошка жойлардан келган савдогарлар ва турли хожатмандлардан ўн мингдан ортиқ киши хозир бўлишар ва кўп манфаат топиб кайтар эдилар. Шу сабабли бу кишлокнинг ахолиси бой кишилар эдилар ва бойликлари\* дехкончилик туфайли эмас эди. Тавоис Самаркандга бориладиган катта йўл устида бўлиб, ундан Бухорогача етти фарсангдир.

Искажкат. У бир катта кухандизга эга. Унинг ахолиси бой кишилар бўлганлар; бойликлари дехкончиликдан бўлмаган, чунки у кишлокнинг ерлари хароб бўлиб, яхши ерлари минг жуфтга етмаган. Унинг хамма ахолиси савдогарчилик билан шугулланган. У жойда кўп бўз (тўкиб) чикарилар эди. Хар пайшанба куни у ерда бозор бўларди. У кишлок сultonликка тегишли мулклар жумласидандир. Абу Ахмад ал-Муваффак биллоҳ бу кишлокни мукотаа сифатида Хуросоннинг амири Мухаммад ибн Тохирга берган эди (кейин) уни яна Сахл ибн Ахмад ад-Догуний ал-Бухорийга сотди ва пулини олди. Догуний у жойга бир хаммом курди ва дарёning куйи томон киргогида бир бурчакка катта каср бино килди. У касрнинг колдиклари бизнинг замонамизгача сакланиб келган эди.

Догуний касри деб атаганлар; уни дарё суви вайрон килди. Сахл ибн Ахмад Догуний учун Искажкат ахолиси хар йили ўн минг дирхам солик (тўлаши шарт эди). Бу соликни хамма хонадонларга таксим килиб тўлар эдилар. Кейинрок бориб ахоли икки-уч йил давомида соликни тўламади ва подшохга мурожаат килиб ундан ёрдам сўради. Сахл ибн Ахмаднинг меросхўрлари амир Исмоил Сомоний даврида хужжат кўрсатдилар, у хужжатни кўриб, тўгри топди. Лекин (икки орадаги) хусумат узок давом этиб шахарнинг улуг кишилари кишлок ахолиси билан Догуний меросхўрлари орасига тушиб, бир юз

етмиш минг дирхамга сулх килдилар. Ахоли кишлокни сотиб олиб (Догуний меросхўрлари) солик тўлашдан кутулдилар ва у маблагни тўладилар. Бу кишлокда то Малик Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим Тамгочхоннинг подшохлик давригача хеч качон масжиди жоме бўлмаган. Шу кишлок ахолисидан бир улуг киши бор эди, уни Хонсолор дер эдилар, у хурматли, хизматкорлари кўп бир киши бўлиб. сultonning омилларидан эди, шу киши холис ўз молидан жуда яхши бир масжиди жоме бино килди, бунга кўп пул сарф бўлди ва бу масжидда жума намозини ўкиди. Ахмад ибн Мухаммад Наср шундай дейди: Шарг (кишлоги) хатибиннинг менга берган хабарича, у масжиди жомеда бир мартадан бошка жума намози ўкиган эмаслар, (чунки) ана шу бир марта ўкишдан кейин Бухоро имомлари рухсат бермай кўйганлар ва у масжидда жума намозини ўкишни тўгри топмаганлар. Бу жума масжиди тики Кадрхон Жабраил ибн Умар ибн Тўгрулхон Бухорога амир бўлган вактгача бекор колди. Бу амирнинг номи Тўгрулбек бўлиб, лакаби Кулортегин эди. У масжиднинг ёгочларини Хонсолорнинг меросхўрларидан сотиб олиб, масжидни бузди ва ёгочларини Бухоро шахрига келтириб, «Жўбайи бакколон», (Бокколлик бозори) якинида мадраса бино килди, у ёгочларни шу мадрасага ишлатди ва бехисоб пул сарфлади. У мадрасани Кулортегин мадрасаси деб атайдилар. Бу амир шу мадрасага дафн этилган эди. Шарг кишлоги Исказжат рўпарасидадир, икковининг орасида катта дарёдан бошка хеч бир бог ва бўш ерлар йўқ. У дарёни Рудя Сомжан деб атаганлар. Хозирда эса Шарг дарёси, баъзн кишилар бўлса, Харомком дейдилар. Бу икки кишлок ўртасида дара устида катта кўприк бор эди. Шарг кишлогида хеч вакт масжиди жоме бўлмаган. Арслонхон Мухаммад ибн Сулаймон даврида унинг фармони билан ўша кўприкни гоятда маҳкам килиб гиштдан ишладилар ва Арслонхоннинг холис ўз пулига масжиди жоме бино килдилар. Арслонхон мусофиirlар учун Исказжат томонига бир работ куришга буюрди. Бу кишлокда катта бир кухандиз бор, катталигидан уни шахарга тенглаштириш мумкин. Мухаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий)нинг айтишича, (бу жой ахолисининг) кадимги вактларда бир бозори бўлиб, хар йили киш ўртасида ўн кун давом этар, (кишилар) узок вилоятлардан келиб савдо килар эдилар. Кўпроқ у жойдан шинни билан тайёрланган магизли холва чикар эди, яна у жойдан кўпроқ чикадиган нарса кинторий ва чўп (ёгоч)лар, тузланган балик, янги балик, кўй ва коракўл териларидан тикилган пўстинлардан иборат эди; бу ерда кўп савдо бўлар эди. Аммо бугун бизнинг давримизда хар жума куни бозор бўлиб, шахар ва кишлоклардан савдогарлар у жойга борадилар. У кишлокдан чикадиган ва бу кунларда савдогарлар бошка вилоятларга олиб борадиган нарса мис ва бўзdir. Мухаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий)нинг хабар беришича, раҳматли амир Исмоил Сомоний бу кишлокни барча ер-сувлари ва дов-дарахтлари билан сотиб олиб, хаммасини Бухоро шахрининг ичкарисида Самарканд дарвозасида бино этган работга вакф килган. Хозир у работ хам, вакф хам колган эмас. Бу Шарг ва Исказжат Бухоронинг энг яхши кишлоклари бўлган. Худо уларни балолардан сакласин! Зандана. Бу кишлок катта калъага, кўпгина бозор жойларга масжиди жомега эга. Бу ерда хар жума куни намоз ўқийдилар ва бозор киладилар. Бу кишлокда (тўкиб) чикариладиган нарса — бўзни «занданийчи», яъни «Зандана кишлогидан чикадиган» деб атайдилар. Бу ерда у хам яхши, хам кўп бўлади. Шу хил бўздан Бухоронинг кўп кишлокларида тўкийдилар ва буни хам «занданийчи» деб атайдилар. Чунки у аввало шу кишлокда тўкиб чикарилган. Шу хил бўздан Ирок, Форс, Кермон, Хиндистон ва бошкалар каби хамма вилоятларга олиб борадилар. Барча улуглар ва подшохлар ундан кийим

киладилар ва ипакли кийимлик баҳосида сотиб оладилар. Худо бу кишлокни хамиша яшнатсин!

Вардона. Бу катта бир кишлок бўлиб, кухандизга, катта ва мустаҳкам хисорга эга. У кадим вактлардан подшохларнинг тураржойлари бўлган, (лекин) хозирда унда подшоҳ ўтирадиган кароргоҳ йўқ. Вардона Бухоро шахридан кадимрок (барпо бўлган) уни Шоҳпур Малик бино килган. У Туркистоннинг чегарасида жойлашган. У жойда хар хафтада бир кун бозор бўлиб савдогарлар кўп келар эдилар. У ердан чикадиган нарса хам яхши хил «занданийчи» бўлган.

Афшина. Катта шористонга ва мустаҳкам хисорга эгадир. Бир канча кишлоклар унга мансубдир. У ерда хар хафтада бир кун бозор бўлади. Бу кишлокнинг экин ерлари ва биёбонлари мадраса талабаларига вакф килинган. Кутайба ибн Муслим у жойда масжиди жоме бино килган. Мухаммад ибн Восе хам бир масжид курдирган. Бу ер дуо кабул бўладиган жой. Одамлар шахардан у жойга борадилар ва уни табаррук деб хисоблайдилар.

Баркад. Бу кадимий ва катта бир кишлок; бир катта кухандизга эга. Бу кишлокни «Баркади алавиён»— «Али авлоднинг Баркади» деб атайдилар. Бунга сабаб шуки, амир Исмонл Сомоний бу кишлокни сотиб олган ва олти бўлакка ажратиб, ундан икки бўлагини Али ва Жаъфар авлодига, икки бўлагини дарвишларга ва икки бўлагини ўз меросхўрларига вакф килган.

Ромтин (Ромитан). Бу катта бир кухандизга эга ва мустаҳкам бир кишлок бўлиб, Бухородан кадимийроқдир. Баъзи китобларда бу кишлокни Бухоро деб атаганлар. Бу кишлок кадим вактларда подшохларнинг тураржойлари бўлган, (кейинроқ эса) Бухоро шахари бино бўлгандан кейин, подшохлар киш фаслидагина бу кишлокда турадиган бўлганлар. (Бу ерлар) ислом давлатига ўтганда хам шундай бўлиб турган. Мархум Абу Муслим Бухорога келганида шу кишлокда турган. Бу кишлокни Афросиёб бино килган. Афросиёб хар вакт бу вилоятга келганида шу кишлокдан бошка жойда турмаган. Форсийларнинг китобларида айтилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган. У жодугар бўлиб, Нух подшохнинг болаларидандир. У ўзининг Сиёвуш номли куёвини ўлдирган. Сиёвушнинг Кайхусрав номли ўгли бўлиб, у отасининг конини талаб килиб кўп лашкар билан бу вилоятга келганида Афросиёб шу Ромтин кишлогини хисор килиб турган. Кайфсрав ўз лашкари билан икки йил шу хисор атрофини ўраб турди ва унинг рўбарасиға бир кишлок бино килиб, у кишлокни Ромуш деб атади. Уни яхшилигидан Ромуш деганлар. Бу кишлок хозиргача ободондир. Кайхусрав Ромуш кишлогида оташпарастлар ибодатхонасини курди; оташпарастларнинг айтишларича, бу ибодатхона Бухордаги оташпарастлар ибодатхоналарининг энг кадимийсидир. Кайхусрав икки йилдан кейин Афросиёбни тутиб ўлдирди. Афросиёбнинг гўри Бухорода Маъбад дарвозасида рахматли Хожа имом Абу Хафс Кабир тепалигига туташган катта тепали устидадир. Бухоро ахолиси Сиёвушнинг ўлдирилиши тўгрисида ажойиб ашулалар тўкиганлар; куйчилар бу кўшикларни «Кини Сиёвуш»— «Сиёвуш жанги» деб атайдилар. Мухаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий) ўша вактдан буён уч минг йил ўтган (дейди). Яна худо билимдонроқдир.

Варахша. Бир нусха (китоб) да Варахша ўрнида Ражфандун деб ёзганлар. Катта кишлоклар жумласидан бўлиб, Бухоро сингари эди; у Бухоро шахридан кадимийроқдир, у подшохлар турадиган жой бўлиб, мустаҳкам хисорга эга бўлган, чунки падшохлар (у хисорни) бир неча марта мустаҳкамлаганлар. Униаг Бухоро шахрининг девори сингари

девори хам бўлган. Ражфандун ёкн Варажшанинг ўн иккита ариги бор. Бу кишлок Бухоро деворининг ичкарисида жойлашган. Унда обод бир каср бўлган, шундайки, гўзалликда уни намуна килиб кўрсатар эдилар. Уня Бухорхудот бино килган бўлиб, курилганига минг йилдан ортикрок вакт ўтган. Бу каср кўп йиллардан бери вайрон ва каровсиз колиб кетган эди Хунукхудот уни кайтадан тузатди: яна вайрон бўлган эди Бунёт ибн Тагшода ибн Бухорхудот исломият даврида янгидан куриб, ўзи учун туаржой килиб олди ва нихоят, у шу жойда ўлдирилди.

Рахматли амир И smoил Сомоний ўша кишлок ахолисини чакириб: «Мен йигирма минг дирам (пул) ва ёгоч бераман, тузатин! (харажати)ни ўз устимга оламан, унинг баъзи кисмлари хали ўз жойида, сизлар бу касрни масжиди жоме килиб олинглар»,— деди. Кишлок ахолиси буни хоҳламадилар ва масжиди жоме бизнинг кишлокка тўгри келмайди ва жоиз хам эмас, дедилар. Бу каср амир Ахмад ибн Нуҳиби Наср ибн Ахмад ибн И smoил ас-Сомоний давригача ўз жойида мавжуд эди. Бу амир у касрнинг ёғочларини шахарга олиб келиб, Бухоро хисори дарвозасидаги ўз саройини куришга киришди.

Бу кишлокда хар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса йигирма кун бозор килиб, йигирма биринчи куни наврўз — янги йил байрамини ўтказадилар. Буни «Наврўзи кишоварзон»— «Дехконлар наврўзи» дейдилар. Бухоро дехконлари (йил кунлари) хисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар.

Оташпастларнинг наврўзи ундан беш кун кейин келади.

Байканд. Буни шахарлар жумласидан деб хисоблайдилар. Байканд ахолиси, бирор

кишининг Байкандни кишлок деб аташига розилик берган эмаслар. Агар бирор

байкандлнк Багдодга борса ва ундан «сен каердансан?» деб сўрасалар у

Байкандданман деган, Бухорданман деган эмас. Байкандда катта масжиди жоме ва

олий иморатлар бор. То икки юз киркинчи йилгача (2 июнь 854—21 май 855) Байканд

дарвозаси олдида кўп работлар бўлган. Мухаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий) ўз

китобида келтиришича. Байкандда Бухоро кишлоклари сонича, мингдан ортик работ

бўлган. Бунинг сабаби шуки, Байканд катта ва яхши жой бўлиб, хар бир кишлокнинг

ахолиси у ерда бир работ куриб унга бир тўда кишиларни жойлаб кўйган ва уларнинг

нафакаларини кишлокдан юбориб турган. Киш фаслида кофирлар (йигилиб) хужум

киладиган вакт бўлганида хар бир кишлокдан у жойга кўп халк тўпланиб газот

килганлар. (Шунда) хар бир кавм ўз работига келиб тушган.

Байканд ахолиси хаммаси савдогар бўлган. Улар Хитой билан ва денгиз (оркали

бориладиган) мамлакатлар билан савдо килганлар ва жуда бой бўлганлар. Кутайба ибн

Муслим Байканд жуда мустахкам бўлганлиги сабабли уни олишда кўп кийинчилнклар

кўрди. Уни жездан курилган шахристон дер эдилар. У Бухоро шахридан кадимийрок. Бу

вилоятда бўлган хар бир подшоҳ, ўзи учун Байкандни туаржой килар эди. Фарабдан

Байкандгача ўн икки фарсанг масофа биёбон бўлиб, бу биёбон кумлик (чўл)дир.

Арслонхон Мухаммад ибн Сулаймон ўз даврида Байкандни (кайтадан) куришга буюрди.

Одамлар у ерга йигилиб яхши иморатлар килдилар, хокон (Арслонхон) ўзи учун жуда хажаматли сарой курдирди.

Харомком суви Байкандга келади. Байкандда камишзорлар ва катта-катта сув

халкоблари туташади; буларни «Боргини фароҳ»— «Кенг хавз» дейдилар ва Карокўл

деб хам атайдилар. Ишончли кишилардан эшитганманки, у (кўл)нинг кенглиги йигирма

фарсангдир. «Масолик ва мамолик» китобида айтилишича, уни «Бухайрайи Сомжан»—

«Сомжан кўли» деб атайдилар, Бухоро сувининг ортиқчаси хам ўша жойга йигилади.

Унда сув жониворлари бўладилар; бутун Хурсонда бу ердагидек микдорда куш ва балик тутилмайди.

Харомкомнинг суви Байканд иморатлари (якини)га гох етиб келиши, гоҳо эса етиб келмаслиги туфайли, сув иморатларгача етиб келсин учун Арслонхон алоҳида ариқ казишга буюрди. Байканд тог тепасида жойлашган бўлиб, лекин тог баланд эмас эди. Хокон тогдан ариқ казишга буюрди. Тош шундай каттиқ әдики, унда хеч бир дарз йўқ эди. Бу ишда жуда хайронликда колдилар, Тошларни юмшатиш учун жуда кўп ҳарвор<sup>21</sup> ёг ва сирка сарф бўлса, хам бир фарсанг масофадан ортиқ казиёлмадилар. Кўп кишилар ҳалок бўлди; кўп кийинчилик кўриб, кўп маблаг сарф килгандан кейин, (арикни) казимай колдирдилар, Байканднинг (араблар томонидан) фратҳ килингани киссаси худо хохласа ўз ўрнида айтилади.

Фараб. Бу шахарлар жумласидан бўлиб, алоҳида жойларга эга, Жайхун дарёси лабидан то Фарабгача бир фарсанг, сув тошган вактларда эса ярим фарсанг келади. Гоҳо шундай хам бўладики, Жайхуннинг суви (тошиб) Фарабгача бориб етади. Фарабда катта масжиди жоме бор, унинг деворлари ва томи пишик гиштдан бўлиб, унга сира ёғоч ишлатилмаган. Фарабнинг бир амири бор әдики, у бирор (зарурий) ходиса юзасидан хам Бухорга келишни лозим топмас эди. (У ерда) бир кози бор әдики, у Шаддод каби золимона хукмлар юргизар эди.

Бухоро кишлокларнинг сони кўп. Бу (айтиб ўтилган) бир нечтаси машхуррок ва қадимийрок бўлгани учун улар хакида тўхтаб ўтдик.

---

## **В БУХОРОДА БЎЛГАН «БАЙТ УТ-ТИРОЗ»—«ТЎКИМАЧИЛИК КОРХОНАСИ»НИНГ БАЁНИ.■ У ХАНУЗ УЗ ЖОЙИДА ТУРИПТИ**

Бухорода — хисор билан шахристон ўртасида, масжиди жоме якинида бир корхона бор эди; унда палослар, дарпардалар, яздий кийимликлар, ёстик жилдлари, фундукий жойнамозлар ва уст кийимларни халифа учун тўкир эдилар; битта дарпардага (бутун) Бухоро хирожи сарф бўларди. Багдоддан хар йили алоҳида бир омил келиб, Бухоро хирожининг эвазига шу кийимлилардан олиб кетар эди. Бир вакт келиб бу корхона бекор колди ва бу хунар билан шугулланувчи кишилар таркалиб кетдилар.

Бухоро шахрида шундай ишга тайин килинган усталар бўлар эдилар: вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар занданийчини олиб кетганларилик, у кийимлилардан Шом ва Миср, Рум шахарларига олиб кетар эдилар. Хурсоннинг хеч бир шахарида бундай (матони) тўкий олмас эдилар. Шуниси кизикки, бу хунар эгаларидан баъзилари Хурсонга бордилар ва бу иш учун керакли асбобларни шайлаб шу кийимликдан тўкидилар, лекин Бухородагидек сифатли бўлиб чикмади. Бу кийимликка эга бўлмаган бирорта хам подшоҳ, амир, раис ёки бошка мансаб эгаси йўқ эди. Унинг кизил, ок ва яшил ранглиси бўлар эди. Бугун хамма вилоятларда у кийимлидан кўра занданийчи машхуррок.

---

## **VI «БОЗОРИ МОҲ»НИНГ БАЁНИ**

Бухорода бир бозор бор эдики, уни «Бозори Мох рўз» дер эдялар. У ерда йилига хар гал бир кундан икки марта бозор килар ва хар бир бозор бўлган куни бутлар сотар эдилар. Хар бозор куни эллик минг дирамдан ортиқ савдо бўлар эди. Мухаммад ибн Жаъфар (ан-Наршахий) ўз китобида шундай дейди: «Бу бозор бизнинг вактларда (хам) бор эди; мен нега бундай одат расм килинган деб жуда ажабланар эдим; Бухоронинг кексалари ва шайхларидан: «бунинг сабаби нима» деб сўрадим. Улар: «Кадим вактларда Бухоро ахолиси бутпарамст бўлганлар ва бу бозор расм бўлиб, ўша даврлардан бошлаб бу ерда бут сотганлар ва (бозор) хозирда хам ўша (кадимгидек) колиб келмоқда»,— деб жавоб бердилар. Абу-л-Хасан Нишопурийнинг «Хазоин ул-улум» китобида айтишича, кадимги вактларда Бухорода бир подшоҳ бўлиб, унинг номи Мох эди. У ана шу бозорни куришга буюрди; унинг фармони билан дурадгорлар ва наккошлар у йилдан бу йилгача бут йўниб, белгиланган кунда шу бозорга келтириб сотишар ва халк уни сотиб олар экан. Хар качон у бут йўколса ёки синса, ёки эскиса, шу бозор куни бошкасини сотиб олар ва эскисини ташлар эканлар.

Хозир Мох масжиди ўрнашган ерда катта арик бўйида бир сердарахт текислик жой бўлиб, шу дараҳатлар соясида бозор бўлар ади. У подшоҳ, халк бут сотиб олишга кизиксин учун, шу бозорга келиб хозир Мох масжиди ўрнашган ерда таҳтда ўтирас, хар ким ўзи учун бут сотиб олар ва уйига олиб кетар эди. Бу жой яна оташпарамстлар ибодатхонаси (хам) бўлди; бозор куни одамлар бу ерга йигилганларида хаммалари ибодатхонага кириб оловга топинар эдилар. Бу ибодатхона то исломият давригача бор эди, мусулмонлар кувватланиб кетгач, мазкур (Мох) масжидини худди шу жойга бино килдилар. Хозир у Бухоронинг мўътабар масжидларидандир.

---

## VII БУХОРОНИНГ ТУРЛИ НОМЛАРИ БАЁНИ

Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср Бухоро кўп исмларга эга дейди ва ўз китобида Нувижкат деган исмни келтиради. Яна бошка бир жойда мен уни Бумискат деб келтирилганини кўрдим. Бошка бир жойда араб тилида «Мадинат ус-суфрия», яъни «Мис шахар» ва яна бошка бир жойда араб тилида «Мадинат ут-тужжор», яъни «Савдогарлар шахри» деб ёзилган. Бухоро деган ном у номларнинг хаммасидан машхурроқдир. Хуросон шахарларидан биронтаси хам бунчалик кўп номга эга эмас. Бир хадисда Бухоро номи Фохира бўлиб, келган. Хожа имом, зоҳид, воиз Мухаммад ибн Али Нужва бодий раҳматли Салмони Форсийдан бир хадис ривоят килган Салмоннинг айтишича пайгамбар,—худо унга ўз раҳмат ва саломини йўлласин, — шундай деган: Жаброил—унга худонинг раҳматлари бўлсин — айтганки, кун чикиш томонда бир жой бор, уни Хуросон дейдилар, унинг учта шахарини киёмат куни ёкут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар; улардан нур чикиб туради; у шахарларнинг теварагида фаришталар кўп бўлиб, улар тасбих, хамд ва такбир айтадилар, келинни куёв уйига олиб боргандек у шахарларни эъзоз ва икром билан махшаргоҳга олиб келадилар. Бу шахарларнинг хар бирида етмиш мингдан байрок, хар бир байрок тагида етмиш мингтадан шахид (ётган) бўлади ва хар бир шахиднинг шафоати билан форсча сўзловчи ва худони бир деб билувчи етмиш минг киши азобдан кутулади. Киёмат куни у шахарларнинг хар тарафи: ўнг ва сўли, олди ва оркаси ўн кунлик йўл бўлиб, буларнинг хаммасида шахидлар туради. Хазрат пайгамбар,— худо унга раҳмат ва саломини йўлласин,— Эй Жабраил! У

шахарларнинг номларини менга айт, деб сўради; Жаброил,— унга худонинг саломи бўлсин,—шахарларнинг бирини араб тилида Косимий форсчада, Яшкард дейдилар; иккинчисини арабчада Самарон, форсчада Самарканд дейдилар; учинчисини арабчада Фохира, форсчада Бухоро дейдилар,— деб жавоб берди. Пайгамбар,— худо унга ўз саломи ва рахматини йўлласин,— сўради: Эй Жабраил! Нега Фохира деб атайдилар? Жабраил: шуннинг учунки, киёмат куни Бухоро шахари ўзида шахидларнинг кўплиги билан фахр килади, деб жавоб берди. Пайгамбар,— худо унга ўз салом ва рахматини йўлласин,— хитоб килиб: Эй худо! Фохирага баракат бергин, унинг халклари дилларини такво билан пок этгин, ишларини покиза килгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли килгин!—деди. Ана шу маъни туфайли бухороликларнинг раҳмдилликларига, уларнинг эътиқодлилик за покликларига кун чикиш ва кун ботиш гувохлик беради.

---

## VIII БУХОРО АРКИННИНГ БИНО ЭТИЛИШИ ХАКИДА

Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср бунинг ажойаботлари хакида тўхтаб, шундай дейди: Абу-л-Хасан Нишопурийнинг «Ҳазоин ул-улум»да айтишича, Бухоро кухандизининг, яъни Бухоро арки хисорининг бино этилишига мана шу (вокеа) сабаб бўлган: Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан кочиб Жайхун дарёсидан ўтиб Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши кабул этди ва ўз кизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкини хам унга топширди. Бу вилоят ўзига вактинча бериб кўйилган жой эканлиги туфайли, Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик колдиришни истади. Шундай килиб, у Бухоро хисорини бино килди ва кўпроқ вакт ўша жойда турар эди. (Кимлардир) у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва (натижада) Афросиёб уни ўлдирди хамда ана шу хисорда шаркий дарвозадан кираверишингда «Дарвозай гуриён» деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб хар бир эркак киши хар йили наврўз куни күёш чикишидан олдин ўша жойда биттадан хўroz сўяди. Бухоро ахолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига багишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларга машхурдир. Кўйчилар унга мослаб куй тузганлар ва кўшик килиб айтадилар. Кўшикчилар уни «оташпарастлар йигиси» дейдилар. Бу гаплар бўлганига хозир уч минг йилдан ортиқрок вакт ўтди.

Шундай килиб, мана шу ривоятга кўра бу хисорни Сиёвуш бино килган, баъзилари эса Афросиёб бино килган, деганлар. (Сўнг) бу хисор бузилиб кетиб, кўп йиллар вайронлигича колди. Биз айтиб ўтган хотиннинг эри, Тагшоданинг отаси бўлган Бидун Бухорхудот таҳтга ўтирганидан кейин, одам юбориб бу хисорни тузаттириди, ундаги касрни хам у тузаттириди ва ўз номини темирга ёздириб касрнинг эшигига махкам ўрнаттириди. Шу хат битилган темир таржимоннинг замонигача ўша каср эшигига мавжуд эди. Лекин Ахмад ибн Мухаммад ибн Насрнинг айтишича, Хисорни вайрон килганларида у эшикни хам бузиб юборганлар. Ахмад ибн Мухаммад ибн Насрнинг айтишича, Мухаммад ибн Жаъфар ва Абу-л-Хасан Нишопурий бундай деганлар: Бидун Бухорхудот у касрни бино килганида бузилиб кетди, кайтадан бино килган эди, яна бузилди. У неча марта бино килмасин яна вайрон бўлаверди. Хукамоларни йигиб улардан маслаҳат сўрадилар. Улар бу касрни осмондаги етти карокчи юлдузлари шаклида еттита тош устун устига куришга карор килдилар; шу шаклда (курилгандан кейин) каср бузилмади. Яна бир

ажойиби шуки, бу каср бино килингандан бери бунда хаёт кечирган хеч бир подшох маглубиятга учраган эмас, аксинча хамиша галаба козонган. Яна бир ажойиби, бу касрни бино килганларидан бери на кофирлар даврида ва на исломият даврида — бирор подшох хам унинг ичидаги ўлмаган; подшохнинг ажали етган вактда бирор сабаб юз бериб у касрдан ташкарига чиккан ва бошка бир жойда вафот топган —бу каср бино килинганидан то вайрон бўлгунича шундай бўлиб келган.

Бу хисорнинг иккита дарвозаси бор, бири шарқ томонда, бири гарб томонда; шарқ томондагисини «Дари гуриён», гарб томондагисини «Дари Регистон» дейдилар, таржимоннинг даврида кейингисини «Дари алаффурушон» деб атаганлар. Хисорнинг ўртасида бу дарвозадан то у дарвозагача тўғри йўл бўлган. Бу хисор подшохлар, амирлар ва аскар бошликларининг тураржойлари бўлиб, зиндан, подшохлик девонлари ва подшохлар турадиган каср кадимдан шу ерда бўлган. Харам саройи ва хазина (хам) шу хисорда бўлган. Таржимоннинг даврида бу хисор бузилиб кетди. Бундан бир неча йил илгари Арслонхон уни янгилашга буюрди ва ўзига тураржой килиб олди хамда хисорни (маълум) шартларга мувофик идора килиб турсин учун, улуг бир амирни кутвол килиб тайинлади. Бу хисор халк кўзида зўр эътиборга эга эди.

Беш юз ўттиз тўртинчи йили ойларидан бирида (28 август 1139 — 16 август 1140) Хоразмшох Бухорога келганида амир Занги Али халифа хамда Султон Санжарнинг фармони билан, Бухоронинг волийси эди. Хоразмшох уни кўлга олиб ўлдирди ва хисорни вайрон килди. Хисор икки йилдан ортикрок шу вайронлигича колди. Беш юз ўттиз олтинчи йили (6 август 1141—26 июль 1142) Гўрхон томонидан Бухорога волий килиб тайинланган Алптегия ўша йилиёк хисорни ободон килишга буюрди ва уни ўзи учун тураржой килиб олди. Хисор илгаригидан хам яхширок бўлди. Беш юз ўттиз саккизинчи йили рамазон ойида (8 март — 6 апрель 1144) гуз аскарлари5 Бухорога етиб келди. Айнуддавла, Карочабек вз Шахоб вазирлар хисорга камалдилар, кўп жанг ва кийинчиликлардан кейин гуз аскарлари хисорни олиб, Шахоб вазирни ўлдирдилар ва хисорни вайрон килдилар; хисор шу вайронлигича колди. Беш юз олтмишинчи йили (18 ноябрь 1164 — 6 ноябрь 1165) Бухоро шахрининг айланасига девор курмокчи бўлдилар; деворнинг тагини пишик гиштдан ишлаш зарур бўлди. Хисорнинг таги ва миноралари пишик гиштдан эди, уни бузиб олиб Бухоро шахрининг деворига ишлатдилар. Хисор бир йўла вайрон бўлди ва у касрдан хеч бир иморат ва нишон колмади.

Олти юз тўртйинчи йили (28 июль 1207—15 июль 1208) Хоразмшох Мухаммад ибн Султон Такаш Бухорони олиб, хисорни кайтадан тиклади; хитойликлар енгилдиларб. Олти юз ўн олтинчи йили (19 март 1219—7 март 1220) эса татар лашкари келди, уларнинг амири Чингизхон эди. Улар калъанинг дарвозасида ўн икки кун жанг килиб, уни олдилар ва вайрон килдилар.

---

## IX ПОДШОХЛАРНИНГ БУХОРОДА БУЛГАН МАНЗИЛЛАРИ ХАКИДА

Бухоро хисорнинг гарбий дарвозасидан то Маъбад дарвозасигача бўлган масофа Регистон деб аталади. Мана шу Регистонда кадим жохилийят даврларидан бери подшохларнинг саройлари бўлган. Сомонийлар даврида Амири саъид Наср ибн Ахмад ибн Исмоил ас-Сомоний Регистонга бир сарой (куришни) буюрди; гоятда гўзал бир сарой курдилар; (Амир) бунга кўп Мол сарофлади; у ўз саройи дарвозаси олдида амалдорлари

учун сарой куришга буюрди, уни хам курдилар, шундайки, хар бир амалдорнинг подшох саройи дарвозаси олдида курилган ўз саройида алоҳида девони бор эди; масалан: вазир девони, молия (кирим-чиким) ишлари девони, давлат хужжатларини бошкариш ишлари девони, сокчилар бошлиги девони, хат-хабарлар мутасаддиси девони, сарой иш бошкарувчиси девони, давлат хос мулклари девони, мухтасиб девони, вакфлар девони, козилик ишлари девони. (Амир) мана шу тартибда девонлар куришга буюрди ва уларни курдилар.

Абдулмалик ибн Нух ибн Наср ибн Ахмад ибн И smoилнинг даврида унинг вазири ва «Китоби Яминий»нинг муаллифи худо раҳмат килгур Ахмад ибн Ҳасан ал-Утбий унинг гўри Дарвозайи Мансур маҳалласида, хон ҳаммомининг ёнидадир, мадраса рўпарасига жуда яхши бир масжид бино килди ва шу масжид туфайли ўша мавзу камол топди. У доно амир отдан йикилиб ўлгач, куллар кечаси саройга кириб, уни талашга киришдилар. Амирнинг якин кишилари ва канизлари ўртасида жанжал чикиб, саройга ўт кўйиб юбордилар; сарой бутқул ёниб кетди ва ундаги тилла ва кумушдан (ишланган) ҳамма гўзал нарсалар яроксиз бўлди. Шундай (ёнгин) бўлдики, у бинолардан бирор нишон хам колмади.

Уч юз эллигинчи йил шаввол ойида (13 ноябрь - 11 декабрь 961) Амири садид Мансур ибн Нух Жўйи мулиён деган жойда тахтга ўтиргач, унинг фармони билан у саройии янгидан куриб нобуд ва зое бўлган нарсаларни аввалгидан хам яхширок килиб вужудга келтирдилар. Шунда Амири садид саройда жойлашди. (Бирок) хали бир йил хам ўтгани йўқ эдики, бир байрам кечаси ўтказилиб, кадимию оdatга мувофик катта гулхан ёқдилар, бир пора олов учеб саройнинг шипи аланга олди ва сарой яна бутунлай куйиб кетди. Амири садид кечаси Жўйи мулиёнга кетди ва вазирига шу кечадаёқ ҳамма хазина ва дафиналарни олиб чикишга буюрди. (Вазир) бу нарсаларни ишончли кишилар оркали Жўйи мулиёнга юборди. Тонг отгач, битта тилла косадан бошка хеч бир нарса йўколмаганини аникладилар. Амири садиднинг вазири холис ўз пулига оғирлиги етти юз мисколб келадиган бир коса буюртириди ва уни хазинага юборди. Уша вактдан бери бу мавзу яна регистон — «бўш майдон»га айланиб вайрон бўлиб колди.

Кейин подшохлар саройлари Жўйи мулиёнда бўлган. Жўйи мулиённинг жаннатни эслатувчи гўзал макомидан кўра яхширок бирор жой ва манзил Бухорода йўқ эди. Чунки унинг ҳамма жойи саройлар, боғлар, гулзорлар ва бўстонлар билан копланган. Доимий окиб турувчи сувлар (билак таъминланган). Унинг чаманзорлари бир-бирларига туташиб кеттан ва уларнинг ораларидан ариклар ўтиб чаманзорлар ва гулзорлар томон минг тарафга караб окар эди. Окиб турган сувларни томоша килган хар бир киши, бу сув каердан келаяпти-ю, каерга кетаяпти деб хайратда колар эди. Ўз замонининг нодир устодлари ва меъморларн ана шундай тарх чизган эдилар. Бир баҳтли (шоир) бундай деган.

Байт:

Хаёт суви бу чаманга келдию, зор-зор йиглаб кетди,  
Бу гулшанни ташлаб кетиш шарт эканлигидан нолалар килиб кетди.

Яна Регистоннинг дарвозасидан то Даштаккача (бўлган) хама на ер тошдан ишланиб накшланган, бир тартибда (курилган) баланд танд уйлар, турли суратлар ишланган меҳмонхоналар, чиройли чорбоглар ва яхши сарховузлар билан банд эди. Сада кайрагочлар шундай бир тарзда чодир шаклини олган эдики, сарховуз лабидаги ўтирадиган жойга шарқ томондан хам, гарб томондан хам заррача куёш тушмас эди. Бу

чорбогларда нашвати, бодом, ёнгок, гилос, жилон жийда ва анбар бўйли жаннатда бўладиган хар бир мева гоятда яхши ва гўзал тарзда(ўтказилган) эди.

---

## Х ЖҮЙИ МУЛИЁННИНГ БАЁНИ ВА УНИНГ ТАВСИФИ

Жўйи мулиён ерлари кадим вактларда Тагшоданинг мулка бўлиб, у ўз фарзанд ва куёвларининг хар бирига таксим килиб берган эди. Мархум амир Исмоил Сомоний бу ерларнн халифа ал-Мустаъин ибн ал-Муътасимнинг лашкарбошиси бўлган Хасан ибн Мухаммад ибн Толутдан сотиб олди. Амир Исмоил Жўйи мулиёнда саройлар ва боглар барпо килиб, унинг кўпроқ кисмини маволийларга вакф килди. У хозиргача хам вакф. Амир Исмоил доимо ўз маволийларига гамхўрлик кўргизар эди.

Бир куни амир Исмоил Бухоро хисоридан Жўйи мулиёнга караб турганида унинг ёнида отасининг мавлоси Симо-ул-кабир — «Улуг сиймо» турган эди. Амир Исмоил уни дўст тутар ва яхши кўрар эди, унга караб: «Бир вакти кетса-да, худойи таоло бирор сабаб тугдирлиб, бу ерларни сизлар учун сотиб олсан ва менга умр берса-да, бу ерлар сизларники бўлганини кўрсам, чунки бу ерлар Бухоронинг барча ерларидан кийматлирок, яхширок ва хуш хаволироқдир»— деди. Худойи таоло насиб этиб амир Исмоил у ерларнинг хаммасини сотиб олиб, маволийларга берди ва нихоят, у ерлар Жўйи маволиён деб аталди, кўпчилик халк эса уни Жўйи мулиён, дейдилар.

Бухоро хисорига бир текислик ер туташган бўлиб, уни «Даштак» дейдилар. Бу ерларнинг хаммаси камишзор эди. Мархум амир Исмоил бу жойни хам Хасан ибн Мухаммад ибн Толутдан ун минг дирамга сотиб олди ва биринчи йилдаёк камишнинг пулидан ўн минг дирам хосил унди. Амир Исмоил бу жойни масжиди жомега вакф килди. Амир Исмоилдан кейин унинг фарзандларидан кимки амир бўлса у гўзаллиги, тоза ва хушхаволиги туфайли Жўйи мулнёнда ўзи учун bog ва кўшклар бино килди.

Дарвозайи Навда шахар дарвозасига туташ бир мавзе борки, уни «Кораки Алавиён» — «Али авлоди экинзори» дейдилар. Амир Мансур ибн Нуҳ бу жойга гоят гўзал бир кўшк курди; гўзалликда уни мисол килиб гапирап эдилар; у уч юз эллик олтинчи йили (17 декабрь 966—6 декабрь 967) (курилган) эди. Кораки алавиённинг бу ерлари то Насрхон ибн Тамгочхон З давригача сultonлик мулки бўлган эди. Наср хон бу ерларни шахарга якин бўлганлиги учун факихларнинг дехкончилик килишлари осонрок бўлсин деб. илм ахлларига берди ва ўзи бунинг эвазига узокрок ерлардан олди.

Жўйи мулиён ва Кораки Алавиён сомонийлар хукмронлигн даврининг охиригача обод эди. Мамлакат сомонийлар кўлидан кетгач, у саройлар хароб бўлди хамда токи Шамсулмулк Наср ибн Иброҳим Тамгочхон давригача Бухорода факат хисордан бошка (подшохлар учун) бирор муайян кароргох бўлмади. Шамсулмулк Шамсободни бино килди.

---

## XI ШАМСОБОДНИНГ БИНО ЭТИЛИШИ ХАКИДА

Малик Шамсулмулк дарвозайи Иброҳим олдидан кўп даромадли ерларни сотиб олиб, дарвозагача карийб ярим фарсанг келадигап жойда гўзал боглар барпо этди, иморатларига кўп маблаг ва хазиналар сарф килди ва у жойга Шамсобод деб ном берди

хамда Шамсободга туташ килиб подшохликка хос отлар учун бир ўтлок жой барпо этди ва уни гўрук (кўрук) деб атади ва узунлиги бир мил миқдорида мустахкам девор билан ўраб, ичига бир каср ва бир каптархона курди. Бу гўрук ичида бугу, кийик, тулки ва айик каби ёввойи жониворларни (хам) саклар ва уларнинг хаммаси ўргатилган эди. Гўрук баланд деворлар билан ўралган бўлиб, жониворлар коча олмас эдилар.

Малик Шамсулмулк дунёдан ўтгач, унинг биродари Хизрхон тахтга ўтириди ва ана шу Шамсободга кўп иморатлар курдирди. Улар гоятда гўзал эди. У хам дунёдан ўтгач, унинг ўгли Ахмадхон подшох бўлди. У Шамсободга карамай кўйди ва нихоят, Шамсобод харобаликка юз ўгирди.

Маликшоҳ Хуросондан Бухорога (юриш килиб) келганида кўп жойларни вайрон килди хамда (Бухородан) Самарканд томон кетаётганида Ахмадхонни асир килиб Хуросонга олиб кетди ва яна Мовароуннахрга кайтариб юборди. Ахмадхон (кайтиб келганнда) Шамсобод тамом вайрон бўлган эди. У ўзига Жўйборда сарой куришга буюрди, саройни курдилар. Сарой ичига bog, okar сувлар ва унинг такомили учун зарур бўлган барча нарсаларни жойига келтирдилар. Бу сарой ўттиз йилгача Бухоро хукмронларининг кароргохи бўлиб турди.

Арслонхон тахтга ўтиргач, xар вакт Бухорога келганида шу саройда бўлар эди. Кейинрок у саройни буздириб хисорга олиб келишни лозим топиб, шунга буйруқ берди ва у жой хароб бўлиб колди.

Бир неча йилдан кейин Арслонхоннинг фармони билан Бу Лайс кўчасидаги Дарвоза маҳалласида сарой ва унинг ичида подшохликка хос хаммом курилди. Яна сарой дарвозаси олдига мисли кўрилмаган бошка бир хаммом хам солинди. У сарой кўп йиллар давомида Бухоро подшохининг кароргохи бўлиб турди. Кейинрок эса Арслонхоннинг фармони билан у саройни факихлар учун мадраса килиб бердилар, сарой дарвозаси олдидаги хаммом ва бирмунча кишлекларни у мадрасага вакф килдилар. Ўзи учун хос саройни эса Арслонхон Саъдобод дарвозаси олдида куришга буюрди; уни хам курдилар.

---

## XII КАШКАШОН (ДЕБ АТАЛГАН) ГУРУХНИНГ БАЁНИ

Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий ўз китобида келтирганки, Кутайба ибн Муслим Бухорога кириб уни олгач, Бухоро ахолисига ўз уйлари ва ерларининг ярмини арабларга беришни буюрди. Бухорода бир кавм бор эдики, уни Кашкашон дер эрдилар; улар хурматли, кадр-кийматли ва эътиборли одамлар бўлиб, Бухоро ахолиси ўртасида зўр обрўга эга эдилар; улар дехконлардан бўлмай, четдан келган кишилар бўлиб аслзода, савдогар ва бой одамлар эдилар. Кутайба уйлар ва асбоб-анжомларни таксим килиб беришга кистай бергач, улар ўз уй-жойлари ва асбоб-анжомларни бутунлай арабларга колдириб, ўзлари учун шахар ташкарисида етти юзта кўшк бино килдилар. У вактларда шахарнинг катталиги (хозирги) шахристонча келар эди. (Кашкашонлардан) xар бирн ўз кўшкининг атрофига хизматкорлари ва ўзига карашли одамлари учун уйлар курди ва xар бир киши ўз кўшкининг олдига bog ва текис майдон барпо килди ва улар ана шу кўшкларга кўчиб келдилар. У кўшклар хозирда вайрон бўлиб, кўпроқ кисми шахарга кўшилиб кетган; у жойда фактатикки-учта кўшк сакланиб колган ва уларни «Кўшки мугон» дейдилар. Чунки у жойда оташпараст (муг)лар турганлар. Бу вилоятда оташпарастларнинг ибодатхоналари кўп бўлган ва муглар кўшклари дарвозаларининг

олдида гўзал ва оромбахш боглари бўлиб, уларнинг экин ерлари жуда кимматбаҳо бўлган.

Мухаммад ибн Жаъфар шундай ёзган: «Биз Амири хамид даврида эшитишимизча, Кўшки мугон ерларининг кимматбаҳо эканлигига сабаб шуки, подшохлар Бухорода жойлашганлар ва уларнинг хизматчилари ва якин кишилари у ерларни сотиб олишга кизикканлар, натижада бу ерларнинг хар бир жуфти хатто тўрт минг дирамгача етган. Бу гап Амири (хамид)нинг кулогига етган-да у: «Менинг билишимча, подшохлар Бухорода туаржой килиб олишларидан илгари бу ерларнинг баҳоси яна хам ортиқрок бўлган, агар бирор бир жуфти гов ер сотиб олмокчи бўлса, йил бўйи кидириб (ундай ерни) топа олмас эди, агарда, топа олса хар бир жуфтни ўн икки минг холис кумуш дирамга сотиб олиши лозим эди. Хозир бир жуфт ернинг нархи тўрт минг холис дирам бўлса, нарх арzonлашиб копти, халқда кумуш (пул) кам колган бўлса керак»,— деган.

Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср эса: «Бизнинг давримизда бу Кўшки мугон ерлари шундай (арzon) бўлдики, уни текинга берсалар хам, хеч ким олишни истамайди. Сотиб олингани хам (хукм-дорларнинг) халқка килган зулм ва шафкатсизлиги сабабли (экилмай ётади) ва текинга колиб кетади»,— дейди.

---

### XIII БУХОРО ВА УНИНГ АТРОФ ЕРЛАРИДАГИ АНХОРЛАР

Биринчиси Кармина анхорн; бу катта анхор. Иккинчиси Шопурком анхори. Бухороннг авом халки буни Шофурком дейишади. Хикоятда келтиришларича, сосонийлар сулоласидан бўлган Кисронинг фарзандларидан бири ўз отасига аччик килиб, бу вилоятга келган; унинг номи Шопур эди. «Пур» эрон тилида «ўғил» демакдир. У Бухорога келганида Бухорхудот уни яхши кабул килди. Шопур ов килишни яхши кўрар эди. Бир куни овга чикиб у (Шопурком) томонига бориб колди. У вактларда ўша ерда хеч бир кишлок ва обод жой бўлмай, яйлок ва ов килинадиган жой бўлган. Бу ер Шопурга ёкиб колиб, уни обод килиш учун улуш йўсинида ўзига берилишини Бухорхудотдан сўраган. Бухорхудот бу мавзени Шопурга берди ва Шопур у ерда катта анхор казитиб, уни ўз номи билан, яъни «Шопурком» деб атади ва бу анхор (бўйлаб) кишлоклар ва каср бино килди. Бу теваракни «Обавия кишлоклари» дейдилар. Шопур яна Вардона кишлогини бино килди ва каср куриб, уни ўзи учун туаржой килиб олди. (Шундай килиб) у ерда катта бир мулк пайдо бўлди ва Шопурнинг вафотидан кейин кишлоклар унинг авлодига мерос бўлиб колди. Кутайба ибн Муслим Бухорога келгай вактда Шопур авлодидан Вардонхудот хукмрон эди ва у улуг подшох бўлиб, Вардона кишлогида турар хамда Тагшода Бухорхудот билан низолашар эди. Кутайбага Вардонхудот билан кўп жанглар килишга тўгри келди ва охири Вардонхудот ўлиб, Кутайба Бухоро мулкини Тагшодага берди. Бу кисса Байканд ва Бухоронинг фатҳ этилиши бобида айтилади. Учинчи анхорни Харконат ул-Улё, тўртинчисини Харконруд, бешинчисини Овхатфар, бу гоят кенг ва катта анхордир,— олтинчисини Сомжан, еттинчисини Байконруд ва саккизинчисини Фаровзи Улё дейдилар; бу (саккизинчи) анхор бўйлаб кўп кишлоклар

жойлашган. Тўккизинчисини Фаровиз ис-Суфло ёки Коми Даймус хам дейдилар, ўнинчисини Арвон, ўн биринчисини Кайфур, ўн иккинчисини Руди Зар дейдилар. Бу шахарни (сугорувчи) анхордир. Биз айтиб ўтган анхорларнинг хаммаси серсув бўлиб, улар (ёкаси бўйлаб) кўп кишлоклар ўрнашган. Айтишларича, хамма анхорларни халк казиган, аммо Овхатфар анхориннинг казилишида у ернинг халки захмат чекмаган, уни сувнинг ўзи ўйиб казиган. Хозир бухороликлар уни Руди Нафар дейдилар.

---

#### **XIV БУХОРО ВА УНГА ТОБЕ ЖОЙЛАРНИНГ ХИРОЖИ**

Сомонийлар ва улар кўл остидаги амирлар дазрида Бухоронинг хирожи Карминанини билан кўшилиб бир гал бир миллион бир юз Олтмиш саккиз минг беш юз олтмиш олти дираму беш ярим донакни ташкил этган. Ундан кейин хирож хар жихатдан камайган, баъзи ерлар сув тагида колиб кетиб, подшох у мавzedан хирож олишни тўхтатган; сув олиб кетган жойдан (хам) хирож олмай кўйган; ерларнинг баъзиси алавийлар ва факихлар кўлига ўтиб султон булардан хам хирож олмаган. Баъзи ерлар масалан. Байканд ва бошка кўп кишлоклар, султоннинг мулкига ўтиб хирож дафтаридан ўчирилган ва Карминанинг хирожи Бухоро хирожидан ажратилиб (алохида олинган).

---

#### **XV БУХОРОНИНГ КИШИЛАР «КАНПИРАК ДЕВОР» ДЕБ АТАЙДИГАН ДЕВОРИ ХАКИДА**

Ахмад ибн Мухаммад (ибн) Наср айтадики, Мухаммад ибн Жаъфар Наршахий бу фаслни шу (куйидаги) тартибда баён килмаган, лекин сўз орасида баъзи гапларни айтиб ўтган. Аммо Абу-л-Хасан Нишопурий «Хазоин ул-улум»да батартиб келтирганки, халфалик Амир ул-муъминин Махдийга, яъни Хорун ар-Рашиднинг отасига етгач, аббосийя халифаларининг хеч бири ундан кўра порсорок бўлмаган, у бутун Хурносон амирлигини бир юз олтмиш олтинчи йили (15 август 782—4 август 783) Абу-л-Аббос ал-Фазл ибн Сулаймон Тусийга берди. Бу (амир) Марвга келиб шу ерда ўрнашди.

Шундан кейин (Бухоронинг) кўзга кўринган кишилари, жамоалар сардорлари ва улуглари унинг олдига бордилар ва Сўгднинг барча сардорлари хам Хурносон амирига салом бериш учун Марвга келдилар. Хурносон амири улардан ўз вилоятларининг ахволи хакида сўради. Бухороликлар айтдиларки: «Биз турк коғирларидан ранж тортмоқдамиз, улар хар вакт тўсатдан келиб кишлокларни талайдилар; хозир улар яна келиб Сомдун кишлогини галадилар ва мусулмонларни асир килиб олиб кетдилар». Абу-л-Аббос Тусий сўради: «Ўзингизда бирор чора бормики, мен (уни амалга оширишга) буюрсам!» Шу ерда хозир бўлган Сўгд малики Язид ибн Гўрак жавоб бериб: «Хурносон амирининг умри узун бўлсин! Кадим жохилийят даврларида турклар Сўгдни талар эканлалар. Сўгдда бир хотин киши подшох экан, у Сўгднинг атрофига девор кўтартирган ва Сўгд вилояти турклардан омон топгап», — деди. Шунда Абу-л-Аббос Тусий унинг ўзи томонидан Бухоро амири бўлиб турган Мухтадий ибн Хаммод ибн амир аз-Зухлийга Бухоро атрофига девор олдиришни буюрди ва туркларнинг кўллари Бухоро вилоятига етмасин учун, худди Самарканддагига ўхшаш Бухоронинг хам хамма кишлоклари девор ичкарисида бўлсин,

деди. Мухтадий ибн Хаммод шундай деворни уришга, хар бир фарсанг (масофада) бир дарвоза куришга ва хар ярим мил (масофа)да биттадан мустахкам минора кўтаришга буюрди. Бухоронинг козиси бўлган мархум Саъд ибн Халаф ал-Бухорий бу ишга мутасаддий бўлди. Нихоят девор икки юз ўн бешинчи йили (28 февраль 830—17 февраль 831) Мухаммад ибн Яхё ибн Абдуллоҳ ибн Мансур ибн Халжад ибн Варакнинг даврида курилиб битди. Бундан кейин амир бўлган хар бир киши деворни тузаттириб, саклаб турага ва шу сабабли Бухоро ахолисига кўп харажат тушар, хар йили кўп пул сарфлашга ва жуда кўп хашар ташкил килишга тўгри келар эди. Охири раҳматли амир Исмоил Сомоний халкни (бу кийинчиликни тортишдан) озод килди ва девор хам хароб бўлди, Амир: «То мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан»,— деди ва устига олган бу вазифани тўла бажарди; у доимо жангларда ўзи катнашди ва Бухоро вилояти устидан душманларнинг зафар топишларига йўл кўймади.

---

## XVI БУХОРО ШАХРИНИНГ ДЕВОРИ

Бухоро халки Хуросон амири Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Талха ат-Тохирин томонидан Бухоро амири бўлиб турган Ахмад ибн Холиддан: «Шахrimiz атрофида девор бўлиши керак, токи биз кечаси дарвозаларни беркитиб, ўгрилар ва йўлкесарлардан тинч бўлайлик»,—деб илтимос килдилар. Шундан кейин у девор уриш» га буюрди ва жуда яхши махкам девор уриб, миноралар курдилар, дарвозалар ўрнатдилар. Бу иш икки юз ўттиз бешинчи йила (26 июль 849—14 июль 850) тамом бўлди; хар качонки бирор лашкар Бухорога касд килса деворни кайтадан тузатишар эди» Арслонхон ўз (хукмронлиги) даврида эски деворнинг олдига бош» ка (янги) девор (хам) уришга буюрди ва иккала девор бир-бирига ёпшииб мустахкам бўлди. (Лекин кейинрок) бу девор хам бузилиб кетди.

Беш юз олтмишинчи йили (18 ноябрь 1164—6 ноябрь 1165) одил ва билимдон хокон, дунё ва диннинг суянчиги Масъуд Килич Тамгочхонинг<sup>1</sup>,— худо унинг ётган ерини нурлантирсинг,— буйруги билан Бухоро шахрн эски деворининг ташкарисидан девор урдилар; у хам вайрон бўлди. Олти юз тўртинчи йили (28 июль 1207—15 июль 1208) Хоразмшоҳ Мухаммад ибн Султон Такаш Бухорони олди ва яна сиртдан девор уришга буюрди; иккала деворни янгиладилар. Олти юз ўн олтинчи йили (19 март 1219—7 март 1220) татар лашкари келиб Бухорони олди ва у деворлар яна вайрон бўлди.

---

## XVII БУХОРОДА ДИРХАМ ВА КУМУШ (ТАНГА) ЗАРБ КИЛИНИШИ

Бухорода сийм — кумуш (танга)ни дастлаб ишлатган киши Коно Бухорхудот номли подшоҳ эди. У Бухорода ўттиз йил подшоҳ бўлиб турди. Бухорода савдо бўз ва бугдой воситаси билан бўлар эди. Бошка вилоятларда кумуш (танга) зарб килганларни хакида

подшохга хабар берган эдилар, у хам Бухорода соф кумушдан танга зарб килиб, унга ўзиннинг тож кийиб тургандаги суратини ишлашга буюрди. Бу воеа Амир ул-муъминин Абу Бакр Сиддикнинг,— ундан худо рози бўлсин,— халифалик даврида бўлиб (бу кумуш танга) Хорун ар-Рашид давригача давом этди. Бунинг даврида эса бир юз саксон бешинчи йил рамазон ойида (13 сентябрь—12 октябрь 801) Гитриф ибн Ато Хурсонга амир бўлди. Гитриф Хорун ар-Рашиднинг онаси бўлган Хайзурон номли (хотиннинг) биродари эди. Хайзурон Атонинг кизи бўлиб: Ямандаги Жураш деб аталган шахардан эди. У асир тушиб колиб Табаристонга ва у ердан Махдийнинг хузурига келтирилган эди. Махдий бу хотиндан икки ўгил кўрди; биринчиси Мусо ал-Ходий З иккинчи Хорун ар-Рашиддир. Хайзуроннинг обрўси улугланганда) кейин Гитриф (Ямандан) унинг олдига келиб, шу ерда колди. Хорун ар-Рашид Хурсонни Гитрифга берди.

У вактда «Бухоро ахолиси кўлида Хоразм кумуш (тангаси) муомалада бўлиб, одамлар у кумуш (танга)ни кўнгилсизлик билан олар эдилар. Бухоронинг (ўзида куйилган) у кумуш (танга) эса одамлар кўлидан чикиб кетган эди. Гитриф ибн Ато Хурсонга келганида Бухоронинг катталари ва кўзга кўринган кишилари унинг олдига бордилар ва ундан: «Шахаримизда кумуш (танга) колмади, Хурсон амири буюрсалар, токи бизга кумуш (танга) зарб килиб берсинглар ва уни ўша кадимги Бухоро кумуш (тангаси) зарб килинган колипда куйсинглар ва у кумуш (танга) шундай бўлсинки, хеч ким уни бизнинг кўлимиздан чиカリб ололмасин, шахримиздан ташкарига олиб кетолмасди ва биз ўз ўртамиизда ўша кумуш (танга) билан муомала килайлик»,— деб талаб, килдилар. У вактда кумуш кам эди; шахар ахолисини йигиб бу хақда улардан маслаҳат сўрадилар ва олти хил нарса — тилла, кумуш, тери, калай, темир ва мислардан кумуш (танга) зарб килишга карор килдилар. Шу (карорни) амалга оширдилар ва ўша илгариги колипни Гитриф номи билан, яъни «Сийми гитрифий»— «Гитриф кумуш (тангаси)» деб кўйдилар; авом халк уни «гидрифий» деб атар эди. Кадимги кумуш (танга) соф кумушдан эди. Бу аралаш килиб куйилган кумуш (танга) кора рангли бўлиб чиқди ва Бухоро ахолиси уни олмай кўйди. Султон уларга газаб килгач, мажбуран оладиган бўлдилар. Олти гидрифий бир дирхам соф кумушга баробар, деб баҳо кўйдилар. Султон (хам) уни шу кийматда олди ва нихоят, у кумуш (танга) ривож топиб кетди ва шу сабабдан (халк учун) Бухоро хирожини (тўлаш) оғир бўлди, чунки Бухоро хирожи илгари икки юз минг кумуш дирамдан бир оз камрок эди, гидрифий тангаси куйилиб, олтитаси бир дирам соф кумуш баҳосида юргач, султон (бухороликларни) шу гидрифий билан хирож тўлашга буюрди, шунда гидрифий камайиб кетиб, бир гидрифийнинг бир дирами бир дирам (соф) кумуш баҳосида юра бошлади. Султон эса (хирожни) кумуш билан олишни истамай, гидрифий талаб килди. (Натижада) икки юз минг дирам кумушдан камрок бўлган Бухоро хирожи бирданига 1.068.567 дирам гидрифийга бориб етди.

Мухаммад ибн Жаъфарнинг айтишича, бир йили икки юз йигирма дирам тоза кумуш саксон беш дирам гидрифийга (баробар) бўлган. Ахмад ибн Наср: «Биз бу китобни таржима килаётганимиз беш юз йигирма иккинчи йили (6 январь — 24 декабрь 1128) юз дирам соф кумуш етмиш дирам гидрифий баҳосида бўлиб, бир мискол кизил олтин етти ярим дирам гидрифий (баҳоси)га teng бўлади»,— дейди. Мухаммад ибн Жаъфарнинг айтишича, бу гидрифийни Бухоро шахарида Кўшки Моҳак (деган жой)да зарб килгандар. Гидрифий кумуш (тангасида) бошка таркиблардан кўра кумуш кўпроқ. Айтишларича, бир гидрифийнинг хар бир дирамида бир хабба тилла бўлиб, хар бир ўн дирамида ярим дирамдан тортиб тўрт ярим донагача 4 тилла бўлган. Сомонийлар сулоласидан (подшох бўлган) хар бир киши ва сомонийлар сулоласидан кейинги бошка подшохлар Бухорода

кўп майда пуллар зарб килганлар. Бунинг бирор ажабланарли жойи бўлмаганлиги учун, у хакда гапирилмади.

---

### XVIII БУХОРО ФАТХ ЭТИЛИШИНинг бошланиши

Мухаммад ибн Жаъфарнинг баён килишича, Убайдуллох ибн Зиёд Муовия томонидан Хурсонга юборилиб, у Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келган вактида Бухоро подшохи, ўгли Тагшода кичик ёшли бўлгани туфайли, бир хотин киши эди. Убайдуллох ибн Зиёд Байканд ва Ромтинни олиб кўп кишиларни асир килди. Тўрт минг бухоролик асирни шахсан ўзига олди. Бу воеа эллик учинчи йилнинг охири ва эллик тўртинчи йилнинг бошида (ноябрь-декабрь 673) бўлган эди. У Бухоро шахрига етгач, аскарларини саф килиб, палакмонларни шахарга тўгрилаб кўйди. Хотин туркларга одам юбориб улардан ёрдам сўради хамда Убайдуллох ибн Зиёдга хам одам юбориб етти кун мухлат талаб килди ва: «Мен сенинг итоатингдаман»,— деб, кўп хадялар юборди. Шу етти кунда турклардан ёрдам келмагач, Убайдуллох ибн Зиёдга кайтадан одам юбориб, яна етти кун мухлат сўради. (Нихоят) турк лашкари етиб келди ва бошкалар хам йигилишиб лашкар кўпайди; кўп урушлар килдилар ва охири кофиirlар енгилиб кочдилар, мусулмонлар уларнинг оркаларидан бориб кўпларини ўлдирдилар. Хотин кальага кирди, у (йигилиб келган) лашкарлар ўз вилоятларига кайтдилар. Мусулмонлар курол, кийим-кечак, тилла ва кумушдан ишланган нарсалар ва асирлардан иборат кўп ўлжа кўлга киритдилар. Улар хотиннинг бир пой этигини хам пайпоги билан топиб олдилар. Этик ва пайпок тилла (ишлатилиб тикилган ва) кимматбаҳо тошлар билан безатилган эди, баҳо килганларида икки юз минг дирхам турди.

Убайдуллох ибн Зиёднинг фармони билан дараҳтларни кесдилар, кишлокларни вайрон килдилар; шахар хам хатарда эди; хотин одам юбориб омон тилади, бир миллион дирхам баробарига сулх тузилди. (Хотин) мол юборди. Убайдуллох ибн Зиёд молнн олиб кайтди ва мазкур тўрт минг бухоролик асирларни хам ўзи билан олиб кетди. У эллик олтинчи или (25 ноябрь 675—13 ноябрь 676) Хурсон амирлигидан туширилганидан кейин Саъид ибн Усмон Хурсон амири бўлди ва Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келди. Хотин унга одам юбориб: «Убайдуллох ибн Зиёд билан тузган сулхимда баркарорман»,— деди ва молдан бир озини юборди. Ногоҳ шу аснода Сўғд, Кеш (Шахрисабз) ва Нахшаб (Карши) лашкарлари етиб келдилар. Уларнинг сони бир юз йигирма минг эди. Хотин сулх тузганлиги ва мол юборганлигига пушаймонлик билдириди. Саъид: «Мен хам шундай фикрдаман»,— деди-да, молни кайтариб юбориб: «Бизнинг орамизда сулх йўқ»,— деди. Шундан кейин лашкарлар йигилишиб бир-бирларига карама-карши туриб саф тортилар. Худойи таоло кофиirlар дилига вахима солиб, уларнинг хамма лашкарлари урушсиз оркага кайтдилар. Хотин ёлгиз колиб яна одам юборди ва (Саъиддан) сулх сўради, мол (микдорини) кўпайтириб хаммасини юборди. Саъид: «Мен энди Сўғд ва Самаркандга бораман, сен менинг йўлимдасан, (кайтишимда) менинг йўлимни тўсмаслигинг ва мени ранжитмаслигинг учун сен томондан бирор гаров бўлиши лозим»,— деди. Хотин маликзодалар ва Бухоро дехконларидан саксон кишини гаров килиб Саъидга берди. Саъид Бухоро дарвозасидан кайтиб кетди ва шу кетганича кетмоқда. Хикоятда келтиришларича, хотин ўз эрининг хизматкорларидан бирига ошик эди; одамлар унинг ўгли Тагшода ўша кишидан бўлган ва хотин бу болани ўз эридан бўлган

деб кўрсатади, аммо бу бола Бухорхудотдан эмас деб гапирап эдилар. Унинг лашкарларидан бир гурухи эса: «Биз унинг мамлакатини бешак подшоҳзода бўлган бошка бир худотзодага берамиз»,— дер эдилар; хотин уларнинг бу касдларидан огох бўлиб, уларни ўзидан даф килиш учун тадбир кидирар эди. Саъид билан сулх тузилиб, Саъид ундан гаров талаб килгач, хотин хийла килди ва халиги максадни мўлжаллаган ўша гурухни гаровга бериб, улардан халос бўлди ва Саъиддан хам кутулди.

Яна Саъид хакида хикоят киладиларки, у хотин билан сулх тузганида: «Менга салом бериш учун хузуримга чикишинг керак», деган; хотин унинг айтганидек саломга чиккан, у яна: «Менинг саркардаларим олдига (хам) саломга чикишинг керак»,— деган. Хотин унинг саркардаларидан хар бири учун хам саломга чиккан. Саъиднинг лашкар бошликларидан бири Абдуллоҳ Хозим эди, у ўзининг чодири ичидаги катта гулхан ёкишга буюрди ва ўзи (олов ёнида) турди. (Чодир ичи) жуда иссик эди, Абдуллоҳ ранги кизил киши бўлиб, оловнинг иссигидан кўзлари хам кизариб кетган эди ва калласи катталигидан уни Байгория деб масалда келтирап эдилар; вахшатли бир киши эди. У куролланган холда килич ялангочлаб турди ва унинг олдига кирган хотин кўркиб тез кочиб чикди ва айтди:

Эй гулом, сени худо ажаб гўзал килиб безантирипти,  
Ёмон кўз (сендан) узок бўлсин, сенга якинлашмасин!

Хикоят: Сулаймон Лайсий айтадики, Саъид хотин билан сулх тузилгандан кейин Бухорода касал бўлиб колди; хотин уни кўргани кирди; унинг тиллага тўла бир хамёни бор эди, у кўлини хамёнга солиб, ундан иккита нарса чикарди-да: «Бунинг биттасини ўзим учун саклайман, мабодо касал бўлиб колсан ейман, мана бу иккинчисини сенга бераман, уни есанг согаясан»,— деди. Саъид: «Бу нима нарса эканки, бу хотин шунчалик азиз ва улуг тутиб менга берди»,— деб ажабланди ва хотин чикиб кетгач караса, у нарса эскириб кетган бир дона хурмо экан. Шунда у одамларига буюрди: улар бешта тияга янги хурмодан ортиб хотиннинг олдига элтдилар. Хотин копларни очиб кўп хурмони кўрди; хамёнини очиб ўзининг хурмосини чикарди-да, у хурмолар билан солиштириди; караса улар ўзи саклаб юрган хурмодек экан; шунда у узрга келиб: «Бизда бундай нарса кўп бўлмайди, бу икки дона хурмони касаллик пайтда истеъмол килиш учун кўп йиллардан бери саклаб юрадим»,— деди. Ривоят килишларича, бу хотин ёкимли ва гўзал аёл экан ва Саъид унга ошик бўлиб колган экан. Бухороликларнинг бу хакда бухоро тилида кўшиклари бор.

Бир ривоятда келтиришларича, Саъид Бухорога келган вактида раҳматли Кусам ибн Аббос хам Бухорога келган экан, Саъид уни хурмат килиб: «Бу ўлжалардан хар кишига бир хисса, сенга эса минг хисса бераман»,—деса, Кусам,—худо ундан рози бўлсин,—«шариат буюрган бир хиссадан бошка (хеч нарса) олмайман»,—деган. Шундан кейин раҳматли Кусам Марвга борган ва у ерда вафот этган. Баъзиларнинг айтишларича, у Самарканда вафот этган. Яна худо билимдонрок.

(Шундай килиб) Саъид Бухоро ишларидан фориг бўлгач, Самарканда ва Сўгдга бориб кўжанглар килди ва зафар унинг томонида бўлди. У вактда Самарканда бирор подшоҳ ўйқ эди. Саъид Самаркандан ўттиз минг кишини асир килиб, кўп мол кўлга тушириб (кайтиб). У Бухорога етиб келганида хотин одам юбориб: «Сог-саломат кайтиб келдинг, энди гаровни бизга колдириб кет»,—деди. Саъид эса «Хали сендан хотиржам бўлганим ўйқ, токи Жайхундан ўтгунимгача гаровлар мен билан бўлади»,— деди. Жайхундан

ўтганида хотин яна одам юборса: «Марвга етганимча кўятур»,—деди. Марвга етганида эса «Нишопурга етганимча кўятур», Нишопурга етганида «Куфага етиб олай»,— деди ва ундан Мадинагача олиб кетди.

Мадина ганидан кейин, Саъид гуломларига буюриб (у гаровга берилган одамларнинг) килич ва камарларини ечтирди ва уларда бор бўлган кимхоб кийимлар, тилла ва кумушларнинг хаммасини олдирди. Кийимлар эвазига уларга шолча (кийим)лар бериб экин экиш ишларига банд килиб кўйдилар. Улар бундан жуда хафа бўлиб: «Бу киши бизга бермаган яна кандай хорлик колди? У бизни кул килиб олиб оғир ишларни буюрмокда, биз хорлик билан ўлгандан кўра бир йўла фойдали иш килиб ўлайлик»,— дедилар ва Саъиднинг саройига кириб зшикларни махкам беркитдилар, Саъидни ўлдирдилар ва ўзларини хам ўлимга топширдилар. Бу (вокеа) Язид ибн МуовияЗ халифалик килиб турган вактда бўлган эди.

Сўнгра Муслим ибн Зиёд ибн Абийх<sup>4</sup> Хурносон амири килиб тайинланди ва Хурносонга келди. Бу ерда лашкар тузиб, Бухорога борди. Хотин бу лашкар ва тайёргарчиликларни кўриб, Бухоро лашкари уларга карши туролмаслигини билди-да, сўгд подшохи Тархунга одам юбориб: «Мен сенга хотун бўлай. Бухоро сенинг шахаринг, сен келиб бу мамлакатдан араблар кўлинни узоклаштиришинг лозим»,— деди. Тархун бир юз йигирма минг киши билан келди, Бидун хам Туркистондан кўп лашкар билан келди. «То бу лашкар етиб келгунича хотин Муслим билан сулҳ тузиб, унга дарвазаларни ва ташкарида бўлган кўшк эшикларини хам очган едн. Бидун (Бухорога) етиб келди ва Харконруднинг у томонига тушди. Муслимга: «Бидун етиб келди ва хотин унга бўйсунди хамда шахар дарвозаларини беркитдилар»,— деган хабарни етказдилар. Муслим ибн Зиёд Мухаллабнинг олдига одам юбориб: «Мухаллабга айт, бориб Бидун лашкарининг кандай андозада эканлигини кўрсин ва айгокчилик шарти нима булса уни жойига келтирсинг!»—деди. Мухаллаб жавоб бериб: «Хеч ким бундай ишга мендек одамни юбормайди; мен хаммага таникли кишиман; шундай бир кишини юборгинки, агар у саломат кайтиб келса, сенга тўгри хабар келтирсинг ва агар халок бўлса, лашкарингга нуксон етмасин», деди. Муслим эса: «Хар нима бўлса хам сен боришинг керак!»—деди. Мухаллаб: «Агар мен боришим шарт бўлса, лашкарнинг хар бир тўдасидан биттадан кишини мен билан бирга юбор ва менинг кетганимни хеч кимга билдирма!»—деди. Муслим у айтганидек килди ва ўз амакисининг ўглини (хам) у билан бирга юборди; хаммалари кечаси Мухаллаб билан йўлга чикдилар ва душман лашкарига билдирамай керакли маълумотларни билиб олдилар. Тонг отгач, Муслим ибн Зиёд эрталабки намозни ўкиб бўлди-да, одамларга караб: «Мен кеча Мухаллабни айгокчилик килиш учун юбордим»,— деди. Бу хабар лашкар орасига таркалди ва буни эшитган араблар: «Амир биздан олдинрок ўлжа олсин учун Мухаллабни юборипти, агар жанг бўлганида эди у билан бирга бизни хам юборар эди»,— дедилар. Улардан бир тўдаси тезда отларига миниб Мухаллабнинг оркасидан то дарё лабигача бордилар. Мухаллаб уларни кўргач: «Сизлар келиб хато килибсизлар; мен яширин турган эдим, сизлар эса ошкора келаяпсизлар, энди кофирлар хаммамизни тутиб оладидар»,— деди. Мухаллаб санаб караса мусулмонлар тўккиз юз киши экан, у: «Азбаройи худо! Килган ишингиздан ўкинасиз»,— деди. Шу вакт улар саф тортдилар ва Бидун лашкарининг айгокчилари уларни кўрдилар. Мусулмонлар тезлик билан карнай чалиб хаммалари бирдан отларига миндилар ва сафларга тизилдилар.

Турк подшохи уларга хужум килди ва арабларнинг тинкалари куриди. Мухаллаб: «Мен

шундай бўлишини билган эдим»,—деди, Улар: «Энди кандай тадбир кўллаш керак?»—деб сўрадилар, У «Илгариrok юринглар!»—деди. Улар эса оркага чекиндилар за Бидун кетларидан етиб келиб мусулмонлардан тўрт юз кишини ўлдирди, колганлари лашкаргоҳга кочиб бордилар.

Эртаси куни тонг отгач, Бидун сувдан ўтиб, Хўтан амирининг олдига келди, (чунки) уларнинг оралиги ярим фарсанг келар эде (Сўнг араблар билан) жанг бошланиб кетди. Мухаллаб бирнчи бўлиб урушга кирди, каттик уруш бўлиб кофиirlар ёпирилиб уни ўртага олдилар. Мухаллаб: «Менга ёрдам беринг»,— деб кичкирди. Муслим паришон хол бўлиб: «Бу Мухаллабнинг товушк-ку!»—деди. Шу вактда Абдуллох (ибн) Худон Муслимнинг олдида сўз котмай жим турган эди. Муслим ундан: «Сенга нима бўлди, бирор сўз гапирмайсан?»—деб сўради. У: «Азбаройи худо! Агар халокат хавфли бўлмаса Мухаллаб кичкирмайди, энди отга минаман-да, ўз гарданимдаги вазифани адо этаман, агар мени халокат карши олса, унга хам тайёрман»,— деди. (Араблар) хар гал кочишга тутунгандарида Мухаллаб кичкирар эди. Муслим: «Бир оз сабр килинг!»— деди. Шу орада Муслим дастурхон ёздириб нон ея бошлаган эди, Абдуллох ибн Худон: «Хозир нон ейиш вакти эмас, сени худо тўйгизсин! Халок бўлай деяпсан-ку, хабаринг йўқ, сен жанг кишиси эмасмисан?»—деди. Муслим: «Энди нима чора кўрамиз?»—деб сўраган эди у: «Отликларга айт, пиёда бўлиб жанг майдонига юрсинглар»,— деди. Шундай килдилар. Абдуллох (ибн) Худон Мухаллаб томонга югуриб кетди. Мухаллаб каттик курсовда колган эди, (Абдуллох): «Оркангизга карангиз!»—деб кичкирди, (мусулмонлар) оркага караб ёрдамга келаётган кишиларни кўрдилар, диллари кувватланиб гайратга кирдилар ва жангни кучайтириб юбордилар. Шу орада Бидун ўлдирилди; мусулмонлар такбир айтиб юборган эдилар, кофиirlар бирдан коча бошладилар, мусулмонлар уларнинг кетларидан кувиб бориб ўлдира бердилар ва, нихоят, уларни бутунлай енгиб, кўп ўлжалар олдилар. Ўлжаларни ўша куни таксим килган эдилар — хар бир отликка икки минг тўрт юз дирамдан тегди. Хотин одам юбориб сулх талаб килди: Муслим у билан сулх тузиб жуда кўп мол олди. Хотин Муслимга: «Сендан илтимос киламанки, менга Абдуллох Хозимни кўрсатсанг, унинг суратини бир марта кўриб бехуш бўлиб эдим, менимча у одам жинсидан бўлмаса керак»,— деди. Муслим Абдуллох Хозимни ўзи турган меҳмонхонага чакириб хотинга кўрсатди. Абдуллох кўк рангли ипак кийим кийган ва кизил салла ўраган эди. Хотин уни кўрганида унга сажда килди ва ажабланганидан хадялар юборди. Муслим галаба козониб ва кўп улжалар олиб Хурносонга кайтиб кетди.

---

### **ХIX КУТАЙБА ИБН МУСЛИМНИНГ ХУКМРОНЛИГИ ВА БУХОРНИНГ ФАТХ КИЛИНИШИ, МОВАРОУННАХРНИНГ АРАБ ВАЛ АЖАМ11 ЎРТАСИДА ТАКСИМЛАНИШИ**

Кутайба ибн Муслим Хажжож томонидан Хурносон амири килиб тайинлангач, Хурносонга келиб бутун Хурносонни ўзига бўйсундирди ва Тўхористоннинг фатх этилиши (хам) унинг кўлида тамомланди. У саксон саккизинчи йили (12 декабрь 706—30 ноябрь 707) Жайхун дарёсидан ўтди. Байканд ахолиси бундан хабардор бўлиб, Байкандни жуда мустахкам хисор билан ўрадилар. Кадимги вактларда Байкандни шористон деганлар ва мустахкамлигидан, уни «жез шахар» деб хам атаганлар. Кутайба жуда каттик жанглар килди; мусулмонлар эллик кунгача (хисорни олиш учун) чора тополмай захмат чекдилар

ва (охири) хийла ишлатдилар. Бир гурух (аскарлар) девор тагидан минора ва хисорнинг ичкариси томон лахм казиб, отхонадан чикдилар, (сўнг) деворни кавлаб рахна очдилар; мусулмонлар хануз хам хисорга келаолмаётган эдилар, (энди) рахна оркали ичкари кирдилар. Кутайба: «Хар ким шу раҳнадан ичкари кирса унга хуни баҳосида (мукофот) бераман, агар у ўлдирилса (мукофотни) унинг фарзандларига бераман»,—деб кичкирди. (Шундан кейин) хар ким ичкари киришга кизикди ва (нихоят) Хисорни олдилар. Байканд ахолиси омон тилади. Кутайба сулх тузиб мол олди ва Варко ибн Наср Боҳилийни уларга амир килди-да, ўзи Бухорога караб юрди.

Кутайба Хунбунга етиб келганида унга: «Хисорнинг кишилари кўзголон килиб амирни ўлдириди»,—деган хабарни етказдилар. Кутайба лашкарига: «Боринглар, Байкандни талон-торож килинглар. Уларнинг конларини (тўкишни) ва молларини (олишни) халол килдим»,—деб буйрук берди. (Кўзголон) сабаби шу эди; байкандлик бир кишининг соҳибжамол иккита кизи бор эди; Варко ибн Наср иккаласини хам ўзига олди, шунда у киши: «Байканд катта шахар, нима учун: сен бутун шахардан факат менинг иккита кизимни оласан?»—деди. Варко жавоб бермади, у киши сакраб туриб Варконинг киндигига пичок урди, лекин бундан бир иш чикмади — Варко ўлмай колди. Бу хабар Кутайбага етгач, у кайтиб Байкандга келди ва у ерда кимки урушга ярокли бўлса хаммасини ўлдириди, колганларини асир килиб олди, шундай килиб, Байкандда хеч ким колмади ва Байканд хароб бўлди, Байканд ахолиси савдогарлар бўлиб, кўплари Чин мамлакати вилоятларига ва бошка жойларга савдо килиш учун кетган эдилар, улар кайтиб келганларидан кейии болалари, хотинлари ва ўз якин кишиларини талаб килиб, араблардан сотиб олдилар хамда Байкандни яна обод килдилар. Айтишларича, Байканддан бошка буткул вайрон бўлиб бўшаб колган, сўнг яна ўз ахолиси кўли билан тезда обод бўлган хеч бир шахар йўк.

Хикоят. Ривоят кишиларича, Кутайба Байкандни фатҳ килганида бир бутхонада оғирлиги тўрт юз дирам келадиган битта кумуш бут топган. У яна бир канча кумуш жомлар топиб олган ва уларнинг хаммасини жамлаб торозида тортганида бир юз эллик минг мискол чиккан. У хар бири кабутар тухумидек келадиган иккита марварид хам топиб олган. Кутайба: «Бу қадар катта марваридларни каердан келтирдингиз?»—деб сўраганида: «Иккита күш оғзида олиб келиб мана шу бутхонага ташлаган»,— деб жавоб берганлар.

Кейин Кутайба бу кимматбахо нарсаларни йигиб халиги иккита марварид билан биргаликда Хажжожга юборди ва унга Байканднинг фатҳ этилганлиги хакида хат ёзиб, у икки дона марварид киссасини хам кайд килиб ўтди. Хажжож унга шундай жавоб ёзди: «Хатда айтгандаринг менга маълум бўлди; у икки дона катта марварид доналаридан ва уларни кушлар олиб келганлигидан мен жуда ажабландим, аммо шундай кимматли нарсани кўлга киргизиб, уни бизга юбориб кўрсатган саховатинг ундан хам ажойиброк туюлди; худо сенга баракат берсин!»

Шундан кейин Байканд кўп йиллар хароб бўлиб колди. Кутайба Байканд ишидан фориг бўлгач, Хунбунга караб жўнади ва кўп жанглар килиб Хунбунни, Торобни хамда кўпгина майда кишлокларни олди ва Вардонага кетди. У ерда Вардонхудот номли бир подшоҳ бор эди, у билан кўп урушди ва охири Вардонхудот ўлиб, Кутайба кўп кишлокларни олди. Бухоро кишлокларидан Тороб5, Хунбун ва Ромтин оралигига кўп лашкар тўпланиб Кутайбани ўраб олдилар. Сўгд подшоҳи Тархун кўп лашкари билан, Хунукхудот кўп аскари билан, Вардонхудот ўз аскари билан келдилар; Хитой подшохининг жияни малик Кўрмагонунни ёллаган эдилар у хам Кутайбага карши жангда (Сўгд подшохига) ёрдам

бериш учун кирк минг лашкар билан келди. Лашкарлар жам бўлдилар. Кутайбанинг иши оғирлашди. Кутайба ва унинг ёронлари куролсиз эдилар. Кутайба: «Бундан бўён (аскарлар) куролларини ўзларидан узоклаштирмасинлар, аскарларни (лашкаргоҳдан) таркатмасинлар!—деб буйруқ берди. Шу сабабли курол-ярог кимматлашиб кетди; масалан, битта найза эллик дирам, битта калкон эллик ёки олтмиш дирам, битта совут етти юз дирам бўлди.

Хайёни Набатийб Кутайбага караб: «Агар худойи таоло менинг сабабчилигим билан бу балони сендан кайтарса нима дейсан»—деб сўради. Кутайба жавоб бериб: «Мен ўзим хам шувдай йўл ахтармокдаман»,— деди. Хайёни Набатий Кутайбага «Менга эртагача муҳлат бер»,— деди. Эртаси тонг отганида Хайёни Набатий Сўгд маликининг олдига одам юбориб «Менинг сенга айтадиган бир насиҳатим бор, биз иккаламиз бир жойда учрашишимиз керак»,— деди. Тархун: «Дуруст» кай вактда учрашамиз?»— деб сўради. Хайён: «Лашкар урушга машгул бўлиб, жанг кизиган вактда»,— деди. Шундай килдилар. Уруш кизиган пайтда Хайёни Набатий Тархун билан учрашиб: «Мулк кўлингдан кетипти-ю, сенинг хабаринг йўқ»,— деди. Тархун: «Кандай килиб»,— деб сўради. Хайён унга: «Биз (араблар) хаво иссик вактдагина бу ерда тура оламиз, энди хаво совуб колди ва бизнинг ва бизнинг вактимиз етди. Токи биз бу ерда эканмиз бу турклар биз билан уруш килдилар, бу ердан кетганимиздан кейин эса сен билан уруш килдилар, чунки Сўгд вилояти яхши жой, яхшиликда унга ўхшаш жой дунёда йўқ, каёқда улар Сўгдни сенга колдириб, Туркистонга кетадилар? Улар мамлакатингни оладилар, сен эса кийинчиликда коласан»,— деди. Тархуш «Мен кандай чора кўллайман?»—деб сўради. Хайён: «Чоранг шуки, Кутайба билан сулх тузиб бирор нарса берасан, туркларга эса ахволни шундай кўрсатасанки, гўё Хажжождан биз (араблар)га Кеш ва Нахшаб йўли билан кўп лашкар ёрдамга келаётган бўлади. Ўзинг эса: «Мен ўз вилоятимга кайтиб кетаман»,— дейсан; шунда турклар хам кайтадилар. Сен биз билан сулх килиб шартнома тузганингдан кейин биз сенга ёмонлик истамаймиз ва сени ранжитмаймиз, сен у кийинчиликдан кутуласан»,— деди. Тархун: «Менга яхши маслаҳат бердинг, мен шундай киламан, шу кечаёк кайтаман»,— деди. Кечаси бўлгач, Тархун Кутайба олдига одам юборди, у билан сулх тузиб мол ва икки минг дирам юборди. Унинг лашкари карнай чалиб кайтишга бошлади. Дехконлар ва амирлар: «Нима бўлди?»—деб сўрадилар. Тархун: «Зинхор хушёр бўлинг! Хажжож Кеш ва Нахшаб томонидан кўп лашкар юборипти, улар оркамиздан келиб, бизни ўртага оладилар, мен ўз вилоятимга кайтаман»,— деб жавоб берди. Кўрмагонун турк одам юбориб бу холдан хабар сўраган эди, унга хам хабар килдилар, у хам карнай чалдириб кайтишга тушди ва (аскарлари) йўл-йўлакай вилоятни талаб кета бердилар. Худойи таоло у балоки мусулмонлар бошидан даф килди. Кутайба тўрт ойдан бери у ёқда колиб кетиб, шу муддат ичida Кутайба за унинг ёронлари хакида Хажжожга бирор хабар етмаган ва Хажжожнинг дили бу томон билан машгул эди; масжидларда куръон ўкиб, хатмлар килар ва дуолар ўкир эдилар. Кутайба ва унинг ёронлари яна Бухорога бордилар; бу унинг Бухорога тўртинчи марта келиши эди. У жанг килар, мол олар, айрим вилоятларни талар, баъзи кишиларни ўлдирад, баъзиларни асир хамда кул килиб олиб шу тарзда то Марвгача борар ва яна Бухоро вилоятига кайтиб келар эди. Худойи таоло Бухорони хамма офат ва балолардан сакласин!

## XX БУХОРНИНГ ФАТХ ЭТИЛИШИ ВА У ЕРДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ТАРКАЛИШИ

Мухаммад ибн Жаъфарнинг айтишича, Тагшоданинг онаси бўлмиш хотиннинг эри Бухорхудот ўлганида, унинг ўғли подшодзода (Тагшода) кичик ёшли бўлиб, шу хотин подшохлик килиб турди. Унинг зикри Убайдуллоҳ ибн Зиёд ва Саъид ибн Усмон ибн Аффон,— худо уларнинг иккаласидан рози бўлсин,— хакларида сўзланганда баён килинди. Ислом лашкари хар сафар Бухорога келганида ёзда газот килар, кишда эса кайтиб кетар эди. У хотин (Бухорога араблардан) хар ким келса у билан озгива уруш килар, сўнгра сулх тузар эди. Унинг ўғли кичик бўлганидан кариндошларининг хар бири бу мамлакатни эгаллаш тамаида эди. (Илгари) Бухорхудот Бухорони жанг килиб олган эди.

Бухоро ахолиси хар сафар (ислом лашкари келганида) мусулмон бўлар, араблар кайтиб кетганида эса улар яна диндан кайтар эдилар. Кутайба ибн Муслим уларни уч марта мусулмон килган, улар эса яна диндан кайтиб кофир бўлган эдилар. Бу тўртинчи марта (келганида) Кутайба жанг килиб Бухоро шахрини олди, кўп кийинчиликлардан кейин (бу ерда) ислом динини юзага чикарди ва хар турли йўллар билан уларга кийинчиликлар тугдириб, дилларига мусулмончиликни ўрнаштириди. Улар эса ислом динини юзаки кабул этиб, хакикатда бутпарастлик килар эдилар. Кутайба араблар бухороликлар билан бирга яшаб уларнинг хатти-харакатларидан хабардор бўлиб турсалар, улар заруратдан мусулмон бўладилар, деган максадда Бухоро ахолисига ўз уйларининг ярмини арабларга беришга ундан буйруқ чикиришни тўгри топди ва шу йўл билан у мусулмончиликни ўрнатди хамда шариат хукмларини бажаришга уларни мажбур этди. Кутайба масжидлар бино килди, кофирилик ва оташпарастлик асарларини йўкотди. У кўп жидду-жаҳд килиб, хар кимданки шариат хукмларини бажаришда камчилик содир бўлса уни жазолар эди. У масжиди жоме бино килди ва одамларга жума намозини ўкишга буйруқ берди, токи худойи таоло бу яхши иш савобини Бухоро ахолиси учун охират захираси килсин!

---

## XXI МАСЖИДИ ЖОМЕНИНГ БИНО ЭТИЛИШИ

Кутайба ибн Муслим тўксон тўртинчи йили (7 октябрь 712—25 ноябрь 713) Бухоро хисорининг ичида масжиди жоме бино килди. У жой (илгари) бутхона эди. Кутайба Бухоро ахолисига хар жума куни у ерга йигилишга буюрди; чунончи, у хар жума куни жарчи кўйиб: «Жума намозига хозир бўлган хар бир кишига икки дирам бераман!»,— деб чакиритирасида дастлаб ислом динини кабул этган пайтларида арабчани ўргана олмаганларидан намозда куръонни форс тилида ўқир эдилар. Рукуъга бориш вактида уларнинг оркаларида бир киши туриб, «Бкнитонкинг!»— деб сажда килмокчи бўлганларида: «Нкуниёнкуни!»,— деб кичкирасида эди.

Мухаммад ибн Жаъфар ўз китобида мана шундай дейди: «Бухоро масжиди-жомеини кўрдим, унга суратлик эшиклар ўрнатилган бўлиб, суратнинг юзи тарошланган ва бошка жойлари ўз холича колдирилган эди. Мен (бунинг сабабини) ўз устозимдан сўрадим. У айтди: «Мен бу эшик ва бошканлар (хакида) эшикларни дастлаб ўрнатган ва кўп умр кўрган бир дурадгор кишидан сўраганимда, у айтган эдики, бухороликлар тил учидаги мусулмонликка икрор бўлиб, яширин равишда бутга чўкинар эдилар. Шахардан ташкарида етти юзта кўшк бўлиб, уларда бойлар турар эдилар ва улар итоатсизрок

бўлганликларидан масжиди жомега кўп кишилар хозир бўлмас эди, халиги икки тангани олиш учун камбагалларгина боришга кизикар, аммо бойлар эса кизикмас эдилар. Бир жума куни мусулмонлар кўшкларнинг эшикларига бориб уларни жума намозига чакира бериб зериктирдилар, шунда бойлар кўшк томидан туриб мусулмонларни тош билан урдилар, (икки орада) уруш бўлиб, мусулмонларнинг кўллари баланд келди ва улар бойлар касрларининг эшикларини кўчириб (Бухорога) келтирдилар. У эшикларга хар ким ўзи (чўкинадиган) бутнинг суратини ишлатган эди. Масжиди жоме кенгайтирилган вактда у эшикларни масжиди жомега ишлатдилар ва эшиклар хунук бўлиб кетмасин учун суратнинг юзинигина кириб ташлаб, бошка жойларини ўз холича колдириб курдилар».

Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср бундай дейди: «Хозир ўша эшиклардан биттаси сакланиб колган ва томлардан масжиди жоме эшигига тушиб келаберишингда Хуросон амирининг саройига бормокчи бўлганингда, биринчи эшикни колдирсанг, иккинчиси ўша эшиклардан (сакланиб) колганидир. Унда хали хам тарошланганлик асари кўриниб турибди.

Хисор ичida бўлган масжиди жомени Кутайба бино килган, одамлар унда намоз ўкир эдилар. Мусулмонлик кенг таркалиб, одамларнинг ислом динига бўлган рагбатлари кундан-кунга ортаборгач, улар бу, масжидга сигмай колдилар. (Бу хол) Фазл ибл Яхё ибн Холид Бармакий давригача давом этди. У Хорун ар-Рашид замонида Хуросон амири бўлди. Бухоро халки йигилдилар ва иттифоклашиб бир юз эллик тўртинчи йили (24 декабрь 770— 32 декабрь 771) хисорнинг (окава сувлари тушадиган) ховузини казидилар хамда хисор ва шористон ўртасида масжиди жоме бино килдилар! Хисор масжиди жомесида жума намозини ўкир эдилар.' Масжиди жоме эскиргач ва хисор масжиди жомеси бекор колиб хирож девонига айлангач, катта масжидни куришда хеч ким Фазл ибл Яхё ибн Холид Бармакий каби кўп саъй-харакат кўргазган эмас у бу ишга кўп мол харж килган. Ундан, кейин то мархум амир Исмоил Сомоний давригача хар ким бу масжидни кенгайтириб борди. Амир Исмоил кўп уйлар сотиб олди ва масжиди жомени учдан икки хиссасича кенгайтирди. Рамазон ойида масжидларга шамдонлар кўйишни дастлаб буюрган киши шу Фазл ибл Яхё ибн Холид Бармакий эди.

Хикоят. Айтишларича, Амири саъид Наср ибн Ахмад ибл Исмоил даврида, (бир йили) рамазон ойида жума куни халк масжиди жомега тўлиб турган вактда масжид бирдан босиб колиб, кўп кишилар у ерда Халок бўлган, бутун шахарда таъзия ўтказилган. Масжид тагида колганларнинг баъзиларини чикариб олганларида улар хали нафас олиб турар, аммо бир оз вактдан кейин жон берар эдилар; баъзиларининг кўл ва оёклари сииган эди. Шахар (ахолисидан) кўп кишилар халок бўлганидан бу ходисадан кейин Бухоро шахари (карийб) бўшаб колди. Шахар кишилари (масжидни кайта куришга) яна жидду-жаҳд кўрсатдилар сultonнинг якин кишиларидан хар бири бунга ёрдам берди; мархум Абу... кози бу ишни бошкариб турди, нихоят масжиди жоме бир йил ичida курилиб битди. Кейинги йили эса у яна бузилиб кетди; кибла (томонининг) хар икки ёни йикилиб тушди. Лекин у ерда одамлар йўқ эдилар. Беш йил муддатда (масжидни) яна кайтадан тузатдилар. Абу Абдуллоҳ ал-Жайхоний уч юз олтинчи йили (14 июль 918—2 июль 919) холис ўз пулидан минора барпо этди. У ўша вактда сultonнинг вазири эди. Бу масжиди жоме хисорга пайваст эди. Токи Иброҳим Тамгочон хукмронлигининг охиригача (шундай турди); у тахтга ўтирди. Тамгочоннинг Шамсулмулк Наср ибл Иброҳим номли бошка бир ўғли бор эди, у Бухорони олишга касд килди. Сайфас Бухоро хисорини мустахкамлади. Шамсулмулк Бухоро хисори дарвозасида туриб жанг килар эди. Масжиди жоменинг минорасидан туриб хисорга ўқ отар эдилар ва бундан хисор

ахли кийинчилик тортар эди. Шамсулмулк буйруги билан хисордан олов отдилар, миноранинг тепаси ёгочдан ишланган эди у куйди ва ёниб турган ёгочлар масжиди жомега тушиб у хам куйди. Малик Шамсулмулк хисорни олиб Бухоро мамлакатини кўлга киритгач, масжиди жомени яна тузатишга буюрди хамда унинг буйругига кўра хисор билан масжиди жоме ўртасига хандак казидилар ва минора тепасини пишик гиштдан ишладилар. Яна Шамсулмулк максурани ва ичкарисида максура ўрнашган саройни хисордан узокрокка куришга буюрди. Хожалар ва бойлардан хар ким ёрдам берди ва нихоят, бу иморатлар курилиб битди.

Масжиди жоменинг бу кувиши тўрт юз олтмишинчи йилда (11 ноябрь 1067—30 октябрь 1068) вое бўлди, тўрт юз олтмиш биринчи йили (31 октябрь 1068—19 октябрь 1069) эса у кайта тузатилди.

Мухаммад ибн Абу Бакр бундай дейди: «Ишончли кишилардан эшлишишмча, Бухорода мавжуд бўлган бу максура, минбар ва меҳробларни подшох Шамсулмулк буйруги билан Самаркандда ясаб ва накшлаб Бухорога олиб келганлар». Бу масжид то Арслонхон Мухаммад ибн Сулаймон давригача шу сифатда бўлиб келди, сўнг Арслонхоннинг фармони билан масжиди жоменни унга, масалан, Шамсулмулк вактида бўлганидек, бирор халал етмасин деб хисордан узокрокка курдилар, Арслонхон шористондан кўп уйларни сотиб олиб, масжиди жоменинг хисорга якинрок кисмларини (ўша уйлар ўрнига) куришга буюрди ва хисор олдидаги минорани (хам) буздириб олиб, уни шористонга ўрнаттириди. Бу каби гоят даражада гўзал ва яхши минора хеч бир жойда бўлмаган. Минора (курилиши) охирига етиб, унинг тепаси ўрнатилган ва энди битай деб колган эдики, кўз тегди ва минора кулаб масжиди жоме устига тушди ва масжиднинг учдан бир кисми босиб колди, накшланган ва дурадгорлар (хунари ишлатилган) ёгочларнинг хаммаси синди. Арслонхон иккинчи марта минора кўтаришга буюрди ва энди, у мустахкам бўлсин учун, зўр харакат килиб курдилар, тепасини пишик гиштдан ишладилар.

Арслонхон буларнинг хаммасини холис ўз пулига курдирди. Арслонхон куришга буюрган у масжиди жоме беш юз ўн бешинчи йилда (22 март 1121—11 март 1122) (курилган) эди. Бутун масжид (таркиби)да бешта миён сарой бўлиб, улардан шахарга якин турган иккитаси минораси билан Арслонхон томонидан, у катта сарой ва максура эса подшох Шамсулмулк томонидан бино килинган. Булар ўртасида кадимдан колган иккита миён сарой бўлиб, улардан хисор якинидагиси мархум амир Исмоил Сомонийдан колган; амир Исмоил Сомоний уни икки юз тўксонинчи йили (5 декабрь 902—23 ноябрь 903) курган. Хурсон амири саройи томонидаги бошка бирини эса пайгамбарнинг,— унга худо раҳмат ва саломини йўлласин — хижрати воеасидан кейин уч юз киркинчи йилда (9 июль 951—28 май 952) Амири хамид Нух ибн Наср ибн Ахмад ибн Исмоил Сомоний бино килган.

---

## XXII ИЙД НАМОЗГОХИ

Кутайба ибн Муслим шахар ичкарисидаги хисорнинг ичидаги масжиди жоме бино килган вактида, одамлар «Регистон» деб атаганлари бўш майдонни ийд намози ўқиладиган жой килди ва мусулмонларни ийд намозини ўкиш учун ўша ерга чикарди. У кишиларга (ийд намозига чикданда) куролларини хам олиб чикишга буюрди, чунки ислом дини хали янги бўлиб, мусулмонлар кофирлардан хотиржам эмас эдилар. (Бу одат) хозирда хам суннат

бўлиб колган, кимки курол такишга кодир бўлса у (ийд намозига) куролини ўзи билан олиб чикади. Бу (майдонга кираверишдаги) дарвозани «Дарвазай Саройи маъбад»,—«Ибодатхона саройи дарвозаси» дейдилар. Бу жой Бухоро амирининг «маъбад ул-хайл-и —«аскарлар ибодатхонаси» бўлган экан.

Бу намозгоҳда кўп йиллар давомида ийд намозини ўқиб келганлар. Бу жойга сигишмай колганларидаи кейин Амири садид Мансур ибн Нух ибн Наср<sup>1</sup> Самтин (кишлоги) йўлидаги девор айлантирилган ерлар ва яхши bogларни сотиб олиб, у ерга кўп мол сарфлаб ийд намозгоҳи килди, чиройли минбар ва меҳроб ишлатди хамда (ийд намозида) такбир айтувчи (мукаббир)лар такбир ўқиб кишиларга эшиттирсинглар деб минораҷалар курдирди. Намозгоҳдан Бухоро хисори дарвозасигача ярим фарсанг масофа бўлиб, ийд намозида бу ер одамлар билан тўлар эди. Кўп йиллар ийд намозини шу жойда ўқидилар; бу уч юз олтмишинчи йилда (4 ноябрь 970—23 октябрь 971) барпо бўлиб, токи Арслонхон давригача намозгоҳ бўлиб турди. Арслонхон одамлар кийналмасинглар ва бирор душман шахарга касд килганида ахоли шахарда йўқ вактга тўгри келиб колмасин деб, шахарга якин жойда намозгоҳ килишга буюрди. Дарвазай Иброҳимда подшоҳларнинг бир bogлари бор эди, уни Шамсобод дер эдилар, бу bog бузилиб кетган бўлиб, у ерда экин экар эдилар. Турк хокони Арслонхоннинг фармони билан у ернинг хаммасини тартибга солиб, теварагига баланд девор урдилар, пишик гиштдан минбар ва меҳроб курдилар, такбир айтиб турувчилар учун минораҷалар тикладилар. Бу (иш) пайгамбарнинг,— худо унга ва хонадонига раҳмат ва саломини йўлласин — хижратидан (кейинги) беш юз ўн учинчи йилда (14 апрель 1119—1 апрель 1120) бўлган эди.

---

### XXIII БУХОРО ШАХРИНИНГ АРАБ ВА АЖАМ ЎРТАСИДА ТАКСИМЛАНИШИ

Мухаммад ибн Жаъфар Хотим ал-факиҳдан келтириб ривоят килишича, Кутайба тўртинчи марта келиб Бухорони олганида у (куйидаги) шартларга биноан сулҳ тузди; бухороликлар хар йили икки юз минг дирам халифага, ўн минг дирам Хуросон амирига, уйлар ва экин ерларининг ярмини мусулмонларга берадиган бўлдилар. Яна шахардан ташкарида турувчи бухороликлар арабларнинг отлари учун беда, (ўзлари учун) ўтин ва (бошка) зарур нарсаларни бериб турадиган бўлдилар.

Шахар ичида кўшклар бор эди; баъзи махаллалар кишлок сингари таркок ва бир-биридан узок эди. Шахристоннинг еттита дарвозаси бўлиб, биринчи дарвозани «Дарвазайи бозор»—«Бозор дарвозаси» дер эдилар; у вактларда бундан бошка хеч бир дарвоза олдида шахарга якин бозор йўқ эди. Хозир биз уни «Дарвазайи атторон»—«Атторлар дарвозаси» деймиз. Кутайба шахристонни таксим килиб, унинг Дарвазайи атторондан кириб келаберишингиздаги жойидан хисор дарвозасигача ва ундан то Дарвазайи Нунгача бўлган жойларини арабларнинг рабиъа ва музар (кабилалари)га, колганини яманликларга бўлиб берди. Шахарга кираберишингда чап кўл томондаги биринчи кўчани «Кўйи риндон» —«Бебоклар кўчаси» деб атайдилар: унинг оркасида оташпарастлар калисиё (ибодатхона)си бўлган. Хозир у ерда бир масжид бор уни «Масжиди Банн Ханзала»—«Ханзала авлодининг масжиди» депдилар. Шахар дарвозасидан кирганингда ўнг кўлда бир кўча бор, уни Вазир ибн Айюб ибн Хассон кўчаси деб атайдилар. Бу кўчани яна «Коҳ»—«Каср» кўчаси хам дейдилар. Бу Вазир ибн Айюб Кутайбанинг лашкар бошликларидан бири бўлиб унинг отаси Айюб Бухоро амири бўлган эди. Бухорода ислом

дини ўрнатилгандан кейин Кутайба ибн Муслим томонидан Бухорога дастлаб амир бўлган киши ана шу Айюб эди. Бухоро амирлари хамиша шу Кох кўчасида турганлар. Бу ерда Бухоро амирлари учун алоҳида бир сарой бўлган. Хина номлик бир дехкон бор эди, у ислом динини кабул этгач Ахмад деб аталди, ана шу Кох кўчасининг хаммаси уники бўлиб, шу кўчада бу дехконнинг бир касри бўлган. Бухоро амирлари хамиша шу касрда турар эдилар. У (дехкон ўлгандан) кейин каср ўз эгаси кўлидан чикди. Бир юз эллигинчи йили (6 февраль 767—25 январь 768) у дехконнинг Кадрайи Хина номли меросхўрлари, ўша вактдаги халифа Абу Жаъфар Давонакий<sup>1</sup> олдида, у касрни ўзлариники деб даъво килдилар ва хужжат кўрсатдилар. (Хужжатда кўрсатилган жойнинг) бир тарафи шахристоннинг Жўбайи бакколонга ёпишган девори, иккинчи тарафи шахристоннинг «Писта шиканон»—«Писта чакувчилар» бозорига пайваст девори, учинчи тарафи эса Нуи дарвозасидан чикканингда шахристоннинг ўртасига боргунинггача бўлган тўгри йўл эди. (Хулласи) Атторлар дарвозасидан то Нур дарвозасигача хаммаси бир махаллани ташкил этган шахристоннинг тўртдан бир кисми ушбу хужжатда кайд килинган эди. Бухоро шахри ичидаги мингта дўкон, Бухоро суви ва ислом дини кабул этилгандан кейин вужудга келган Фаровизи Улё суви (ёкасидаги) етмиш бешта хос кишлокни хам халифа олдида даъво килдилар ва хужжатлар кўрсатдилар; гувохлар гувохлик бердилар; халифанинг буйруги билан хукмнома муҳрлатиб Бухорога олиб келдилар ва (мазкур мулкларнинг) хаммасини кайтариб олдилар. Бундан кейин уларнинг болалари (у мулкларни) бўлиб-бўлиб хар кимга сотдилар ва охири (мулклар) одамлар кўлида таркалиб кетди.

Атторлар дарвозасидан ўтганингдаи кейин Баний Саъд дарвозаси ва Баний Саъд масжиди келади. Хасан ибн Алойи Сўгдий катта (бой) киши бўлиб, шористонда унинг гоят даражада олий бир кўшки бор эди; ундан кўшк хеч бир подшоҳда бўлган эмас, Бу киши Ало кўчасини Дарвозайи Алода барпо килди хамда мана шу (хозирги) ихота килинган жойни хам у барпо этган эди, бу ихотали ердан унга хар ойда бир минг икки юз динорлик хосил унар эди. Шористон ичida (хам) унинг даромадли жойлари бор эди.

Хикоят. Хурсон амири бўлмиш Хасан ибн Тохир<sup>2</sup> даврида, унинг Хафс ибн Хошим номли бир вазири бор экан. У (айтнб ўтилган) мулкларни ўша эгаларидан сотиб олишни тама килибди, улар сотмабдилар ва шу сабабдан вазир уларни зиндонга камаб, кўп кийнапти. Вазир хар хафтада бир марта уларни ўз хузурига чакириб, мулкларига харидорлик килар, улар сотмагач, зиндонга кайтариб яна кўпроқ азоблашга буюрар экан. Ул беш йил шу тарзда ўтибди ва улар кўп азоб-укубат тортсалар хам, барибир, мулкларини сотмабдилар. Бир куни Хафс ибн Хошим уларни чикириб: «Сизлар узок вактлардан бери азобда колиб келмокдасиз, охир бундан нима максадга эришасиз?»— депти. Хасан ибн Ала: «Уч максаддан бирига (эришамиз): «Ё сен ўласан, ё тепангдаги амиринг ўлади, ёки биз ўламиз»,— депти. Хафс уларни яна зиидонга камаб кўпроқ азоб беришга буюрибди. Шу гапдан кейини бир ой ўтмасданок Хурсон амири ўлибди ва (халк) кўзголон кўтариб зиндонни бузибди. Хафс ибн Хошим эса кочипти ва унилг саройини талаптилар. Хафс шу кочкинликда юрганича ўлипти, Хасан ибн Ало эса ўз биродарлари билан Бухорога кайтиб келипти.

Баний Саъд дарвозасидан ўтганингдан кейин Баний Асад дарвозаси келади. Буни жохилийят замонида «Мухра дарвозаси» дер эдилар. Бу дарвозадан чикиб куйига тушганингда Хурсон амирининг саройи бор. Яна бир дарвоза бор: уни «Кандиз дарвозаси» дейдилар, чунки у дарвозадан чикканингда хисорга дуч келасан. Хозир у

махалла вайрон бўлиб кетган, у махаллани Фагсадара дейдилар. Хозир гўристонлар ўша томонда, Илгари арабларипнг уйлари ўша дарвоза томонда бўлган. У дарвоза (Бухоро) дарзозаларининг махкамоги бўлиб, узунлиги олтмиш кадам микдорида катта камари бор, у камар тагида кўпгина уйлар жойлашган. Бу иморатларни Субоштегин номли бир амир курган. Унинг гўри хам шу мавзеда. Яна бошка бир дарвоза—«Дари Хакрах»—Хакрах дарвозаси»дир, Мархум Хожа имом Абу Хафс Кабир БухорийЗ ўша махаллада турад эди; у киши Бухородан Багдодга бориб мархум Имом Мухаммад Хусайн Шайбонийга<sup>4</sup> шогирд бўлган. Бу (Бухоро) вилоятида унга тенг бирор киши бўлган эмас. У Бухоронинг мутааххирлари<sup>5</sup> жумласидан бўлиб хам зоҳид, хам олим эди. Бухоро ўша киши туфайли «Куббат ул-ислом»—«Ислом динининг гумбази» деб аталган. Бухоро ахолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг таркалиши ва имомлар, уламоларнинг хурматли бўлишларига у киши сабаб бўлган. Унинг ўғли Абу Абдуллоҳнинг<sup>6</sup> (хам) илми шу даражада эдики, (хожилар) карвони Хаждан кайтиб келаётганида уларнинг уламолари Хожа имом Абу Хафс олдига келиб ундан масала сўрар эдилар. Шунда Абу Хафс «Ўзинг-ку Ирокдан келяпсан, нима учуи Ирок олимларидан сўрамадинг?»—деб сўрар, у олим эса: «Бу масалада Ирок олимлари билан мунозара килдим, улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога борганингда бу масалани Хожа имом Абу Хафс Бухорийдан ёки унинг фарзандларидан сўра!»—дедилар, деб жавоб берар эди. Ана шундан кейин Абу Хафс у масалага тўгри жавоб берар экан.

Хожа имом Абу Хафс хар бир кеча-кундузда Куръонни икки марта хатм килар ва шу билан бирга, одамларга илм ўргатар эдн. У кексайиб заифлашгач, Куръонни бир марта хатм киладиган бўлди. Яна хам заифлашиб колгач, то дунёдан ўтгунига кадар, бир кеча-кундузда куроннинг ярмини ўқийдиган бўлди. Худо уни ўзининг раҳмат ва ризосига гарк этсин!

Хикоят. Ривоят килишларича, Яхё ибн Наср шундай деган: «Мен Хожа Абу Хафснинг хузурида бўлдим, у эрталабки намозини ўкиб бўлиб, киблага караб ўтирас ва бир нарса ўкир эди; кун чикгач, оркасига караган зди у илм ўргатадиган кавм (шогирдлар) хали келмаган экан; ўрнидан туриб тўрт ракаат намоз ўкиди ва мана шу тўрт ракаат намозда Куръондан бакара, оли имрон, нисоъ ва моида сураларини кироат килиб салом бергаинда хали хам жамоа хозир бўлмаган эди, у яна ўрнидан туриб ўн икки ракаат намоз ўкиди ва куръондан сура ал-раъдгача кироат килди».

Мухаммад ибн Толут Хамалоний «Фасл ил-хитоб» (номли китоб) дан ривоят килишларича, Бухорода Мухаммад Толут исмли бир амир бўлган. Бир кун у ўз вазири Хашуяга: «Хожа имом Абу Хафснинг зиёратига бориб унинг сұхбатига етишайлик»,—деган. Бу Хашуя Бухоро Саркардаларидан бўлиб, обрўлик эди, у амирга: «Абу Хафснинг олдига боришинг яхши эмас, сен унинг якинига борганингда салобатидан хеч бир сўз айттолмай коласан»,— деса, амир: «Хар нима бўлса хам бораман»,—деган ва вазири билаи бирга Хожа имом Абу Хафс олдига борган; у киши масжидда намоз ўкиш билан машгул экан, пешин намозини тугатиб салом берганидан кейин вазир кириб «Амир келган эди, унинг киришига рухсат борми?»— деб сўраса; «Бор»,— деган. Абу Хафс киблага караб ўтирган экан, амир кириб унга салом бериб ўтирипти-ю, хеч бир сўз айта олмапти. Мархум Хожа: «Нима иш билан келдинг?»—депти. Шунда амир гапирмокчи бўлиб хар канча уринса хам гапира олмабди. Амир Хашуяни кўрганида у амирдан: «Хожа Абу Хафс кандай экан?»— деб сўраса, амир: «Сен айтгандек экан, унинг олдида хеч гап гапира олмай хайронликка тушиб колдим, неча марта халифа хузурига бориб у билан

сўзлашганман, халифанинг хайбати мени сўзлашишдан тўхтата олмаган эди, бу ерда эса у кишининг салобатидан сўз айта олмай колдим»,— деган.

Зоҳид ва олим киши бўлган Мухаммад ибн Салом Байкандийдан ривоят килишларича, у куйидагиларни айтган эмиш: «Тушимда пайгамбарни — унга худонинг раҳмат ва саломи бўлсин — Бухорода Харкон бозорида кўрдим,— Харкон бозори Муглар кўчасининг бошидан то Дехконлар кўчасигача бўлган жой, уни қадим вактларда Харкон бозори дер эдилар,— пайгамбарни кўрдимки, у хабарда келтирилган ўша тяга минган ва бошига ок қулоҳ кийган эди, унинг олдида кўп ҳалқ туришиб пайгамбарнинг —унга худонинг саломи бўлсин — келганлигига хурсандчилик килишар ва пайгамбарни —унга худонинг раҳмати бўлсин — каерга туширамиз?»—дер эдилар, шунда уни мархум Ҳожа имом Абу Ҳавфснинг уйига туширдилар. Мен Ҳожа Абу Ҳавфсни кўрдим, у пайгамбарнинг,—унга худонинг раҳмат ва саломи бўлсин — хузурида ўтириб китоб ўқир эди. Пайгамбар,—унга худонинг саломи бўлсин,— уч кун унинг уйида бўлдилар. Абу Ҳафс китоб ўқир, пайгамбар,—унга худонинг саломи бўлсин, тинглар эди, шу уч кун ичидан пайгамбар унга хеч эътиroz билдирилди ва (ўқиганларининг) ҳаммасини тўғри топти».

Мархум Ҳожа Абу Ҳафснинг саройи, кишилар у жойни канчалик тузатиб турганликларига карамай, бу кунгача сакланиб колган эмас, лекин ундан (айрим) нишоналаргина бокийдир, савмаа — ибодат килинадиган жой хам у уйда ўз ўрнида турибди ва дуо кабул бўладиган жойдир. Унинг вафоти икки юз ўн еттинчи йилда (832) эди. Кабри Дарвозайи навда, дуо кабул бўладиган жой деб машхур. У тепаликни Ҳожа имом Абу Ҳафс тепалиги дейдилар. У ерда масжидлар ва ибодатхоналар бўлиб, ҳамиша мужовирлар<sup>7</sup> келиб турадилар. Ҳалқ унинг гўри тупрогини табаррук деб билади. У жойни «Ҳакраҳ дарвозаси» дейилишига сабаб шуки, одамлар ўша ерда, мархум Ҳожа Абу Ҳафс хузурига келиб фатво олар эдилар ва бу фатвони ҳак деб билар ва шу жихатдан улар Ҳакраҳни «ҳак» деб атаганлар<sup>8</sup>.

Еттинчи дарвозани «Дарвозайи нав»—«Янги дарваза» дейдилар, шу маънидаки, у шористон дарвозаларининг энг охиргисидир. Бу дарвозадан ичкари кирганингда ўнг кўл томонда, Ҳожа Абу Ҳафс саройининг якинида курайшийларнинг масжиди бор; уни «Курайшийлар масжиди» дейилишига сабаб шуки, Мукотил ибн Сулаймон ал-Курайший шу ерда бўлган. Бу Мукотил Хайённинг устозидир, Хайён эса Талхат ибн Хубайрат аш-Шайбонийнинг устози эди.

Хайён улуг ва кадрли киши бўлган. У Хуросонга борган ва кофиirlар Кутайбани Бухоро дарвозаси олдида куршаб олган вактда Кутайба билан Сўгд малики Тархун ўртасида сулҳ тузган. Кейин ана шу Хайён Фаргонада аскар шайлаган ва бу аскар Кутайбани ўлдирган<sup>9</sup>. Ҳавзи Хайён унинг номига кўйилган.

Кутайбанинг кабри Фаргонада машхур бўлиб, у «Работи Сарҳанг» деган жойда, Коҳ деб аталадиган бир кишлокда ўрнатилган. Вилоятлардан одамлар зиёрат учун ҳамиша у ерга бориб турадилар. Кутайба шахид этилганида у эллик беш ёшда эди. Худо ундан рози бўлсин.

---

## XXIV СОМОНИЙЛАР ВА УЛАРНИНГ НАСАБИ ҲАКИДА

Асад ибн Абдуллоҳ ал-Кушайрий Хуросон амири килиб тайинлангач, Хўросонга келди ва

бир юз олтмиш олтинчи йилда (15 август 782—4 август 783)1 дунёдан ўтгунича ўша ерда бўлди. Айтишларича, у яхши ишларни килувчи ва баходир киши бўлиб, кўнгли араблар хам ерли халкларнинг кадим улуг оиласарига гамхўрлик килишга ва аслзодаларни дўст тутишга мойил эди. Сомонийларнинг бобоси бўлмиш Сомонхудот Балхдан кочиб Марвга, унинг олдига келганида у Сомонхудотни иззатлади ва химоя килди, унинг душманларига каҳр килиб Балхни унга кайтариб берди<sup>2</sup>. Сомонхудот унинг кўлида (ислом динини) кабул этди. Унинг Сомонхудот дейилишига сабаб шуки, у бир кишлок барпо килиб, унга Сомон деб ном берди ва Бухоро амирини Бухорхудот деб атаганларидек уни хам шу кишлок номи билан (Сомонхудот деб) атадилар. Сомонхудотдан бир ўгил тугилганида у Асад Кушайрийни дўст тутганидан ўглига Асад исмини берди. Шу Асад Амири мозий, (яъни) мархум амир Исмоил Сомонийнинг бобосидир. Исмоил Асаднинг ўгли, Асад Сомонхудотнинг ўгли, Сомонхудот эса Баҳром Чўбин маликнинг авлодларидандир. Ўша вактдан бошлаб сомонийлар давлати кундан-кунга ривож топиб, нихоят етган мартбасигача етди.

Ахмад ибн Мухаммад ибн Насрнинг айтишича, Мухаммад ибн Жаъфар ўз китобида Мухаммад ибн Солих ал-Лайсий ва Абу-л-Хасан Майдонийдан<sup>3</sup> келтириб мана шундай ривоят килган: Асад ибн Абдуллоҳ ал-Кушайрий замонида бир киши чикиб Бухоро ахолисини (ислом динига) даъват килган. Бухороликлар бундан олдинрок зиммий бўлиб, жизя тўлаб турар эдилар<sup>4</sup>. (Халиги кишининг даъватига) бир жамоа одамлар ижобат этиб мусулмон бўлдилар. Бухоро подшохи Тагшода эди. У ўзи яширин равишда кофир бўлганлиги учун бундан газабланди ва Хурносон амири Асад ибн Абдуллоҳга (куйидагича) хат ёзди: «Бухорода бир киши пайдо бўлиб, вилоятни бетинч киляпти ва бир гурухни бизга карши кўтарди; у гурух биз мусулмон бўлдик деб ёлгон айтадилар, улар тилларидагина мусулмон бўлганлар, дилларида эса ўзларининг ўша илгариги эътиқодлари билан машгуллар, Шу баҳона билан улар вилоят ва мамлакатни бетинч килмоқдалар ва хирож тўламаяптилар». Шу сабабли Асад ибн Абдуллоҳ ўзининг солик йигувчиси Шарик ибн Харисга хат ёзиб унга: «Ўша одамларни кўлга олиб Бухоро подшохига топшир, токи у нимани хохласа шуни килсан», — деб буюрди. Айтишларича, у гурух масжидда бўлиб хаммалари баланд овоз билан «Ашҳаду ан ло илоха иллоллоҳу ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуху ва расулуҳу», — дейишар ва «во Мухаммадо», «во Ахмадо» деб фарёд килишар эканлар. Тагшода Бухорхудот уларнинг калласини олар ва уларга шафкат килишни сўрашга хеч ким ботина олмас эди. Нихоят уларга юз кишининг бошини олдирди ва дорга остирди, колганларинн эса Асад ибн Абдуллоҳ номидан асир килиб, унинг олдига Хурсонга юборди. Бу жамоадан хеч бири ислом динидан кайтмади; кимки (тирик) колган бўлса, у ислом динида колди, Асад ибн Абдуллоҳ бу жамоани ислом динидан кайтартмади ва Тагшода Бухорхудот ўлганидан кейин у жамоа Бухорога кайтиб келди. Яна худо билимдонрок.

---

## XXV НАСР (ИБН САЙЁР ЗИКРИ) ВА ТАГШОДАНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ

Мана шу бир юз олтмиш олтинчи йили (15 август 782—4 август 783) Асад ибн Абдуллоҳ ўлди ва Хишом ибн Абдурмалик ибн, Марвон<sup>2</sup> Хурсонга амир килиб Наср ибн Сайёрни тайинлади ва унга Хурсонни идора килиш учун фармон юборди. У Мовароуннахрга келиб турклар билан газот килди ва Фарғонани фатҳ этиб уларни таркатиб юборди, ўзи

эса Самаркандга кайтди. У Самаркандга етиб келганида, Тагшода Бухорхудот унинг олдига борди. Наср (ибн Сайёр) унинг кизини ўзига сўратганлиги боисидан уни иззат-хурмат килар эди. Тагшода Юкори Хунбундаги «Кораки алавиён»—«Али авлодининг экинзори» деб аталган ерларни унга берган эди.

Тагшода Наср ибн Сайбрнинг олдига келганида у ўз саройининг дарвозасида ўтирган эди. Шу вакт рамазон ойи бўлиб, кун ботиш пайти эди. Наср ибн Сайёр Бухорхудот билан сўзлашиб турган эди, Бухордан иккита дехкон келди. Улар иккови хам Бухорхудотнинг кариндошларидан ва бузургзодалардан бўлиб, Наср ибн Сайёр кўлида ислом динини кабул этган эдилар. Улар Наср ибн Сайёр хузурида Бухорхудот зулмидан шикоят килиб: «Бухорхудот бизнинг кишлокларимизни тортиб олди»,— дедилар. Бухоро амири Восил ибн Амир хам шу ерда эди, унинг зулмидан хам шикоят килиб: «Булар иккови бир-бирини кўллаб одамларнинг мулкларини тортиб олмоқдалар»,— дедилар. (Шу вакт) Тагшода Наср (ибн) Сайёрга секин-секин (бир нарсанни) сўзлар эди, улар бундан: «Тагшода Наср ибн Сайёрдан бизни ўлдиришни илтимос киляпти»,— деб гумон килдилар ва иккаласи (бир) карорга келиб, бир-бирларига: «Бухорхудот бизни ўлдирмокчи экан, биз (ундан олдинрок) ўз кўнглилизни бир кувонтирайлик»,— дедилар. Тагшода Наср (ибн) Сайёрга: «Эй амир! Булар иккаласи сенинг кўлингда ислом динини кабул этган эдилар-ку, нима, учун улар белларига ханжар bogлагanlar?»— деган эди, Наср ибн Сайёр улардан: «Нима учун белингизга ханжар boglab oлдингиз?»— деб сўради, улар: «Бухорхудот билан бизнинг орамизда адоват бор, биз ўзимизни ундан хотиржам деб хисобламаймиз», деб жавоб беришди. Наср (ибн) Сайёр Хорун ибн Сиёвушга буюриб уларнинг белларидан ханжарларини ечтирди ва газаб билан каради. У икки дехкон нарирок туриб уларни ўлдириш чорасини кўрдилар. Наср ибн Сайёр намоз ўқимокка туриб такбир туширди ва имомликка ўтиб намоз ўкишга бошлади. Бухорхудот эса намоз ўқимай курсида ўтирас, чунки у халигача яширин равишда кофир эди.

Наср ибн Сайёр намоздан фориг бўлгач, сарпардага кирди ва Тагшодани чакирди. Тагшода сарой дарвозасига келганида оёги тойилиб йикилди, (шу пайт) у икки дехконнинг бири югуриб келди-да, Бухорхудотнинг корнига пичок уриб, корнини ёрди. Иккинчи дехкон эса хануз намоз ўкишни давом әттираётган Восилнинг олдига бориб уннинг корнига ханжар урди; Восил уни кўргаи захотиёк тезда килич уриб, у дехконнинг калласини узиб ташлади ва уларнинг хар иккалasi хам бир вактда ўлдилар. Бухорхудотга ханжар урган дехконни Наср (ибн) Сайёрнинг фармони билан ўлдирдилар. Бухорхудотни эса дархол саропардага олдилар. Наср (ибн) Сайёр уни ўзининг ўрнига суянириб ўтиргизди ва тажрибали табиб чакириб уни даволашга буюрди. (Шунда) Бухорхудот васият килар эди, бир соат вакт ўтгач, жон берди, унинг хизматкорлари кирдилар ва гўштини ажратиб (ташлаб) суягини Бухорога олиб келдилар. У ўттиз икки йил подшох бўлиб турди. Наср (ибн) Сайёр Восил ибн Амирга жаноза ўкиб ўз саропардасига кўмдирди. Бишр ибн Тагшодани Бухорхудотликка ўтиргизди ва Холид ибн Жунайдни Бухорй амирлигига тайинлади. Яна худо билимдонрок.

---

## XXVI ШАРИК ИБН ШАЙХ АЛ-МАХРИЙ

У араблардан бўлиб Бухорода яшаган ва жанговар киши бўлган. У шийъа мазхабидан эди. У одамларни Амирул-муъминин Алиниң,—худо ундан рози бўлсин,— авлодидан

(бирини) халифа килишга чакирав ва: «Биз марвонийлар кийногидан эндигина кутулдик, аббосийлар З зулмига тутилишимиз керак эмас, пайгамбарнинг халифаси пайгамбар авлодидан бўлиши керак»,— дер эди. Унпнг атрофига кўп халк йигилди. Бухоро амири Абдулжаббор нбн Шуайб эди, у Шарикка байъат килди. Хоразм амири Абдумалик ибн Харсама хамда Барзам амири Мухаллад ибн Хусайнлар хам унга байъат килиб иттифоклик билдиридилар ва хаммалари Шарикнинг чакиригини ошкора килишга ва кимки уларга карши келса уруш килишга карор бердилар. Бу хабар Абу Муслимгаб бориб етди, у Зиёд ибн Солихни ўн минг киши билан Бухорога юборди ва унга: «Амуга етганингда ўша ерда тўхтаб, айгокчиларингни юбор, улар исёнкор Шарик ахволидан хабар берсинлар, Бухорога эҳтиётлик билан юргин»,— деб таъкидлади. Мархум Абу Муслимнинг ўзи Марвдан чикиб Омуй йўли билан бир манзил юриб Кашмиздаб лашкаргоҳ курди ва хар томондан лашкарини йигиб Зиёд ибн Солихга: «Мен шу ерда тураман, агар сенга (яна) лашкар керак бўлиб колса хабар бер, мен юбораман»,—деди.

Зиёд Бухорога (якин) келиб лашкаргоҳ курди. Шарик иба Шайх (хам) кўп сонли лашкар билан Бухоро дарвозасида лашкаргоҳ курди; бутун Бухоро ахолиси Абу Муслимга карши урушиш учун Шарикка иттифоклик билдиридилар. Ўттиз етти кун давомида урушдилар, Шайх ўғли галаба козонмаган хеч бир кун бўлмади, Зиёд ибн Солих лашкаридан эса хар куни кўп кишилар ўлар ва асир тушар эди. Нихоят Хайёни Набатийнинг устози Сулаймон Курайший беш юз аскар билан шахар дарвозасига борди. Хамза Хамадоний Бухоро шахаридан унга карши чиқди. Сулаймон тўрт юз кишини пистирмага яшириб кўйиб, ўзи юз киши билан Хамза Хамадонийга карши урушга юрди. Хамза унинг аскари шу микдордан ортиқ эмас деган гумон билан якин келиб жанг бошлаган эди, у тўрт юз киши пистирмадан чикиб Хамза аскарларининг кўпини халок килдилар, колганлари шахарга кочишли. Кутайба ибн Тагшода Бухорхудот ўн минг одам билан келиб сипоҳ аломатини ошкора килди ва Зиёд ибн Солих билан биргаликда (Шарикка карши) жангга киришди. Унинг буйруги билан кўшкларнинг дарвозаларини очдилар. Бухоро шахрининг дарвозасида етти юзта кўшк бор эди, унинг фармони билан кўшқдагилар хам сипоҳ аломатини ошкоро килдилар. Бу кўшклардаги кишилар шахардагилардан кўра кўп эди. Лекин шахарда ерли халк билан бирга араблар турар, кўшкларда эса араблардан бирор киши хам йўқ эди. Бухорхудот кишлок халкига ва кўшкларда турувчиларга Шарик лашкарига дарвозаларни беркитишини, уларга озик-овкат ва ем-харакат бермасликини, озик-овкат ва ем-харакатни Зиёд лашкаргоҳига олиб боришни буюрди.

(Шундай килиб) хар йўл билан Шарик лашкарига кийинчилик тугдирдилар ва Шарик лашкари тангликда колди: ўзлари оч колдилар, отлари (хам) ем-харакат колиб урушга ярамади. Улар тадбир кўришиб, бизга шахардан озик-овкат ва ем-харакат етказишиар, шахардан бошка лашкарлар хам чикиб бизга кўшилар деган умид билан шахар дарвозасига якинрок боришга, орка томонни шахарга юзни душманга каратишга карор килдилар. Лекин йўлда Зиёд ва Бухорхудотнинг лашкаргоҳи бўлганлиги туфайли кундузи юришга имконият топмай, кечаси йўлга чикдилар. Шахардан бир фарсанг узокликдаги масофага етганларида Зиёд бундан хабардор бўлиб карши чиқди ва уларнинг йўлларини тўсди. Икки лашкар каттиқ жанг килдилар; Зиёд ва Бухорхудот лашкари маглубиятга учради. Бухорхудот (Зиёдга): «Яхиси шуки, биз душман лашкарининг орка кисмига хужум килайлик; агар биз уларнинг олдиларига ўтсак улар (лашкарнинг) бирор жойига хужум килиб (ёриб) ўтадилар ва бизнинг ишимиз оғирлашади. Агар биз оркадан хужум килсак, уларнинг олдимги кисмлари ўзини шахарга олган бўлади-ю, (лекин) тезлик билан кайтиб жангга киришишга (мажбур бўлади), бу эса

биз учун кўл келади»,— деди. Ана шу маслахатни амалга ошириб, Зиёд ва Бухорхудот лашкарлари оркада колдилар хамда (душман лашкарининг) баъзи кисмлари олдинга караб жўнаган пайтда орка кисмларига хужум килиб уруш бошладилар; лашкарлар йўл-йўлакай жанг килиб Навкандага якинлаб етдилар. Бухорхудот Зиёд ибн Солихга: «Бу кавм очикиб колган, улар бу йил узум ва ковун кўрганлари йўқ, еганлари хам йўқ, улар Навкандага етганларида ўз холларига кўяйлик, токи улар узум, ковунга овора бўлиб колсинлар ва олдинги кисмлари шахарга етиб олсин, ана шунда биз уларга хужум киламиз», -деди.

Шарик лашкари Навкандага етгач узум, ковун ва (бошка) мева кидириб таркалиб кетди; унинг олдинги кисми эса шахарга етган эди. Шу вакт Бухорхудот ва Зиёд уларга хужум килиб кўп кишини ўлдирдилар, колганлари кочиб кетишиди. Шу аснода у жамоани (ўз мазхабига) даъват килаётган Шарик ибн Шайх отидан йикилди ва ўлдирилди.

Зиёд ибн Солих хозирда «Масжиди Магок» деб аталадиган Моҳ дарвозасига — анхор лабига келиб тушди ва шахарга ўт кўйишга буюрди; шахар уч кеча-кундуз давомида ёнди. Зиёд: «Хар ким шахардан чикса унга омонлик берилади»,— деб жар чакиртирди; улар шахардан чиксинлар деб лашкарни шахардан узокрокка кўйган эди. Шарикнинг ўгли ва унинг лашкар бошликларидан бири шу кечаси шахар дарвозасига келган эдилар, хар иккаласини хам тутиб Зиёднинг олдига олиб бордилар ва унинг фармони билан икковини дорга осдилар. Шундан кейин шахар халки кўркиб колиб бу чакирикка ташкари чикмадилар.

Уч кундан кейин Зиёд шахар дарвозасига келиб Бухорхудотнинг Регистондаги хисор дарвозасида бўлган кўшкига тушди ва лашкарига шахар дарвозасига боришга буюрди. Яна уруш бошланиб, жанг килишар ва шундай такбир айтар эдиларки, ундан ер ларзага келар эди. Жанг каттик бўлди. Танилган машхур кишилардан бир канчаси шахардан чикдилар. Атторлар дарвозасида уруш бўлди ва шахар ахолисидан кўп киши ўлдирилди. Зиёднинг буйруги билан шахар ахолисидан кимники тутсалар шахар дарвозасида дорга оса бердилар ва нихоят шахарни олдилар.

Бухоро ишидан хотиржам бўлгач, Зиёд Самаркандга кетди. У ерда кўп урушлар килди ва яна Хуросон томонга кайтиб кетди. Яна худо билимдонрок.

---

## XXVII МУКАННАНИНГ ХУРУЖИ ВА УНИНГ ТОБЕЛАРИ ОК КИЙИМЛИКЛАР

Ахмад ибн Мухаммад ибн Насрнинг айтишича, Мухаммад ибн Жаъфар бу фаслни ўз китобида келтирган-у, лекин тўла баён этган эмас. «Ахбори Муканна» (номли китоб)нинг муаллифи Иброҳим ва Мухаммад ибн Жарир ат-Табарийларнипг айтишларича<sup>1</sup>, Муканна Марв атрофи ахолисидан, Коза деб аталган кишлокдан бўлиб, номи Хошим ибн Ҳаким эди. У илгари кудунггарлик килар эди, кейин эса илм ўрганишга машгул бўлди ва хар хил илмларни: кўзбўямачилик, сехр ва тилсим илмларини ўрганди. Кўзбўямачиликни яхши билиб олиб, пайгамбарлик даъвосини хам килди ва уни Маҳдий ибн Мансур хижратнинг бир юз олтмиш еттинчи йилида (5 август 783—23 июль 784) ўлдириди. Муканна кўзбўямачиликни ўрганган ва гоятда зийрак бўлиб кадимги (олимлар) илмларига оид кўп китобларни ўкиган ва жодугарликда устоз бўлган эди. Унинг отасининг номи Ҳаким бўлиб, у Абу Жаъфар Давонакий давридаги Хуросон амири лашкарбошиларидан бири эди, У Бадхдан чиккан эди.

Хошим ибн Хакимни Муканна дейишлариға сабаб шу әдики, у жуда хунук, боши кал ва бир кўзи кўр бўлганидан хамиша боши ва юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шу Муканна Аббосийлар даъватчиси Абу Муслим замонида Хурросон лашкарбошиларидан бири бўлиб, Абдулжаббор Аздийга<sup>4</sup> вазир бўлди ва пайгамбарлик даъвосини килди ва бир канча вакт шу даъвода турди. Абу Жаъфар Давонакий одам юбориб уни Марвдан Багдодга олдириб келди ва бир неча йил давомида зинданда тутди. Шундан кейин у зинданда кутулиб яна Марвга кайтиб келди ва одамларни йигиб: «Менинг ким эканимни биласизми?»—деб сўради. Одамлар: «Сен Хошим ибн Хакимсан»,— дедилар. У: «Янглишдингиз, мен сизнинг ва бутун оламнинг худосиман»,— оғзига тупрок.— ва яна: «Ўзимни кандай ном билан аташни истасам атайбераман»,— деди хамда; Мен халкка ўзимни Одам (ато) суратида, кейин Нух суратида, кейин Иброхим суратида, кейин Мусо суратида, сўнг Исо суратнда, кейин Мухаммад мустафо,— худо унга раҳмат ва саломини йўлласин,—суратида, кейин Абу Муслим суратида кўрсатган зотман, энди эса мана ўзингиз кўриб турган суратдаман»,— деди, Одамлар: «Бошкалар пайгамбарлик даъвосини килган эдилар, сен эса худолик даъвосини килаяпсан»,— дедилар. Муканна: «Улар нафсоний эдилар, мен эса рухонийман ва уларнинг (баданлари) ичиди эдим, менда шундай кудрат борки, ўзимни кандай суратда кўрсатишни истасам шундай суратда кўрсата бераман»,— деди.

Муканна хар бир вилоятга нома ёзиб, ўзининг доий (ташвикотчи) ларига берди. Номага мана шуларни ёзди: «Рахмли ва меҳрибон тангри номи билан, саййидлар саййиди Хошим ибн Хакимдан фалончи ўгли фалончига, хамд худога бўлсин, ундан бошка худо йўқ. У Одамнииг хам, Нух, Иброхим, Исо, Мусо, Мухаммад ва Абу Муслимларнинг хам худосидир. Сўнгра (сўз шуки), кудрат. эгалик, иззат ва хужжат Муканнаникидир; менга имон келтиринг ва билингки, подшохлик менга хос,— унга лаънатлар бўлсин,— азизлик ва худолик менини, мендан бошка худо йўқ,— оғзига тупрок —кимки менга имон келтирса, жаннат ўшанини, кимки менга имон келтирмаса дўзах уники».

У хали Марвда турган вактидаёк хар ерга доийларини юборди ва кўп халкни йўлдан оздирди. Марвда арабладан Абдуллоҳ ибн Амин номли бир киши бор эди, у Муканнага имон келтирди ва кизини унга хотинликка берди. Ана шу Абдуллоҳ Жайхундан ўтиб Нахшаб ва Кеш шахарларига келди ва хар ерда халкни лаънати Муканна динига чакириб, кўп кишини йўлдан оздирди. (Бундайлар) Кеш шахарида ва унинг кишлокларида кўпроқ эди. Дастлаб Муканна динига кирган ва унинг динини юзага чикарган кишлок Кешнинг Субах номли кишлоги бўлиб, кишлок ахолисининг улуг кишиси Умар Субахий эди. Улар кўзголон кўтардилар. Уларнинг амири араблардан бўлиб, порсо бир киши эди, уни ўлдирдилар. Сўгднинг кўпчилик кишлоклари Муканна динига кирди, Бухоро кишлокларидан кўп кишилар коғир бўлиб, коғирликни ошкор килдилар. Нихоят бу фитна улгайиб кетди ва мусулмонлар учун каттиқ бало бўлди; (муканначилар) карвонларни уриб кишлокларни талар ва кўп вайронгарчиликлар килар эдилар. Муканнанинг Мовароуннахрга бориш сабаби бундай эди: Муканна воеаси хабари Хурросонга ёйилгач, Хурросон амири бўлган Хумайд ибн Каҳтаба уни тутишга буюрди. Муканна эса ўз кишлогидан кочиб, беркиниб юрар эди. Охири Муканнага Мовароуннахр вилоятида кўп халк унинг динига киргани ва шу диннинг таркалгани маълум бўлди ва у Жайхундан ўтишга касд килди. Хурросон амири: «Жайхун дарёси лабида уни сокчилар пойлаб турсинлар»,— деб буюрган эди; Муканна Жайхун дарёсидан ўтмокчи бўлса уни тутиб олиш учун юзта отлик аскар Жайхун киргогида юкори ва куйи томон хамиша юриб

турдилар. Муканна ўттиз олти киши билан Жайхун дарёси лабига келиб сол тайёрлаб Жайхундан ўтди ва Кеш вилоятига борди. У вилоят Муканнага бўйсунди ва халк унга рагбат килди. (Шу вилоятдаги) Сом тоги тепасида гоятда мустахкам бир хисор бўлиб, унда окар сув, дарахтлар ва экин ерлар бор эди. Бу хисор (ичида) ундан хам мустахкамрок яна бир хисор бор эди. Муканна уни тузатишга буюорди ва уни тузатдилар. Муканна у ерга кўп мол ва бехисоб озик-овкат йигди. Сокчилар тайинлади. Ок кийимликлар кўпайишиб кетдилар ва мусулмонлар уларга карши тадбир кўллашдан ожиз колдилар. Бу овоза Багдодга бориб етди; ўша вактда Махдий халифа эди, у жуда кайгуриб, Муканнага карши курашиш учун кўп лашкар юборди ва охири бу фитнани даф килиш максадида ўзи хам Нишопурга келди. Махдий ислом дини хароб бўлиб Муканна дини бутун дунёга таркалиши хавфидан кўркар эди.

Муканна туркларни чакирди хамда мусулмонларнинг кони ва молини улар учун халол килиб (хукм чикарди). Туркистондан тлончилик тамасида кўп лашкар келди. Улар вилоятларни талар, мусулмонларнинг хотин ва болаларини асир килиб олар, ўлдирап эдилар. Улар дастлаб Бухорода пайдо бўлдилар.

Муканнанинг хаммаслаклари бўлган ок кийимликлардан бир гурухи Нумижкат деб аталган бир кишлокка бордилар ва кечаси масжидга кириб муаззинни ўн беш киши билан биргаликда ўлдиридилар; бутун кишлок ахолисини хам ўлдиридилар. Бу воеа бир юз эллик тўккизинчи йилда (31 октябрь 775—18 октябрь 776) содир бўлди. (Бу вактда) Бухоро амири Хусайн ибн Маоз эди.

Муканна тоифасининг катталаридан бухоролик Хаким (ибн) Ахмад номли бир киши бўлиб. у билан бирга яна учта лашкарбоши бор эди. Улардан бирининг номи Хашвий, иккинчисиники Богий бўлиб, бу иккови Фузайл кўшкидан эдилар. Учинчисининг номи — Гирдак; у Гиждувон кишлогидан эди. Буларнинг хар уччаласи хам жанговар кишилар бўлиб айёр, боскинчи ва ўгри эдилар. Уларнинг кишлок ахолисини ўлдирганлиги хабари шахарга етгач, Бухоро ахолиси жам бўлдилар ва амирнинг олдига бориб: «Бу ок кийимликлар билаи албатта жанг килишимиз керак»,— дедилар. Бир юз эллик тўккизинчи йил ражаб ойида (апрель—май 776) Хусайн ибн Маоз ўз лашкари билан ва Бухоро козиси Омир ибн Умар ибн Имрон Бухоро ахолиси билан чикиб Наршах кишлогига бордилар,— хозир бу кишлокни Наржак дейдилар,—ва ок кийимликлар каршисида лашкаргоҳ туздилар.

Шунда Бухоро козиси: «Биз уларни хак динга чакирамиз, улар билан урушиш биз учун муносиб эмас».— деди. Кейин кози яхши тадбиркор одамлар билан бирга уларни хак динга чакириш учун кишлокка кирди. Ок кийимликлар: «Биз бу сиз айтиётган нарсаларни билмаймиз»,— деб кундан-кунга кофириклиарини кучайтирдилар ва насихатни кабул килмадилар. Шундан кейин жанг бошланиб кетди. Биринчи бўлиб ок кийимликларга хамла килган киши араблардан Наим ибн Сахл номли киши эди. У кўп урушлар килиб бир канча кишини ўлдириди ва охир ўзи хам ўлдирилди. Ок кийимликлар енгилдилар, улардан етти юз киши ўлдирилди ва колганлари кочдилар. Шу билан ўша кун тамом бўлди.

Эртасига тонг отгач, ок кийимликлар элчи юбориб мусулмонлардан омон сўрадилар ва: «Биз мусулмон бўлдик»,— дедилар. Мусулмонлар улар билан сулх тузиб, сулхнома ёздилар ва уларга бундан буён йўлкесарлик килмаслик, мусулмонларни ўлдирмаслик, ўз кишлокларига таркалиш, ўз амирларига бўйсуниш шартларини кўйиб худо ва пайгамбар ахдини уларга махкам юкладилар. Шахарнинг хамма катталари сулхномага кўл кўйдилар. Мусулмонлар кайтиб кетгач, улар ахдларидан кайтиб яна йўлкесарлик билан машгул

бўлдилар. Улар мусулмонларни ўлдирлр ва эндиғина бош тортган кўк экин (дон)ларни Наршах хисорига олиб кетар эдилар. Мусулмонларнинг иши кийинлашди. Халифа Маҳдий ўз вазири Жабраил ибн Яхъёни Муқаннага карши урушга юборди. У Бухорога келиб Муқаннага карши жангга юриш учун Дарвозай Самаркандда лашкаргоҳ курди. Хусайн ибн Маоз унинг олдига бориб: «Сен (аввал) ок кийимликларга карши урушда менга ёрдам бер, бу ишдан бўшагач, биз сен билан бирга Муқаннанинг (ўзига) карши урушга борамиз»,— деди,

Жабраил бу таклифни кабул этди-да, лашкарини оёкка тургизиб Наршах кишлогига борди, кишлок атрофига хандак казишга буюриб, хандак ичини лашкаргоҳ килди; ок кийимликлар кечаси чикиб хужум килиб колмасинлар деб лашкарига хушёр бўлиб туришга буйруқ берди. Худди у айтгандек бўлиб чикди; ок кийимликлар дастлабки кечадаёқ кишлокдан чикиб хужум килиб кўп вайронлик келтирдилар. Бухоро амири Хусайн ибн Маоз Жабраилга кўп меҳрибонлик кўрсатиб, ундан то бу иш тамом бўлгунича Кешга кетмай Бухорода бўлишини сўради.

Жабраил урушни бошлаб юборди. Тўрт ой мобайнида эртаю кеч узлуксиз урушдилар, ок кийимликлар галаба козонмаган бир кун хам бўлмади. Мусулмонлар чorasиз колиб тадбир излашга тушдилар. Молик ибн Форим: «Мен бир тадбир кўрсатаман»,— деди-да, лашкаргоҳдан то хисор деворигача арик кавлашга буюрди ва у ерга куролли кишиларни юбориб канча жой кавласалар уни чўп, камиш ва тупрок билан мустахкамлаб беркитиб боришга буюрди. (Шу тарзда) хисор девори тагигача казиб етдилар ва (хисор девори тагини) эллик газ микдорида кавлаб устунлар кўйиб маҳкамладилар. Эллик газ жой кавланиб бўлгач, уни ўтин билан тўлгизиб нефть сепдилар-да, у устунлар ёниб кўргон девори йикилсин деб ўт кўйиб юбордилар. Аммо олов ёнмади, чунки олов ёниши учун унга шамол тегиши керак. Хисор девори тагигача казиб етдилар ва (хисор деворининг эллик газча жойи йикилди.

Мусулмонлар киличбозликка киришиб кўп кишини ўлдирдилар, колганлар омонлик тилаб, илгариги аҳдномага мувофик мусулмонларни ранжитмаслик, ўз кишлокларига кайтиб кетиш, ўз улугларини халифа олдига юборилишига (рози бўлиш) ва ўзлари билан, бирга курол-ярог олиб юрмаслик шартлари билан сулх туздилар ва (кишлокдан) ташкари чикиб хандакдан ўтдилар. (Аммо) улар яширин суратда куролга эга эдилар. Ок кийимликларнинг каттаси бўлган Ҳакимни Жабраил ўз ўгли Аббосга топшириб: «Буни олиб бориб саропардага кўй ва яширин равишда ўлдир»,— деди. Унинг амрига мувофик иш килиб Ҳакимни саропардага олиб бордилар. Ок кийимликлар узокдан (караб) турган эдилар. Жабраил саропардага борган эди, ок кийимликлар Ҳакимнинг дўсти бўлган Ҳашвийни юбориб у оркали Жабраилга: «Биз Ҳакимни олмасдан кетмаймиз»,— дедилар. Ҳашвий янги этик кийган эди. У Жабраилга шу сўзларни айтиб турган эдики, Жабраилнинг ўгли Аббос келиб: «Ҳакимни ўлдирдим»,— деди. Жабраилнинг буйруги билан дархол Ҳашвийни отдан тушириб ўлдирдилар. Ок кийимликлар кичкиришиб куролларини кўлга олдилар ва жанг бошланиб кетди. Жабраил бутун лашкарини отга минишга буюрди. Илгаригидан кучлирок уруш бўлди. Каттик жанглар килдилар ва охири ок кийимликлар яна енгилиб, улардан кўп халқ ўлдирилди, тирик колганлара кочдилар. Наршах кишлогининг хукмдори бир хотин киши эди, унинг эрининг номи Шараф бўлиб Абу Муслимнинг лашкарбошиси бўлган ва мархум Абу Муслим уни ўлдирган эди. Бу

хотинни Жабраилнинг олдига олиб келдилар, у билан амакисининг бир кўр ўгли бирга келди, у багоят палид ва бадкор эди. Жабраил у хотинга: «Абу Муслимнинг гунохидан кеч!»—деди. Хотин: «Абу Муслим деб мусулмонларнинг отасига айтилади, менинг эримни ўлдиргандан кейин у мусулмонларнинг отаси бўладими?!»—деди. Жабраилнинг буйруги билан хотинни белидан икки бўлиб ташладилар ва амакисининг ўглини хам ўлдирдилар (Хакимиинг лашкар бошликларидан бири бўлган) Гирдак Муканнанинг олдига кетди.

Улардан бири — Богий эса урушда ўлдирилди. Жабраил Сўгд ок кийимликларнинг дилларига кўркинч солиш учун ўлдирилган (бошлик)лар калласини Сўгдга олиб борди. Сўгд ахолисига Муканнанинг лашкар бошликларидан Сўгдиён номли бир киши амир бўлган эди; Сўгд ахолиси у билан иттифок бўлдилар. Жабраил Сўгд ахолиси билан кўп урушди ва охири Бухоро ахолисидан бир киши Сўгдиённи ўлдирди ва бу кавм таркалиб кетди.

Жабраил у ердан Самаркандга борди ва то Маоз ибн Муслим Хуросонга амир бўлгунига кадарб турклар ва ок кийимликлар билан кўп урушлар килди.

(Маоз ибн Муслим) бир юз олтмиш биринчи йилда (9 октябрь 777—27 сентябрь 778) Марвга келди ва бу ердан иш бошлаб Омуй биёбонига кириб кетди. Бухорога етганида Бухоро ахолиси (орасидаги) дехконлар жангчи кишиларни йигдилар; беш юз етмиш минг киши йигилди. Маоз ибн Муслимнинг фармони билан уруш куролларини кўплаб тайёрладилар; у хунармандларнинг лашкар ичида иш берадпган хар бир жинсидан уч минг ишчи кишини тешалар, беллар, тўкмок ва болталар билан таъминлаб мухайё килиб кўйди; палакмонлар, нарвонлар ва девор тешадиган куроллар ишлатди ва энг яхши куроллантирилган лашкар билан Сўгдга караб юзланди.

Сўгдда ок кийимликлар кўп эдилар, турк лашкари хам кўп келган эди. Харийнинг<sup>7</sup> амири Харийдан ўн мингта кўй олиб келган эди, ўзи билан бирга олиб юрди. Маоз ибн Муслим унга: «Душманимиз турклар бу ерда бизга якин жойда туриптилар, улар кўйни жуда яхши кўрадилар, бу кўйларни Бухорода колдир ёки менга сот, мен уларни лашкарга таксим килиб берайин!»—деса у рози бўлмади. Турк аскарларидан бир тўдаси чикиб хужум килдилар-да, хамма кўйларни Арбинжон билан Зармон<sup>8</sup> ўртасидаги бир манзилга олиб кетдилар. Турклар кетидан лашкар борган эди уларнинг хам баъзиларини ўлдирдилар, баъзилари эса маглубиятга учраб кайтиб келдилар.

Маоз ибн Муслим Сўгд ва Самаркандга бориб турклар хамда ок кийимликлар билан икки йилгача кўп урушлар килди, gox у ва gox душман галаба козонар эди. Икки йилдан кейин у Хуросон амирлигидан истеъро берди ва Мусайяб ибн Зухайр ал-Забий Марвда бир юз олтмиш учинчи йил жумод ал-аввал ойида (январ—феврал 780) Хуросонга амир бўлди ва ражаб ойида (март—апрел 780) Бухорога келди. Шу вакт Бухоро амири Жунайд ибн Холид эди, уни Хуросон амири Хоразмга юборди.

Бухорода Муканна саркардаларидан, бўлган Кулортегин номли бир саркарда бор эди, у лашкар ва мулоzимлар тузиб Мусайяб билан урушлар килди.

Хикоят: Мухаммад ибн Жаъфарнинг ривоят килишича, Муканна лашкаридан моварауннахрликлар, турклар ва бошкалардан иборат эллик мингги унинг хисори дарвозасига йигилиб, сажда ва зорий килиб ундан дийдор кўрсатишни сўрадилар. Хеч бир жавоб ололмагач, яна сўрашда давом этиб: «Ўз эгамизнинг дийдоринн кўрмас эканмиз, бу ердан кайтиб кетмаймиз»,— дедилар. Муканнанинг Хожиб номли бир кули бор эди, Муканна унга: «Бандаларимга,—оғзига тупрок,—айт, Мусо мендан дийдор кўрсатишни сўради, токат килолмаслиги сабабли кўрсатмадим. Мени кўрган хар бир

киши токат килолмай дархол ўлади»,— деди. Улар ялиниб-ёлвориб яна сўрайбердилар ва: «Биз дийдор истаймиз, агар ўлсак, бу айни муддао»,— дедилар. Муканна: «Фалон куни келинг сизга дийдор кўрсатаман»,— деб ваъда берди.

Шундан кейин Муканна хисорда ўзи билан турадиган хотинларга буюрди, улар Сўгд, Кеш ва Нахшаб дехконларининг кизларидан иборат бўлиб, юзта хотин эдилар. Муканнанинг шундай одати бор эди: каерда хушрўй хотин бўлса унга хабар берар эдилар ва Муканна уни олдириб келиб ўзи билан бирга саклар эдн, Хисорда у билан бирга шу хотинлар ва ўша хос кулдан бошка хеч ким бўлмас эди. Хисордагиларнинг озик-овкат каби эҳтиёжлари бўлса, хар куни бир марта хисор дарвозаси очилар, ташкари томонда эса бир вакил бўлиб, у керакли нарсаларии тайёрлар, халиги кул вакилни чакириб у нарсаларни хисор ичкарисига олиб киргач, яна хисор дарвозасини беркитар ва то иккинчи кунгача Муканнанинг хунук юзини хеч ким кўрмас эди. Чунки у юзига кўк парда тутиб юрар эди. Шундай килиб, у ўша хотинларнинг хар бирига ойна олиб хисорнинг тепасига чикиб бир-бирининг рўбарўсида туришга ва куёш нури ерга тушган пайтда барча ойналарни кўлга олиб бетафовут бир-бирига рўбарў килиб тутишга буюрди. Халк тўпланган эди. Куёш нури ойналарга тушгач, унинг акси билан ўша жой нурга тўлиб кетди. Шу вакт Муканна кулига: «Ана каранг! Худо ўз юзини кўрсатяпти деб бандаларимга айт»,— деди. Тўпланган халк караб, бутун жаҳоннинг нурга тўлганини кўриб кўркдилар ва хаммалари бирдан сажда килиб: «Эй худо! Кудратинг ва улуглигингни шунчалик кўрганимиз етади, бундан кўпроқ кўрсак юрагимиз ёрилади»,— дедилар. Улар хануз саждада эканлар, Муканна яна кулига: «Саждадан бошларингизни кўтаринг! Худо сиздан рози ва гунохларингизни кечди деб умматларимга айт»—деди. У жамоа кўрккан ва вахимага тўлган холда бошларини саждадан кўтардилар. Шу вакт Муканна: «Хамма вилоятларни сизлар учун халол килдим. Кимки менга имон келтирмаса унинг кони, моли ва фарзандлари сиз учун халол»,— оғзига тупрок,— деди. Шундан кейин у жамоа талончиликка юз ўгириди. Бу жамоа бошкалар олдида фаҳрланиб: «Биз худони кўрдик»,— дер эди.

Муканнанинг халок бўлиш сабаби. Хирот амири бўлган Саъид кўп лашкар билан Муканна хисорининг дарвозасига келиб кўнди<sup>9</sup>, уйлар ва хаммоллар куриб ёзин-кишин шу ерда бўлдилар.

Хисорнинг ичиди чашма, дарахтлар ва экинзорлар бор эда. Муканнанинг хос кишилари ва сипохи солорлар кучли лашкар билан хисор ичиди эдилар. Хисор ичкарисида, тог тепасида яна бошка бир хисор бўлиб, у хисорга хеч кимга йўл йўқ эди. Муканна ўша хотинлар билан (шу) хисорда турар эди.

Унинг одати шундай эдики, хар куни ўша хотинлар билан бирга овкатлаиар ва улар билан шароб мажлисига ўтириб шароб ичар эди. Шу тартибда у ўн тўрт йил хаёт кечирди. (Охири) Хирот амири унинг ишини оғирлаштириб, лашкарлари таркалиб кетди, хисорда бўлган сипохи солор эса хисор дарвозасини очди ва бўйсуниб ташкари чикди; ислом динини кабул этди. Мусулмонлар хисорни олдилар. Муканна ички хисорни саклаб кололмаслигини тушунди.

Мухаммад ибн Жаъфарнинг Кеш дехконларидан бўлган Абу Али Мухаммад ибн Хорундан ривоят килишича, Абу Али шундай деган: «Менинг бувим Муканнанинг ўзи учун олиб келиб хисорда саклаб турган хотинлари жумласидан бўлган экан. У шундай хикоя килар эди: «Бир куни Муканна хотинларни ўз одати бўйича овкат ейишга ва шароб ичишга ўтиргизиб, шароб ичига захар солдида, хар бир хотин учун биттадан хос кадах

туткизиб айтди: «Мен ўз кадаҳимдаги шаробни ичганимда сизлар хам кадаҳларингизни бутунлай бўшатишиңгиз лозим». Хамма хотинлар ичдилар, мен эса ичмасдан шаробни кўйлагим ёкасига тўқдим, Муқанна буни пайкамади. Хамма хотинлар (хушсиз) йикилиб ўлдилар; мен хам ўзимни уларнинг орасига ташлаб ўлганга солиб ётдим. Муқанна менинг холимдан бехабар эди. Кейин Муқанна ўрнидан туриб караб, хамма хотинларнинг ўлиб ётганини кўрди-да, ўз кулининг олдига борди ва килич билан унинг калласини кесди. Муқаннанинг фармони билан уч кундан бери тандир кизитаётган эдилар. Муқанна ўша тандир олдига бориб кийимини ечди ва ўзини тандирга отди. Тандирдан бир тутун чиқди. Мен у тандир олдига бориб унинг вужудидан хеч асар кўрмадим. Хисорда бирор тирик киши йўқ эди.

Унинг ўзини ўзи куйдиришига сабаб шу эдики, у хамиша: «Качон бандаларим менга бўйсунмасалар мен осмонга чикиб у ердағ фаришталарни олиб келаман ва уларни бўйсундираман»,— деб эди. Халк: «Муқанна фаришталарни олиб келиб бизга осмондан ёрдам бериш учун осмонга чикиб кетди; унинг дини дунёда (абадий) колади»,— десин деб Муқанна ўзини ўзи куйдирди. Кейин у хотин хисор дарвозасини очди ва Саъид Хараший кириб у ердаги хазинани олди».

Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср шундай дейди: «Бу кавмдаа Кеш ва Нахшаб вилоятида, Кўшки Умар, Кўшки Хиштивон ва Зармон кишлоги каби Бухоро кишлокларида хозирда хам сакланиб келмоқда. Улар ўзлари Муқаннанинг ким эканлигидан бутунлай хабарсиз бўлсалар хам унинг ўша динидалар. Уларнинг тутган йўллари шуки намоз ўқимайдилар, рўза тутмайдилар ва жунуб бўлганларида гусил килмайдилар, лекин омонатга хиёнат килмайдилар. Бу одатларининг хаммасини мусулмонлардан яширин тутадилар ва мусулмонлик даъво киладилар.

(Яна) айтадиларки улар: «Хотин худди гулга ўхшайди, уни ким хидласа хам (барибир) камайиб колмайди»,— деб хотинларини бир-бировларига халол хисоблайдилар. Бирор киши бирор хотиннинг олдига хилватга кирганида уй эшигида белги колдиради; у хотиннинг эри келиб колгудек бўлса хотини уйда бошка киши билан бирга эканлигини билиб кайтиб кетади ва у киши хилват ишидан фориг бўлгандан кейингина ўз уйига киради.

Хар бир кишлокда уларнинг раислари бўлади ва хаммалари унинг фармонига бўйсунадилар.

Хикоят. Айтишларича, уларда хар бир кишлокда биттадан '(тайинлаб кўйилган) киши бўлиб, шу кишлокда кимки кизга уй-ланмокчи бўлса кизнинг бакоратини аввал ўша киши кетказди, шундан кейингина кизни эрига топширадилар. Ахмад ибн Мухаммад ибн Наср шундай дейди: «Мен кишлок кексаларидан шун-дай улуг неъмал-ни у бир кишига бериб кўйиб бошкалар ўзларинн ундан маҳрум килишларида кандай маъни бор?»— деб сўрага-нимда кексалар: «Уларнинг одатлари шуки, балогатга етган хар бир йигит то бир хотинга уйлангунича ўша одам билан ўз эҳтиё-жини кондириб юради ва бунинг эвазига у йигит ўз хотинининг аввалги кечасини ўша одамга беради. У одам кексайиб колгани-да эса унинг ўрнига бошка бирини тайинлайдилар. Бу кишлокнинг эркаклари хамиша ўша одам билан шу муомалани килади-лар. Шу иш билан шугулланувчи кишини «такона» деб атайди-лар»,— деб жавоб бердилар. Лекин мен бу холнинг хаккатидан вокиф бўлолмадим. Бу хикояни кишлокнинг кексаларидан ва (му-канначилар)нинг кишлокларида яшовчи жамоатдан эшитдим. Худоё, бизни бундан саклагин!

## XXVIII СОМОНИЙЛАР ХУКМДОРЛИКНИНГ БОШЛАНИШИ

Сомонхудотнинг бир ўгил кўрганлиги ва Асад ибн Абдуллоҳ Кушайрийни дўст тутганидан, ўглига Асад деб ном берганлиги хякида юкорида айтиб ўтилган эди. Асаднинг тўрт ўгли бор эди: Нух, Ахмад, Яхё ва Илёс.

Рофе ибн Лайс Хорун ар-Рашидга карши хуруж килиб Самаркандни олганида Хорун ар-Рашид Харсама ибн Аъянини Рофе ибн Лайсга карши урушга юборди. Рофе Самаркандни хисор килди ва Харсама уни кўлга олишдан ожиз колди. Бу ходиса сабаб ли Маъмун Хорун ар-Рашид билан бирга Хурросонга келган ва Хоруннинг дили шу иш билан гоят даражада машгул эди. Маъмун Асаднинг ўгилларига хат ёзиб, уларга Рофе билан урушда Харсамага ёрдам беришни буюрди. Асад ўгилларининг даъватига кўра Рофе Харсама билан сулх тузди ва улар ўртасида куда-андалик вужудга келиб, Хорун бу ишдан хотиржам бўлди. Рофенинг буткул Хурросонни олиб кўйиш хавфи бор эди, (шунинг учун) бу сулхнинг тузилиши Маъмун учун жуда ёкиб тушди.

Хорун мана шу сафар вактида Тусда вафот этди. Маъмун халифаликка ўтиргач3, Гассон ибн Уббод Хурросонга амир бўлди. Маъмун унга Асад ибн Сомонхудотнинг ўгилларига Хурросоннинг айрим шахарлари хукмронлигини беришни буюрди: Гассон ибн Уббод уларнинг хар бирига ўша килган яхшиликлари эвазига биттадан эътиборли шахарни берди: Нух ибн Асадни Самаркандга, Ахмад, ибн Асадни Марвга амир килиб тайинлади. Бу (вокеа) икки юз иккинчи йилда (20 июль 817—9 июль 818) бўлган эди. Гассон Хурросон амирлигидан бекор этилиб4 Тохир ибн Хусайн Хурросон амири бўлганда5 хам Тохир у вилоятларни Асаднинг ўгиллари кўлида колдирди ва уларнинг энг каттаси бўлган Нух ибн Асадга сарпо кийгизди. Нух ибн Асад то дунёдан ўтгунигача Самаркандда бўлди ва биродари Ахмад ибн Асадни (ўз ўрнига) халифа килди. Ахмад ибн Асад олим ва порсо бир киши эди, у то вафот этгунигачаб Самаркандда бўлди ва (вафоти вактида) ўгли Наср ибн Ахмад ибн Асадни ўз ўрнига халифа килди. У отасининг ўрнига ўтиргач, икки юз эллик биринчи йили рамазон ойининг бошида (29 сентябрь 865) шанба куни унинг номига халифа Восик биллоҳдан Мовароуннахрнинг амирлиги унга берилганлиги тўгрисида фармон келди.

---

## XXIX АМИРИ МОЗИЙ АБУ ИБРОХИМ ИСМОИЛ ИБН АХМАД АС-СОМОНИЙ ХУКМРОНЛИГИНИНГ БОШЛАНИШИ

У сомонийлар сулоласи султонларининг аввалгиси бўлиб, хакикатан хам подшохликка лойик ва хакли эди. У аклли, адолатли, шафкатли, фикр ва тадбир эгаси бир киши эди; хамиша халифаларга итоат изхор килар ва уларга тобе бўлишни зарур ва лозим биларди. У икки юз саксон еттинчи йили раби ал-охир ойининг (апрель, 900) ўртасида шанба куни Амр ибн Лайсни Балхда асир этиб мамлакатга эга бўлди ва саккиз йил подшохлик килди. Икки юз тўксон бешинчи йили (12 октябрь 907—29 сентябрь 908) Бухорода худонинг раҳматига етишди. Худо уни раҳмат килиб гуноҳларини кечирсин. Амири мозий икки юз ўттиз тўртинчи йил шаввол ойида (апрель—май 849) Фарғонада тугилди, ўн тўрт ёшга етганида отаси вафот этди. Катта акаси амир Наср уни жуда улуг

тутар, у хам амир Насрнинг хизматини килар эди.

Хусайн ибн Тохир ат-Тоий икки юз олтмишинчи йили раби ал-охир ойида (январ—февраль 874) Хоразмдан Бухорога келганида у билан бухороликлар ўртасида урушлар бўлиб, беш кундан кейин у шахарни олди, бухороликларни шахар ва кишлокда туришдан ман килди ва кўп кишини ўлдирди; хоразмликларга боскинчилик килишга рухсат берди. Улар бухороликларнинг нарсаларини мусодара килар, кечаси зўрлик билан уйларига бостириб киришар, оғир жиноятлар килиб мол олар эдилар. Бухоро ахолиси Хусайн ибн Тохирга карши урушга чиқди, кўп киши ўлдирилди ва шахарнинг учдан бир кисми куйди. Урушда шахар ахолисининг кўли баланд келгач, Хусайн ибн Тохир жарчи кўйиб ахолига омонлик эълон килди. Жам бўлиб урушга тайёр турган халк омонлик хабарини эшитиб таркалди; баъзилар кишлокка кетдилар. Хусайн ибн Тохир халк таркалиб кетганини билиб килични ишга солди ва кўп кишини ўлдирди, Халк яна (унга карши) кўзголди ва Хусайн ибн Тохир енгилди. Кун бўйи уруш килдилар, кеч бўлгач Хусайн кўшкнинг дарвозасини маҳкам беркитди. Халк уни ушлаб олиш учун кўшк дарвозасини кўриклаб турар эди. Хусайн ибн Тохир Бухоро хирожини тамом олган, унинг хаммаси гидрифий дирам бўлиб сарой ўртасига тўкиб кўйилган эди. Хусайн ибн Тохир бу гидрифийларни кумушга алмаштириб олмокчи эди-ю, бунга вакт топа олмади ва ўша кечаси деворни тёшиб ўзннинг якин кишилари билан оч ва ялангоч холда кочиб кетди; у гидрифий дирамлар (саройда) кола берди. Одамлар бундан хабардор бўлиб саройга кирдилар ва у пулларни таладилар. Кўп кишилар ўша молдан шундай бой бўлиб кетдиларки, бойлик асари улларнинг авлодларига хам колди. Шахарда: «Фалончи Хусайн ибн Тохир саройининг бойи»,— дейишар эди.

Шундай килиб, Хусайн ибн Тохир кочди, ундан кейин хам Бухоро ахолиси бошида бошка хар хил можаролар ва хар кимлар билан урушлар кўп вое бўлди. Бухоронинг ахли илм ва яхши кишилари мархум Хожа Абу хафс Кабирнинг ўгли Абу Абдуллоҳ ал-Факихнинг хузурига йигилдилар. У жасоратли киши эди. Бухоро ишлари бўйича у билан маслаҳат килдилар. Хурсонда бирор амир йўқ эди. Яъкуб ибн Лайс зўрлик билан Хурсонни олган ва Бухорода Рофе ибн Харсама у билан урушаётган эди. Хурсонда хам нотинчлик бўлиб, Бухоро бу тўполонлардан хароб бўлаетган эди. Шундай килиб, Хожа Абу хафснинг ўгли Абу Абдуллоҳ Самаркандга Наср ибн Ахмад ибн Асад ас-Сомонийга— у Самарканд ва Фарғонанинг амири эди — хат ёзди ва ундан Бухорога амир юборишини сўради. Наср ибн Ахмад ўз биродари Исмоил ибн Ахмадни Бухорога юборди. Амир Исмоил Карминага етгач, бир неча кун у ерда туриб, Бухорога, Бухоро амири Хусайн ибн Мухаммад ал-Хаворижийга элчи юборди. Унинг элчиси бир неча марта бориб-келиб турди ва охири амир Исмоил Бухорога амир, Хусайн ибн Мухаммад ал-Хаворижийнинг эса унга халифа бўлишига карор килинди. Хусайн Хаворижийнинг лашкари бу карорга бўйсунди. Амир Исмоил Хаворижийни ўзига халифа тайин килганлиги хакида фармон билан байрок ва сарпо юборди. Хаворижийни шу байрок ва сарпо билан Бухоро шахрида айлантиридилар. Бухоро ахолиси шодлик кўрсатди. Ўша куни сешанба куни эди, жума куни хутбани Наср ибн Ахмад номига ўқидилар ва Яъкуб ибн Лайс номини хутбадан туширдилар. Бу вое амир Исмоилнинг Бухорога киришидан олдин бўлиб, ўша жума куни икки юз олтмишинчи йил муборак рамазон ойининг биринчи жумаси (23 июль 874) эди. Абу хафс Кабирнинг ўгли,— худо уларни раҳмат килсин,— унинг истикболига чиқди. Бухоронинг араб ва бошкалардан иборат улуг одамлари у билан бирга Карминагача бордилар. Абу Абдуллоҳ буйруги билан шахарни ясатдилар.

Амир Исмоил Бухорога келганидан пушаймон эди. Чунки унинг лашкари оз, Бухорода эса

тўполон ва гавго кўтарилиган эди; ўзига нисбатан буҳороликлар дилдан кандай муносабатда экани унга маълум эмас эди. Абу Абдуллоҳ ибн Ҳожа Абу Ҳафс (истикбол учун Буҳородан) чикиб Карминага келгач, амир И smoilning дилини кувват топди; Абу Абдуллоҳ хар нима килса ҳам шахар ахолиси уни кайтара олмаслигини билиб, ўз карорини катъий килди. Абу Абдуллоҳ унга кўп мадхлар айтиб дилини кувватлантириди. Амир И smoil Буҳорога олиб келгач, уни улуглаб, хурмат кўрсатдилар, шахар ахолиси (Абу Абдуллоҳнинг) буйруги билан унинг устидан кўп тилла ва кумуш сочдилар. Амир И smoil Ҳусайн ал-Ҳавориҷийни тутиб зинданга юборди ва худойи таолонинг кудрати билан у гавго тинчиди.

---

### **XXX АМИР ИСМОИЛНИНГ БУХОРОГА КИРИШИ**

(Бу воеа) икки юз олтмишинчи йил муборак рамазон ойининг ўн иккинчиси (1 июль, 874) душанба кунида содир бўлди ва шу сабабли шахар тинчиди, Буҳоро ахолиси кийинчиликдан кутулиб роҳатга етишди.

Шу йили Мовароуннахрнинг Жайхун дарёсидан тортиб то Машриқ шахарларининг энг йирогигача бўлган барча ерлар хукмронлиги амир Наср ибн Ахмадга берилганлиги хакида халифа Муваффак биллоҳдан фармон келтирдилар ва Буҳорода хутбани амир Наср ибн Ахмад ва амир И smoil номига ўқидилар. Яъкуб иби Лайс Саффорнинг номи хутбадан туширилди. Амир И smoil бир муддат Буҳорода турди ва ундан кейин ўз биродарининг ўғли Абу Закариё Яхё ибн Ахмад ибн Асадни Буҳорога ўз ўрнига халифа килиб колдириб, амир Насрнинг буйругисиз Самаркандга борди. Рабинжонга етганида амир Наср бундан хабар топиб, унинг рухсатсиз келишини ёқтирмади ҳамда кутиб олишга буйруқ берса ҳам, ўзи истикболга чикмади ва хеч хурмат билдирмади. Унинг фармони бўйича амир И smoilни Самарканд хисорига тушириб. Самаркандинг сокчибошилик мансабини унга бердилар. Амир Наср унга аччик килганича юра берди. Амир И smoil унинг олдига саломга бориб турди, (ваҳоланки) у Буҳорога боришидан олдин бундай килмас эди. Мухаммад ибн Умарни унга халифа килиб тайинладилар. Амир И smoil саломга келиб бир канча вакт турага ва яна кайтиб кетар, амир Наср эса унга хеч бир- сўз сўзламас эди. Шу ахволда ўн уч ой ўтди. Охир у ўз амакисининг ўғли Нухни ва Абдулжаббор ибн Ҳамзани ўртага кўйди, (амир Наср) уни яна Буҳорога юбориб, Исмат ибн Мухаммад ал-Марвазийни унга вазир, Фазл ибн Ахмад ал-Марвазийни эса дабир<sup>1</sup> килиб тайинлади. Энди амир Наср Самаркандинг барча улуглари ва эътиборли кишилари билан бирга уни кузатишга чиқди. Шу аснода амир Наср Абдулжаббор ибн Ҳамзага караб: «Ё Абул-Фатх! Бу гўдакни (Буҳорога) юборяпмиз-у, лекин ундан нима (яхшилик) кўрмокчимиз?»—деди. Абдулжаббор: «Бундай дема, у сенинг кулинг, сен нима буюрсанг, шуни килади, ҳаргиз сенинг хилофингга иш тутмайди»,— деди. (Амир Наср) бунга жавобан: «Ҳакикатан ҳам шу менинг айтиётганимдек (бўлади)»,— деди.

Абдулжаббор: «Сен нимага асосан бундай хукм чикардинг?»—деб сўраган эди, Амир Наср: «Мен унинг кўзлари ва шакл-шамойилида хилофлик ва исён (аломатларини) кўраман»,— деб жавоб берди ва (Самаркандга) кайтди. Амир И smoil Буҳорога етгач, Буҳоро ахолиси унинг истикболига чикиб зўр иззат билан шахарга олиб кирди. (Шу вактларда) ўгрилардан бири бир тўда ҳалкни ўз атрофига тўплаган, кишлокнинг бебош ва безориларидан тўрт мингта одам жам бўлган эди. Улар хаммаси Ромтин билан

Баркад ўртасида йўлтўсарлик килар ва шахарга касд килишлари хавфи хам якин эди. Амир Исмоил ўзининг сокчибошиси Бухоро деворини курган ва (хозирда) «Кўйи Ало»— «Ало кўчаси» унинг номи билан аталадиган Хусайн ибн Алони у ўгриларга карши урушга юборди. Бухоро ахолисидан улуглар ва саркардалар унга ёр бўлдилар ва бориб уруш килиб ўгриларни маглуб этдилар. Хусайн ибн Ало ўгрилар устидан галаба козониб, уларнинг бошлигини тутиб ўлдирди ва унинг бошини олиб келди унга ёр бўлган бир гурух кишиларни хам тутиб олди. Амир Исмоил уларнинг (кўлларини) бoggab Самаркандга юборди.

Бу ишдан фориг бўлганларида Хусайн ибн Тохир яна Бухорога касд килиб икки минг киши билан Омуяга келганлнги хакида хабар килдилар. Амир Исмоил эплай олганича лашкар жам килиб урушга жўнади. Хусайн ибн Тохир икки минг хоразмликлар билан Жайхундан ўтди деган хабарни етказдилар. Амир Исмоил отга миниб унга карши чиқди. Каттиқ жанг килдилар. Хусайн ибн Тохир енгилди, унинг лашкаридан баъзиси ўлдирилди, баъзиси сувга гарк бўлди ва етмиш киши асир тушди. Бу амир (Исмоил) килган урушларнинг дастлабкиси эди. Эрталаб бўлгач, амир Исмоил асиirlарни чакириб хар бирига биттадан карбос чопон берди ва кайтариб юборди. Хусайн ибн Тохир Марвга караб кетди ва амир Исмоил Бухорога кайtdи. Шунда ўз хукмдорлиги ахволи хакида ўйлаб, ўзининг Бухоро саркардалари хузурида у кадар баланд хурмати йўклигини, улар кўзида салобатсиз эканлигини, уларнинг жам бўлишларидан ўзига бирон манфаат етмаслигини билди-да, мана шундай иш килишни тўгри топди: Бухоро саркардаларидан бир гурухини чакириб уларга: «Мен учун Самаркандга бориб, амир Наср хузурида менинг номимдан узр сўрашингиз лозим»,— деди. Улар «Эшитамиз ва бўйсунамиз»,— дедилар-да, бир неча кун рухсат беришини сўрадилар ва ундан кейин жўнаб кетдилар. У гурух амир Исмоилдан илгари Бухоро амирлари бўлиб келган эди. Абу Мухаммад Бухорхудот ўзи Бухоро подшохи эди, Абу Хотам Ясорий эса гоят даражада бой бўлиб, мол-мулкининг кўплиги сабабли (амир Исмоилга) бўйсунмас эди. Бухоро улуглари мана шу иккаласи билан биргаликда Самаркандга бордилар. Амир Исмоил амир Насрга хат ёзиб, ўзининг Бухоро подшохлигини ушлаб тура олиши учун у кишиларни тутиб зинданга юборишини сўраган эди. Амир Наср унинг айтганидек килиб, у гурухни то Бухоро ишлари тинчигунича бир канча вакт Самарканда ушлаб турди. Амир Исмоил яна амир Насрга хат ёзиб уларни талаб килиб олди ва шундан кейин улар бнлан яхши муомалада бўлиб, хожатларини раво этди ва хукукларини риоя килишни ўзига лозим билди.

(Амир) Наср ибн Ахмад амир Исмоилнинг гарданига хар йили Бухоро молидан беш юз минг дирамини юбориб туришнн вазифа килиб юклаган эди. (Пекин) шундан кейин амир Исмоил бир канча урушларда бўлди ва у мол харж бўлиб кетиб, юбора олмади. Амир Наср яна одамларини юбориб ўша молни талаб килди, амир Исмоил юбормади ва шу сабабдан ораларида нохушлик пайдо бўлди. Амир Наср лашкар йигди ва Фаргонага, ўз биродари Абу-л-Ашъасга хат ёзиб, уни кўп лашкар билан келишга ва яна бир хатни Шошга, бошка биродари Абу Юсуф Яъкуб ибн Ахмадга ёзиб, уни хам ўз лашкари билан келишга ва Исфижоб туркларини хам олиб келишга буюрди. (Шундай килиб) улар кўп лашкар йигдилар ва икки юз етмиш иккинчи йили ражаб ойида (декабрь 885—январь 886) Бухорога караб юрдилар. Амир Исмоил бундан хабар топгач, ўз биродарига хурмат юзасидан Бухорони бўшатиб Фарабга кетди, Амир Наср Бухорога келди ва амир Исмоилни учратмагач, Байкандга бориб, шу ерга кўнди. Байкандликлар уни кутиб олиб, устидан кўп олтин-кумуш сочдилар ва кўп тухфалар чикардилар. Амир Исмоил билан ўша

вактда Хурасон амири бўлиб турган Рофе ибн Харсама ўртасида дўстлик бор эди. Амир Исмоил унга хат ёзиб, ёрдам сўради, Рофе ўз лашкари билан келиб, Жайхун дарёси музлаган эди, муз устидан ўтди. Амир Наср Рофенинг келганидан хабар топиб, Бухорога кайтди. Амир Исмоил Рофе билан бориб Самаркандин олишга иттифок тузди. Бу хабар амир Насрга етгач, у тезлик билан Тавоисга бориб, йўлни тўсди. Амир Исмоил ва Рофе чўл йўли билан кетдилар. Бухоронинг хамма кишлоклари амир Насрнинг тасарруфида эди. Улар чўлда ва наозик-овкат ва на ем-ҳашак топа олмас эдилар. У йил қахатчилик йили эди. Уларнинг ахволлари оғирлашди. Уларнинг лашкарлари орасида бир ман нон ҳатто уч дирамга етди ва Рофе лашкаридан кўп кишилар очликдан ҳалок бўлдилар. Амир Наср Самарканда, ўз ўгли Ахмадга хат ёзиб унга Самарканд Сўгидан жангчилар тўплашни буюрди. Вилоят ахолиси: «Булар исёнчилардир, уларга ёрдам бериш ҳалол бўлмайди»,— деб амир Исмоилга ем-ҳашак бермадилар.

Амир Наср Рофенинг келганидан таңгдил бўлган эди. У Карминага кетди. Амир Исмоил ва Рофелар унинг изидан бораётган эдилар, бир киши Рофега насхат килиб: «Сен ўз вилоятингни кўйиб бу ерга келдинг, агар у икки биродар бир-бири билан келишиб туриб сени ўртага олсалар сен нима кила оласан?»—деди. Рофе бу гапдан кўрқди ва амир Наср олдига элчи юбориб: «Мен урушиш учун келганим йўк, балки сизларнинг орангизда сулх килиш учун келдим»,— деди. Амир Насрга бу гап ёкиб тушди ва Бухоро амири бирор бошка киши бўлиши, амир Исмоил омили хирожликка<sup>4</sup> тайинланиб девон даромади<sup>5</sup> ва хутба унинг номида бўлмаслиги хамда у хар йили (амир Насрга) беш юз минг дирам тўлаб туриши лозимлиги шартлари билан сулх туздилар. (Рофе) Наср ибн Ахмадни чакирди ва Исҳок ибн Ахмадни хам чакириб унга сарпо кийгизди-да, Бухоро амирлигини унга топшириди. Амир Исмоил бунга розилик берди. Амир Наср (Самарканда) кайтиб кетди ва Рофе хам Хурасонга жўнади. Бу икки юз етмиш учинчи йили (8 июнь 886—27 май 887) бўлган эди. Шу воқеадан кейин ўн беш ой ўтгач, амир Наср одам юбориб молни талаб килди; амир Исмоил молни ушлаб колиб, юбор-тирмади. Амир Наср ўртада кафил бўлган Рофега хат ёзди. Рофе хам амир Исмоилга шу мазмунда хат ёзди. Амир Исмоил бу хатга илтифот килмади. Амир Наср иккинчи марта хаммаси мовароуннахрликлардан бўлган лашкар тўплади; Абу-л-Ашъас Фаргонадан келди ва яна кайтадан ўша аввалги тартибда Бухорога караб юрдилар. (Амир Наср) Бухоро томон юзланиб Карминага етганида амир Исмоил хам ўз лашкарини йигиб Тавоисга борди. Икки орада тўкиниш бўлиб, каттиқ жанг бўлди. Исҳок ибн Ахмад енгилиб, Фарабга кетди. Амир Исмоил фаргоналиклар устига каттиқ хужум килган эди. Абу-л-Ашъас маглуб бўлиб Самарканда жўнади. У ўз биродарини колдириб кочиб келгани учун самаркандликлар уни тутиб олмокчи бўлган эдилар, Абу-л-Ашъас Самаркандан кайтиб Рабинжонга келди. Амир Исмоил Ахмад ибн Мусо Марзукни асир килиб олиб Бухорога юборди. Бухоро лашкари иккинчи марта енгилди. Амир Исмоил ўз жойида турган эди. У билан озгина одам колган, машхур кишилардан эса Сиймоул-кабир у билан бирга эди. Амир Исмоил одам юбориб, куллардан ва маволийлардан кочгандарининг хаммасини йигдирди; Исҳок ибн Ахмадни Фарабдан кайтариб олдириб келди; Бухоро гозийларидан хам икки минг киши чиқди ва кишлоклар лашкарларини жам килдилар. (Амир Исмоил) уларнинг хаммасига озик-овкат берди. Амир Наср Рабинжонга бориб лашкар анжомларини тайёрлаб кайтди. Амир Исмоил унинг олдига — Возбадинб кишлогига борди ва шу ерда жам бўлишиб икки юз етмиш бешинчи йили сесланба куни жумод ал-охир ойининг ўн бешинчисида (25 октябрь 888) уруш бошладилар. Амир Исмоил Фаргона лашкари устидан галаба козоиди.

Абу-л-Ашъас енгилиб кочди; лашкар хаммаси енгилиб кочган ва амир Наср озгина одамлар билан колиб у хам маглубиятга учраган эди.

Хоразмликлардан бир тўдаси Насрга етиб бориб уни ўлдирмокчи бўлдилар, аммо Сиймоул-кабир хам буни узокдан кўрди ва хоразмликларга кичкириб, уларни амир Насрдан узоклаштирди, сўнг ўзи отдан тушиб Насрнинг узангисини ўпди. Уларнинг отасииинг кули бўлган сипохсолор Сиймоул-кабир одам юбориб амир Исмоилга бу холдан хабар берди. Наср ибн Ахмад отдан тушди ва ёстикни ерга ташлаб ўтириди. Амир Исмоил етиб келди-да, отдан ўзини ташлаб, якин келиб ёстикни ўпди хамда: «Ё амир! Худонинг хукми шу эканки, мени сенга карши кўйди ва биз шундай бир зўр ишни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз»,— деди. Амир Наср: «Мен бу килган ишларингга ажабланаман, ўз амирингга бўйсунмадинг ва худойи таолонинг сенга берган буйругини бажармадинг!»—деди. Амир Исмоил: «Эй амир! Мен хато иш килганимга икрорман, хамма гунох менда, сен fazilatda (мендан) улугроксан ва менинг бу катта гунохимдан ўтиб афв этасан»,— деди.

Булар шундай сўзлашиб турганларида уларнинг бошка биродари Исҳок ибн Ахмад етиб келди. У отдан тушмай турган эди, амир Исмоил: «Хой фалончи! Уз хожанг учун отдан тушмайсанми?»— деб унга дашном берди ва ундан аччигланди. Исҳок тезда отдан тушиб ўзини Насрнинг оёгига ташлаб ер ўпди ва: «Менинг отим хали совутилмаган той, ундан дарров тушиб бўлмайди»,— деб узр сўраб сўзини тамом килган эди, амир Исмоил (Насрга караб): «Эй амир! Яхшиси шуки, бу хабар (Самаркандга) етиб Мовароуннахрда халк кайгуга тушмасдан бурун тезда ўзингнинг азиз кароргохингга кайтсанг эди»,— деди. Амир Наср: «Эй Абу Иброхим! Мени ўз жойимга юборадиган сенмисан?»—деди. Амир Исмоил: «Шундай килмасам нима килай? Кул ўз хожасига нисбатан унинг муроди нима бўлса шуни бажаришдан бошкacha муомала килолмайди»,— деди. Амир Наср сўзлар ва унинг кўзидан ёш куйилар, ўтган ишлар ва тўкилган конларга пушаймон ер эди. Сўнг амир Наср туриб отга минди, амир Исмоил ва биродари Исҳок узангиларни тутиб турдилар ва уни (Самаркандга) кайтариб юбордилар. "(Амир Исмоил) Сиймоул-кабир за Абдуллоҳ ибн Муслимни уни кузатиш учун юборди. Улар бир манзил бирга борганларидан кейин амир Наср уларни кайтариб, ўзи Самаркандга кетди. Амир Наср ибн Ахмад шу асирик кунида хам ўша одамлар билан, худди ўзи амир бўлиб тахтда ўтирган ва улар унинг олдида хизматда турган кунлардагидек сўзлашар эди. Амир Наср бу воқеадан тўрт йил кейин икки юз етмиш тўккизинчи йили жумод ал-аввал ойидан етти кун колганида (21 август 892) вафот этди. У бутун Мовароуннахр ерларига амир Исмоилни халифа килиб тайинлади ва бошка биродарини хамда ўз ўглини унинг фармонига бўйсундирди.

Амир Наср дунёдан ўтгач, амир Исмоил Бухордан Самаркандга келиб давлат ишини ростлади ва унинг ўгли Ахмад ибн Насрни ўзига халифа килди. У шу ердан бошлаб газот ишига киришди. Амир Исмоил Бухорога келганидан то акаси ўлиб бутун Мовароуннахрни унга топшириб вафот килганига кадар йигирма йил ўтди. Амир Насрнинг вафот этганлиги хабари Амирул-муъминин Муътазид<sup>7</sup> биллохга етгач, икки юз саксонинчи йили мухаррам ойида (март—апрель 893) у амир Исмоилни Мовароуннахрга амир килиб фармон берди. Амир Исмоил шу тарнҳда Тароз жангига бориб кўп кийинчилик кўрди ва охири Тароз амири (бўйсуниб) чикиб кўп дехконлар билан бирга ислом динини кабул этди ва Тароз фатх этилди, (у ердаги) катта ибодатхонани масжиди жоме килдилар. Амирул муъминин Муътазид биллох номига хутба ўқидилар. Амир Исмоил кўп ўлжалар

олиб Бухорога келди. У то Амр (ибн) Лайс кучайиб кетгунича етти йил подшохлик килди ва Мовароуннахрнинг амири бўлиб турди.

(Амр ибн Лайс кучайиб) Хурносоннинг баъзи жойларини олди ва жангга киришди. Амирлик килиб турган Али ибн ал-Хусайн Гузгониён амири бўлмиш Ахмаддан ёрдам сўраган эди, яхши жа-воб ололмади ва Жайхундан ўтиб Бухорога — амир Исмоил олди-га келди. Амир Исмоил хурсанд бўлиб сипохлари билан унинг ис-тикболига чиқди, эъзоз ва икром бнлан уни Бухорога олиб кириб кўп тухфалар тақдим этди, Али ибн ал-Хусайн Фарабга бориб ўн уч ой у ерда. бўлди. Амир Исмоил унга доимо хадялар юбориб турди ва яхши муносабатда бўлди. Али ибн ал-Хусайн, то уни (ўз) ўгли урушда ўлдиргунича, Фарабда турди.

Амр ибн Лайс Балх амири Абу Довудга, Гузгониён амири Ахмад ибн Фаригунга ва Мовароуннахр амири амир Исмоилга хат ёзиб, уларни ўзига бўйсунишга чакирди ва яхши ваъдалар килди. Улар фармонга бўйсуниб, унга хизмат килдилар. Амир Исмоил олдига элчи келиб хатни унга берди хамда Балх амири ва Гузгониён амирининг бўйсунгандигидан хабар бериб: «Бу бўйсунишга сен лойикроксан, чунки сен каттароксан ва подшохзодалигинг туфайли подшохлик кадрини яхширок биласан»,— деди. Амир Исмоил: «Сенинг хожанг шу кадар нодон эканки, мени улар каторида санапти; (ахир) улар менинг кулларим-ку! Менинг сенга жавобим — килич; мен билан унинг ўртасида урушдан бошка нарса йўк, кайтиб бориб унга айт, уруш асбобини созласин!»—деб жавоб берди. Амр ибн Лайс амирлар ва улуг кишилар билан маслаҳат килиб амир Исмоил иши борасида улардан ёрдам сўради ва: «Бошка бир кишини юбориб, унга ёкимли сўзлар айтиш ва яхши ваъдалар килиш керак»,— деди. Кейин у хат ёзиб Нишопур шайхларидан ва ўзининг якин кишиларидан бир гурухини юборди ва хатида куйидагиларни айтди: «Гарчи Амир ул-муъминин бу вилоятни менга берган бўлса хам мен мулкдорликда сени ўзимга шерик килдим. Сен дўст бўлиб, мен билан яхши муносабатда бўлгинки, хеч бир бадгўй бизнинг орамизга киришга йўл топа олмасин, ўртамиизда дўстлик ва бирлик бўлсин, бундан илгари айтган гапларимиз гўстохлик юзасидан айтилган эди, биз у гапдан кечдик. Сен Мовароуннахр вилоятини кўрукла, чунки у душман чегарасидир; фукарога гамхўрлик кил! Биз у вилоятни сенга бердик, хурсандлик ва хону монингнинг ободонлигидан бошка нарсани истамаймиз. У вилоят хароб бўлмасин деб ўзим бормай, Нишопурнинг машхур кишиларидан бир канчасини (элчи килиб) юбордим: улар хузурида (ушбу хат мазмунини) кабул этиб сўз бердим ва шу айтилган сўзларга уларни гувоҳ килдим, сендан бошка хеч кимга эътиимодим йўк, орамизда дўстлик мустахкам бўлсин учун сен хам менга ишонишинг керак».

Амр (ибн) Лайснинг (элчилар юборганлиги) хабари амир Исмоилга етгач, у Жайхун лабига (одамлар) юборди, улар элчиларни сувдан ўтишга кўймадилар, келтирган нарсаларини олмадилар ва (Исмоилга) еткизмадилар, (элчиларни) хўрлаб кайтардилар. Амир (ибн) Лайс бундан газабланиб урушга хозирланди. Узининг сипохсолори Али ибн Сурушга лашкар билан Омуяга бориб лашкарни ўша ерда тўхтатишни ва буйрук бўлмагунича сувдан ўтишга шошилмасликни буюрди. Унинг кетидан бошка сипохсолор — Мухаммад ибн Лайсни беш минг киши билан юбориб: «Али ибн Суруш ва сен биргаликда иш кўринглар, лашкарни сакланглар, у тарафдан кимки омон тилаб келса омонлик беринг ва яхши муносабатда бўлинг ва кемалар тайёрлаб айгокчилар юборинг!»—деди. Амр (ибн) Лайс кетма-кет лашкар юбориб турди.

Амир Исмоил бундан хабар топгач, йигирма минг киши билан тезда Бухородан Жайхун дарёси лабига борди ва кечаси Жайхун сувидан ўтиб душманга тўсатдан хужум килди. Али ибн Суруш бундан хабардор бўлиб, тезда отга минди ва лашкарга курол бериб, пиёда аскарларни олдинга юборди. Уруш бошланиб кетди.

Амир Исмоилнинг лашкари хар томондан хужум килар эди. Жанг каттик бўлди. Мухаммад ибн Али ибн Суруш чекинди, унинг ўзи ва Нишопурнинг машхур кишиларидан кўплари асир тушдилар. Иккинчи куни амир Исмоил Амр (ибн) Лайснинг (асир тушган) аскарларига озик-овкатлар бериб хурсанд килди ва хаммасини Амр (ибн) Лайс хузурига кайтариб юборди. Шунда лашкарбошилар амир Исмоилга: «Булар бизга карши уруш килган эдилар, сен уларни асир олганингдан кейин хаммаларига сарпо кийгизиб кайтариб юбординг!»—дедилар. Амир Исмоил: «Бу бечоралардан нима талаб киласиз,— кўйинг улар ўз юртига борсиилар, улар энди хеч качон сизга карши урушга келмайдилар ва бошқаларнинг дилларини хам (урушдан) кайтарадилар»,— деди.

Амир Исмоил оркага кайтди ва кўп кумуш, кийим-кечак, тилла ва курол-яроглар (ўлжа килиб) Бухорога келди.

Шундан кейин Амр (ибн) Лайс хафалик, гамгинлик ва пушаймонликда бир йил Нишопурда бўлди; у «Мен Али (ибн) Суруш ва унинг ўгли учун касос оламан»,— дер эди. Амир Исмоил Амр (ибн) Лайснинг уруш тадорикини кўраётганлигини эшлитиб, аскарини йигди, уларга озик-овкат бериб хар томондан душманга караб юрди; (йигилган аскарнинг) яроклисига хам яроксизига хам, тикувчи-ямокчиларга хам озик-овкат берди. Бу ишдан халк норози бўлиб: «Амир Исмоил шу лашкар билан Амр (ибн) Лайсга карши уруш килмокчими?!»—дер эди. Бу хабар Амр (ибн) Лайсга етиб, у хурсанд бўлди. (Амир Исмоил) Жайхун лабида эди, Мансур Коратегин ва Порс Байкандий Хоразмдан Омуяга келдилар; Туркистон вилояти ва Фаргонадан ўттиз минг киши етиб келди. Йигирма бешинчи зу-л-каъдада (амир Исмоил) Мухаммад ибн Хорунни лашкарнинг бош кисми билан юборди ва иккинчи куни ўзи хам йўлга чикиб, Жайхундан ўтди ва Омуяга хар жойдан аскар тўплади. Бухородан Хоразм шахрига кетдилар ва иккинчи душанба кунигача (урушга) хозирланиб бўлиб, у ердан Балхга караб юзландилар.

Амр (ибн) Лайс шористон хисорини олди ва сипохлари билан шористон олдига келиб тушди; лашкар келтирди ва (шахар) атрофига хандак каздириб, ўради. Сипох (шахарга) киргунича бир неча кун ўтди, У шахар деворини мустахкам килди ва ўзини шахардан кайтиб кетмокчидек килиб кўрсатиб халкни севинтирди.

Амир Исмоил Али ибн Ахмадни Форёбга<sup>10</sup> юбориб Амр (ибн) Лайснинг иш бошида турган кишиларини ўлдиришга буюрди, улар буйрукни бажариб, кўп мол олиб келдилар. Исмоил хар тарафдан одамлар юборар, улар Амр (ибн) Лайс одамларини ўлдириб, мол олиб келар эдилар.

Амир Исмоил Балхнинг Алиобод (деган жойи)га келиб тушиб, уч кун ўша ерда турди. Сўнгра у ердан лашкарини кўчирди ва ўзини намозгоҳга тушмокчидек килиб кўрсатиб, унга бориладиган йўлни кенгайтирди. Амр (ибн) Лайс буни кўриб ўша томон дарвозаларини махкам килди ва ўша тарафга кўп лашкар кўйди; палакмон ва девор тешадиган куролларни ўша томонга тўгрилатди. У намозгоҳ йўлига пистирма тайёрлатиб, уни лашкар билан банд килди. Тонг отгач, Амири мозий (Исмоил) яна йўлни ўзгартирди ва бошка йўл билан шахар дарвозасига караб юриб «Пули Ато»— «Ато кўприги»га келиб тушди. Амр ибн Лайс бу ишдан таажжубда колиб палакмонларни ўша томонга олишни лозим топди. Амир Исмоил уч кун у ерда турди. Унинг фармони билан шахарга сув юбормай кўйдилар, деворни йикитиб, дарахтларни кесдилар ва йўлларни текисладилар.

Нихоят, сешанба куни эрталаб амир Исмоил озгина лашкар билан отга миниб шахар дарвозасига борган эди. Амр ибн Лайс дарвозадан чикиб уруш бошлади. Жанг каттик бўлди. Амр ибн Лайснинг лашкари енгилиб кочди. Амир Исмоилнинг лашкари уларнинг оркасидан изма-из кувлаб баъзиларини ўлдирада ва баъзиларини асир бўлар эди. Шундай килиб, Балхдан саккиз фарсанг йирокликдаги бир жойга етганларида икки хизматчиси билан бирга Амр (ибн) Лайсни кўрдилар, хизматчиларнинг бири кочди, бири эса Амр ибн Лайсга ёпишиди. Шундан кейин Амр (ибн) Лайсни тутиб олдилар. Хар ким: «Амр (ибн) Лайсни мен тутдим», дер эди. Аммо ибн Лайснинг ўзи эса: «Мени мана бу ўз хизматчим тутди»,— деди. Амр (ибн) Лайс ўша хизматчисига, хар бири етмиш минг дирам кийматга эга бўлган ўн беш дона марварид берган экан, уларни ўша хизматчидан тортиб олдилар. Амр (ибн) Лайс чоршанба куни жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида икки юз саксон саккизинчи йили (2 май 901) асир олинди.

Амр (ибн) Лайсни амир Исмоил олдига олиб келганларида, у пиёда бўлиб юрмокчи эди, аммо Амири мозий бунга рухсат бермади ва: «Бугун сен билан шундай муомалада бўлайки, одамлар таажжубда колсинлар»,— деди ва уни саропардага олиб киришга буюрди ва ўз биродарини уни кўриклаб туришга юборди. Тўрт кундан кейин Амр (ибн) Лайс амир (Исмоил)ни кўрди.

Амир Исмоилнинг буйругий билан ундан кандай килиб асир тушиб колганлиги хакида сўраган эдилар, у: «Чопиб кетаётган эдим, отим чарчаб колди, отдан тушиб ухладим, уйгонганимда бошимда иккита кул турганини кўрдим, улардан бири камчин билан бурнимга туртди». Мен: «Бу кари кишидан нима истайсан»,— дедим ва мени халок килмасликларини ўтиниб сўрадим. Улар отларидан тушиб оёгимни ўпдилар ва зинхор (ўлдирмаймиз) дедилар. Улардан бири мени отга миндирди. Одамлар йигилдилар ва мендан: «Ниманг бор?»—деб сўрадилар. Мен: «Хар бири етмиш минг дирам кийматида бир нечта марварид бор»,— дедим ва узугимни бердим. Улар оёгимдан этигимни ечиб бир канча кимматбахо гавхарларни топиб олдилар. (Шу пайт) мени лашкар топди ва Мухаммадшоҳ одамларни мендан узоклатиб турган аснода узокдан амир Исмоилни кўриб отдан тушмокчи бўлган эдим, у ўз жони ва боши хурматини ўртага кўйиб, «Отдан тушма!»—деди; менинг кўнглим карор топди. У мени саропардага туширтириди; Абу Юсуф мен билан бирга чодирда ўтириб мени кўриклаб турди; сув сўраган эдим менга гулоб бердилар ва менга хилма-хил иззат-икромлар кўрсатдилар. Кейин амир Исмоил менинг олдимга кириб меҳрибонлик кўрсатди ва сени ўлдирмайман деб аҳд килди ва мени кажавага ўtkизиб хурмат билан шахарга етқизишга буюрди ва кечаси Самарканд шахрига олиб кирдилар, бундан Самарканд ахолисидан хеч кимнинг хабари бўлмади. Амир Исмоил менинг узугимни уни тортиб олиб кўйган кишидан уч минг дирамга сотиб олиб баҳосини тўлади ва узукни менга юборди. Узукнинг кўзи кизил ёкут эди»,— деди. (Яна) Амр (ибн) Лайс: «Жанг куни менда кирк минг дирам бор эди, уни уруш вактида мендан тортиб олдилар. Меи эллик фарсанг масофага чопиб бора оладиган ва ўзим кўп синаган бнр от устида эдим, ўша куни у шундай суст юрар эдики, меи унинг устидан тушишни истар эдим. Отнинг оёклари арикка тушиб кетди, мен отдан йикилдим ва ўзимдан умид уздим, халиги икки киши мени ўлдиришга касд килган вактларида ўзим билан бирга турган кишига: «Менинг отимга миниб коч!»—дедим, у отга миниб олди, карасам, от худди булатдек югуран эди. Мен тушундимки, бу (хаммаси) менинг давлатим кетганлигидан экан. Айб отда эмас экан,— деди.

Амр (ибн) Лайс амир Исмоилга караб: «Мен Балхда ўн харвор олтин бекитганман,

буюргин, уни олиб келсинлар, уларга эга бўлишга бутун сен сазоворроксан!»—деди. Амир Исмоил одам юбориб олтинларни олдириб келди ва хаммасини Амр ибн Лайсга юборди, Хар канча илтимос килсалар хам мархум амир Исмоил у олтинлардан хеч бир нарса олмади.

Амир ул-муъминнинг Амр ибн Лайсни ўзига юборилишини талаб килиб ёзган хати Самаркандга етиб келди; хатнинг бошланишига шундай ёзилган эди: «Абдуллоҳ ибн ал-имом Абу-л-Аббос ал-Муътазид биллоҳ Амирул муъмининдан, Амир ул муъмининнинг гуломи Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмадга». Бу хат амир Исмоилга етгач, у Амр (ибн) Лайсга ачиниб гамгин бўлди, аммо халифа фармонини кайтара олмади. Нихоят унинг буйруги билан Амр (ибн) Лайсни кажавага ўtkизиб Бухорога олиб келдилар. Амир Исмоил уялганидан юзини унга кўрсатмади ва: «Бирон хожатинг бўлса сўра»,— деб одам юборди. Амр (ибн) Лайс: «Менинг болаларимни яхши кутсинлар хамда бу мени олиб кетаётган кишиларга насиҳат килгин токи улар менга нисбатан яхши муомалада бўлсинлар»,— деб жавоб кайтарди. Амир Исмоил шундай килди ва уни кажавага ўтиргизиб Багдодга юборди. Амр (ибн) Лайс Багдодга етгач, халифа уни Софий ходимга топширди ва у Муътазид халифалигининг охиригача шу Софий ходим қўлида асириклида турди хамда икки йил зинданда бўлгандан кейин, икки юз саксон тўккизинчи йилда (16 декабрь 901—4 декабрь 902) ўлдирилди.

Амир Исмоил Амр (ибн) Лайсни халифанинг олдига юборгандан кейин халифа амир Исмоилни Хуросон амири килиб фармон юборди — Хулвон довонидан бошлаб Хуросон вилояти, Мовароуннахр, Туркистон, Синд, Хинд ва Гургонлар хаммаси уники бўлди. У хар бир шахарга биттадан амир тайин килди, адолат ва яхши ахлок билан иш тутди, кимки фукарога зулм килса унга жазо берди. У зоҳид бўла туриб шундай сиёsatли эди, сомонийлар сулоласидан хеч ким ундан сиёsatлирок бўлмаган. У давлат ишида хеч бепарволик килмас, хамиша халифага бўйсунар ва умрида хеч маҳал халифага итоатсизлик килмай, унинг фармонини маҳкам тутар эди.

Амир Исмоил бемор бўлиб бир канча вакт ётди. Унинг касаллиги кўпроқ рутубатдан эди. Табиблар: «Жўйи мулиённинг хавоси хушрок», — дедилар. Уни ўзининг хос мулкидан бўлган Зармон кишлогига олиб бордилар: «Бу ернинг хавоси унга мувофикрок келади», — дедилар. Амир бу кишлокни яхши кўрар ва ов килиш учун хамма вакт ўша ерга борар эди; у ерга бот курган эди. Бир муддат у ерда бемор ётиб, охири икки юз тўксон бешинчи йили сафар ойининг ўн бешинчисида (25 ноябрь 907) худди шу богда катта бир дараҳт тагида вафот этди. У йигирма йил Хуросон амири бўлди. Хукмдорлик муддати ўттиз йил эди. Худойи таоло уни раҳмат килсин, негаки унинг даврида Бухоро пойтаҳт бўлди, сомонийлар сулоласидан чиккан хамма амирлар Бухорода турдиган бўлдилар. Ундан олдинги Хуросон амирларининг хеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорода туришни ўзи учун муборак деб хисоблар, унинг кўнгли Бухородан бошка хеч бир ерда ором топмас ва у каерда бўлмасин: «Бизнинг шахар, яъни Бухоро, ана бундай, ана шундай», — дер эди. Амир Исмоил вафот этгандан кейин ўрнига ўғли ўтириди. Унга «Амири мозий» — «Дунёдан ўтган амир» деган лакабни бердилар.

---

### XXXI АМИРИ ШАХИД АХМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙНИНГ ХУКМДОРЛИГИ

У Хурросон амири бўлди. Уни Амири шахид дейдилар. У ўз отасининг йўлидан юриб адолат кўрсатар ва барча фукарога бутунлай инсоф юзасидан каарп эди. Фукаро роҳат ва осойишталиқда яшадилар. Амири шахид у ер (Бухоро)дан Хурросонга бориб ўз мамлакатини кўздан кечирди ва Сеистонни олди. Амири мозий даврида Сеистон унинг номида эди. У ердан Бухорога келди. У ов килишни яхши кўрарди. У ов килиш учун Жайхун лабига бориб саропарда курган эди (бир куни) овдан кайтиб (саропардага) келганида бир чопар Табаристон амири Абу-л-Аббосдан хат олиб келди. Амири шахид хатни ўкиди; хатда: «Хусайн ибн Ало хуруж килиб Гургон ва Табаристон вилоятларининг кўп ерларини олди, менинг зарурат юзасидан кочишим керак бўлиб колди», — деб ёзилган эди. Бундан амир дилтанг бўлиб жуда гамгинликка тушди ва: «Эй худо! Агар бу подшохлик мендан кетадиган бўлса, менинг ажалимни бер!» — деб дуо килдида, саропардага кирди.

Амири шахиднинг шундай одати бор эди; унинг бир шери бўлиб, хар кеча амир ётадиган уй эшигига ўша шерни занжир билан боғлаб кўяр эдилар, ким у уйга кирмокчи бўлса, шер уни халок килар эди. Ўша кеча амир гамгин бўлганидан унинг хамма хос кишилари хам у билан машгул бўлиб, шерни олиб келишни унтиб кўйдилар. Амир ухлаб ётганида унинг кулларидан бир тўдаси кириб бошини олдилар. (Бу воеа) хижратдан уч юз биринчи йил жумод ал-охир ойининг ўн биринчисида (12 январь 914) пайшанба куни (бўлган эди). Уни Бухорога олиб келиб Навканда кабристонига кўйдилар ва унга «Амири шахид» деб лакаб бердилар. «Бу ишни Абу-л-Хасан бошкарган,» — деб унга тухмат килдилар ва уни Бухорога олиб келиб дорга осдилар. Амирга сукисд килган куллардан баъзиларини топиб ўлдирдилар, баъзилари Туркистонга кочди.

Унинг подшохлик муддати олти йилу тўрт ой ва беш кун бўлди.

---

## **XXXII АМИРИ САЪИД АБУ-Л ХАСАН НАСР ИБН АХМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙ ХУКМДОРЛИГИ**

Амири шахидни дафн этиб бўлгач, унинг ўгли Насрга «Саъид» — «Саодатлик» лакабини бердилар. У саккиз ўнда эканлигига отасининг ўрнига подшох килдилар. Унга вазирлик (иши) ни Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Ахмад ал-Жайхоний олди, Хамавия ибн Али сипохи солор бўлди. Уни «Бутун Хурросон эгаси» деб атар эдилар.

Дастлаб Амири саъид бўш иш олиб борганлигидан хар ерда фитна пайдо бўлди, унинг отасининг амакиси Исҳок ибн Ахмад Самаркандда ўзига байъат килишни талаб этди ва Самарканд ахолиси унга бўйсундилар. Унинг ўгли Абу Солих Мансур ибн Исҳок Нишопурда исён кўтариб, Хурросон шахарларидан баъзисини олди. Самаркандда Исҳок ибн Ахмад хукмдорлиги кучайди ва Амири саъид ўз сипохсолори Хамавия ибн Алини унга карши урушга юборди. Исҳок маглубиятга учраб, лашкари Самаркандга кайтиб кирди. Исҳок иккинчи марта урушга ростланди ва Самарканд ахолиси у билан бирга шахардан ташкарига чикиб, Хамвияга карши урушдилар ва маглуб бўлдилар. Исҳок ибн Ахмад учинчи марта урушга чиккан эди бу гал у асир тушди. Унинг ўгли Мансур ибн Исҳок Нишопурда эди, у ўлди; бутун Хурросон ва Мовароуннахр факат Амири саъидга ўтди; Форс, Кермон, Табаристон, Гургон ва Ирокда унинг номига хутба ўкидилар.

Хикоят. Амири саъид ўн учинчи йили2 Бухорога ўзининг якин кишиларидан бири Абу-л-Аббос Ахмад ибн Яхё ибн Асад ас-Сомоний номли кишини халифа килиб колдириб,

ўзи Бухородан Нишопурга кетди.

Ўша йили «Гардун кашон» махалласига ўт тушди. Ўт шундан зўрайдики, Самарканддаги одамлар бу оловни кўриб турдилар. Бухороликлар: «Бу олов осмондан келди», — дер эдилар. Ўтни ўчириш мумкин бўлмай бу махалла бутунлай куйди.

Шу орада Амири саъиднинг бошка биродарлари хурож килдилар ва кўп фитналар кўзготдилар. Охири фитнанинг асосчисн бўлган Абу Закариё, хеч нарсани кўлга киргиза олмай, озгина одам билан Хурносонга кетди. Амири саъиднинг бошка биродарлари омонлик тиладилар. Амири саъид уларга омонлик бериб, олдига чакириб олди ва шу билан фитна тинчида.

Хикоят. Яна Амири саъид Наср ибн Ахмад ибн Исмоил даврида уч юз йигирма бешинчи йил ражаб ойида (май-июль 937) Бухорога ўт тушиб хамма бозорлар куйди. Ўт бир халимпазнинг дўконидан бошланган. У дўкон Самарканд дарвозаснда бўлиб, халимпаз халим козони тагидагп кулни томга олиб чикиб, томда чукурлик бор экан, уни тўлгизмокчи бўлган, кул орасида бир бўлак чўг бор экан, халимпаз уни сезмаган ва шамол чўгни олиб бориб камишдан ясалган бир уйга урган. У уйни ўт олиб, ундан хамма бозорларга ўт кетган ва Самаркаид дарвоза махалласи буткул куйган. Олов осмонда булатдек сузуб юрган. «Кўйи бикор» — «Кизлар кўчаси», бозорнинг тимчалари, Мадрасайи Форжак, ковушдўзлар тими, саррофлар ва базозлар бозори, (хулласи) Бухоронинг ана шу томонида то анхор лабига боргунча нимаики бўлса хаммаси куйган. Бир парча олоз сачраб Масжиди Моҳни ўт олди ва у (хам) томоман ёниб кетди. Олов икки кеча-кундуз ёниб, бухороликлар уни ўчиришдан ожиз колдилар, кўп машаккат чекдилар ва нихоят. учинчи куни ўчиридилар. У ёғочлар тупрок тагида бир ойгача куйиб турди. Бухороликларга юз минг дирамдан ортиқ зиён етди. Шундан кейин Бухоро иморатларини хеч качон у (илгаригисидек) килиб кура олмадилар.

Амир саъид ўттиз бир йил подшохлик килди. .У адолатли подшох бўлиб, отасидан хам ақилрок эди. Уннинг яхши сифатлари кўп; агар хаммасини айтсан гап узайиб кетади.

У дунёдан ўтгач, ўгли Нуҳ ибн Наср подшохлик (тахтига) ўтириди.

---

### **XXXIII АМИРИ ХАМИД АБУ МУХАММАД ИУХ ИБН НАСР ИБН АХМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙ**

Амири хамид уч юз ўттиз биринчи йили шаъбон ойининг аввалида (10 апрел 943) подшохлик тахтига ўтириди ва Абу Зар унга вазир бўлди. У Бухоро козиси эди. Унинг замонида фикх илмини ундан кўра биладиганрок киши бўлмаган. «Мухтасари Кофий» унинг асаридир.

Амири саъид вафот этгач, (подшохликни талаб этувчилардан) хар бир киши бир жойда карор топти. Амири хамид Бухородан чикиб Нишопурга кетди. Абу Али Исфаҳоий З Нишопур амири эди. Амири хамид (лашкар) юбориб уни кўлга олдирди; ўзига карши кишиларни таркатиб юбориб вилоятларни тозалади; Нишопурни Иброҳим Симжурга берди4. Абу Али Исфаҳоний ўзича: «Мен унинг подшохлигини баркарор килдим, у эса вилоятни бошка кишига берди», — деб ўйлади ва Абу Исҳок Иброҳим ибн Ахмад ибн Исмоил ас-Сомомийга: :«Бухорога бориб подшохликни ол! Мен сен билан бўлсан амир сенга карши тура олмайди», — деди. Абу Исҳок лашкар тортиб Амири хамидга каршилик ошкор килди. Амири хамид Нишопурдан. кайтаётганида Абу Исҳок унга хужум килди.

Улар ўртасида жанг бўлди ва Амири хамид енгилиб Бухорога келди. Унинг кетидан амакиси Абу Исҳок хам Бухорога келди ва уч юз ўттиз бешинчи йил жумод ал-охир ойида (январ 947) бутун Бухоро ахолиси унга байъат килдилар. Бухоронинг хамма минбарларида Абу Исҳок номига хутба ўқидилар. Бир оз вакт ўтгандан кейин Абу Исҳок ўз лашкари унинг ўзига карши ёмон ниятда эканини, уни ўлдиришга касд килганини ва Амири хамидга садокат билдирганини билиб колди ва Бухородан кайтиб Чаганиёнга кетди. Амири хамид сипохсолорликни Мансур Каротегинга берди ва уни Марвга юборди. Мансур Каротегин Али ибн Мухаммад ал-Казвенийни ушлаб асир килиб Бухорога юборди ва у (Марвдаги) кўзголонни бостиради. Амири хамид ўз подшохлиги даврида подшохликни талаб этувчихар хил кишилар билан кўп урушлар килишига тўгри келди, Уч юз кирк биринчи йилга (23 май 952—17 май 953) келибгина хамма вилоятлар Амири хамидга тўла бўйсунди.

Амири хамид уч юз кирк учинчи йил раби ал-охир ойида (август 954) вафот этди. У ўн икки йил подшохлик килди.

Ахмад ибн Мухаммад ибн Насрнинг айтишича, Мухаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий бу китобни Амири хамид подшохлиги даврининг бошида уч юз ўттиз иккинчи йили (4 сентябр 943-23 август 944) унинг номига атаб ёзган ва Амири хамид даврида юз берган воеаларни ўз китобида тўла келтирмаган. Амири хамиддан кейинги сомонийлар (сулоласи) амирларининг ахволларидан бизга маълум бўлгани, оллох таоло муваффакият берса, мана шу (куйидагича) дир.

---

#### **XXXIV АМИРИ РАШИД АБУ-Л-ФАВОРИС АБДУЛМАЛИК ИБН НУХ ИБН НАСР ИБН АХМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙНИНГ ПОДШОХЛИГИ**

Амири хамид дунёдан ўтгач, Амири рашидга байъат этдилар. У ўн ёшида подшохликка ўтириди. Амири хамидинг вафот этганлиги хабари вилоятларга етгач, хар ким бир вилоятга эга бўлишни тама килди (Амири рашид) Ашъас ибн Мухаммад ибн Мухаммадни Хурсонга юборган эди, унга Хирот ва Исфаҳонда кўп жанглар килишга тўгри келди ва у вилоятларни бўйсундирди. У хали шу иш билан машгул бўлиб, жанг килаётган эдикি, Амири рашид отдан йикилди ва шу кечасиёқ вафот этди. У кеча чоршанба кечаси бўлиб, уч юз эллигинчи йил шаввол ойидан саккиз кун ўтган (20 ноябрь 961) эди. Унинг подшохлик муддати етти йил бўлди. Уни дафн килганларидан кейин лашкар исён килиб кўзголон кўтарди ва хар ким подшохликни тама килиб, галаёнлар юз берди.

---

#### **XXXV МАЛИКИ МУЗАФФАР АБУ СОЛИХ МАНСУР ИБН НАСР ИБН АХМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙНИНГ ПОДШОХЛИГИ**

Амири садид подшохлик таҳтига ўтиргач, лашкар унга байъат килди: кўп карама-каршиликлардан кейин иттифоклик вужудга келди. Унга байъат килинган кун жума куни, уч юз эллигинчи йил шаввол ойида (ноябрь-декабрь 961) эди. (Шу вактда) сипохсолор Алптегин Нишопурда эди, Амири рашиднинг вафоти хабарини эшитгач, у Амири садидни кўлга олишга касд килди. Амири садид унга (карши) одам юборди.

Алптегин Жайхун дарёсига етиб келиб, ундан ўтишни мўлжаллаган эди, аммо (унга карши) кўп лашкар келганлиги туфайли ўта олмади. У ўз вилояти Нишопурга кайтмокчи бўлди. (Аммо) Амири садид Нишопурга, Мухаммад ибн Абдураззокка: «Уни Нишопурга киришга кўйманглар!»—деб хат ёзди. Алптегин бундан хабардор бўлгач, Нишопурга бора олмаслигини билиб, Жайхун суви хамда Омуйдан ўтиб, Балхга борди ва Балхни олиб каршилик зохир килди.

Амири садид Ашъас ибн Мухаммадни юборди, у Алптегинга карши кўп уруш килиб охир уни Балхдан чикарди. Алптегии Газнага кетди. Ашъас ибн Мухаммад хам унинг кетидан Газнага борди, у ерда хам уруш килдилар. Алптегин иккинчи марта Ашъасдан енгилиб кайтиб Балхга караб кочди. Кўп карама-каршилик ва урушлардан кейин Амири садид унга яна омонлик берди ва у хизматга келди. Шу вактларда Амири садид вилоятларга кўп лашкар юбориб мамлакатни (душманлардан) тозалади; вилоятда (тахт учун) низо килувчи киши колмади. Амири садид дайламийлар вилоятини олиб сулх тузди: дайламийлар хар или Амири садидга бир юз эллик минг нишопур дирами тўлайдиган бўлдилар.

Амири садид уч юз олтмиш бешинчи йили ўн олтинчи мухаррамда (25 сентябрь 975) якшанба куни дунёдан ўтди. У ўн беш йилу беш ой подшохлик килди. Яна худо билимдонрок.

---

#### **XXXVI АМИРИ РАШИД АБУ-Л-КОСИМ НУХ ИБН МАНСУР ИБН НУХ ИБН НАСР ИБН АХМАД ИБН ИСМОИЛ АС-СОМОНИЙНИНГ ПОДШОХЛИГИ**

Амири садид якшанба куни дунёдан ўтгач, душанба куни ўгли тахтга ўтирди ва унга байъат килдилар. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Ахмад ал-Жайхоний унга вазир бўлди. (Лекин) бир неча кун вазирлик килгач, карилиги сабабли вазирликдан истеъро берди. Ундан кейин икки-уч кун ўтгач, охири, амир Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Азиз вазир бўлди ва давлат иши равнак топди. Лашкар сипохсолори бўлиб турган Абу-л-Аббос Тош бўшатилиб, Абу-л-Хасан Мухаммад ибн Иброҳим сипохсолор бўлди. Абу-л-Аббос Тош каршилик билдириб Нишопурни олди. Абу-л-Хасан, унинг ўгли Абу Али ва Абу-л-Хасан ал-Фойик ал-Хоссалар Нишопурга бориб, уч юз етмиш еттинчи йили (3 май 987—20 апрель 988) уни маглуб килдилар. Абу-л-Аббос Нишопурдан кочиб Гургонга борди. Али ибн Хасан унга ёр бўлиб, Гургонга киритди.

Сипохсолор Абу-л-Хасан Мухаммад ибн Иброҳим зу-л-каъда ойининг охирида уч юз етмиш саккизинчи йили (11 март 989) дунёдан ўтди ва унинг ўгли (Абу Али) сипохсолор бўлди. Кейин Амири рашид уни ёмон кўриб колиб бекор килди ва Абу-л-Хасан ал-Фойик ал-Хосса сипохсолор бўлди хамда Харийга бориб у билан жанг килди, аммо ундан (енгилиб) кочди ва хижратнинг уч юз етмиш саккизинчи йили зу-л-хижжа оида (март-апрель 989) Марвга борди.

Ундан кейин Абу-л-Хорис Мансур ибн Нуҳ бир йилу туккиз ой волий бўлди, бектузийлар уни Сарахсда банд килдилар. Шу билан подшохлик сомонийлар сулоласи кўлидан чикиб кетди. Яна оллоҳ билимдонрокдир.